

63
P-24 ✓

Абдулла Расулов
Алишер Исоқбоев

**ТАРИХ ФАНИНИНГ ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ АСОСЛАРИ ВА
УСЛУБИЁТИ**



Мазкур ўқув-услубий қўлланма олий ўқув юртлари тарих таълим йўналишининг бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари учун илмий тадқиқот асослари ҳамда услубиётига оид. Унда мустақил таълим – реферат, курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертацияси ёзиш асослари, мақсад ва вазифалар, услубиёт, илмий тадқиқот олиб бориш кўникмалари, расмийлаштириш тартиб-қоидалари баён этилган. Тарихий адабиётлар, манбалар йиғиш ҳамда уларни қайта ишлаш, илмий тадқиқотларда цитата (иктибос, кўчирма)лар, тарихий тушунча ва атамалар, изоҳлар келтириш тартиблари, усуллари ўз ифодасини топган. Муаллифлар ушбу ўқув-услубий қўлланмани ёзиш давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари, тадқиқотчилар услублари ва ўзларининг шахсий тажрибаларига асосландилар.

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори Қ. К. Ражабов

**Тақризчилар: тарих фанлари доктори, профессор И. М. Саидов,
тарих фанлари номзоди, доцент Б. Р. Исоқов,
тарих фанлари номзоди, доцент Б. А. Талапов**

Ушбу ўқув-услубий қўлланма Наманган Давлат университети ўқув-услубий кенгашининг 2008 йил 27 августдаги 1- сонли йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

А. Расулов, А. Исоқбоев.

**Тарих фанининг илмий тадқиқот асослари ва услубиёти
(ўқув-услубий қўлланма)**

СЎЗ БОШИ

Тарихни ўрганишда илмий тадқиқотларнинг тутган ўрни бекиёс хисобланади. Зеро, Ватанимиз тарихини холисона, ҳар қандай мафкуравий таъйикларсиз, зафарли ва тушқунлик йилларини яширмасдан халққа етказишда тарих фани тадқиқотчиларининг хизмати катта. Президент И. А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, "... тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади"¹.

Илмий-тадқиқот билан шуғулланиш жараёни талабаликдан бошлаб умрнинг охиригача, хусусан, илмий даражалар, унвонлар олингандан кейин ҳам давом этаверади. Аслида илм билан шуғулланган тадқиқотчига берилган илмий даража ва унвонлар илмий изланишлари натижасининг тасдиқлангани, эътироф этилгани дейиш ҳам мумкин. Аммо ана шу илмий даража, унвон бўйича эътирофга эришиш йиллар давомида илмий изланишлар, мақолалар, китоблар ёзишни, шогирдлар етиштиришни тақозо этади.

Тарих таълим йўналишида тахсил олаётган талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш турли шаклларда, хусусан талабаликнинг дастлабки босқичлариданок реферат – мустақил иш, курс иши тарзида, охириги босқичда битирув малакавий иши кўринишида амалга оширилади. Ушбу ўқув-услубий қўлланмада илк бор реферат, курс иши, битирув малакавий ишларини ёзиш, расмийлаштириш тартиб-қоидалари, тарих фанида илмий тадқиқот олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича тушунчалар берилади. Шунингдек, мазкур услубий қўлланмадан тарих таълим йўналишида ёзиладиган магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаблар, уни расмийлаштириш бўйича қабул қилинган тартиб-қоидалар ҳам ўрин олган. Тарих йўналишида илмий тадқиқот учун мавзу танлаш, режа (иш режаси) тузиш, илмий, тарихий адабиётларни ўрганиш, архив манбалари, даврий матбуот материалларини йиғиш, қайта ишлаш, музей манбалари, кутубхона фондларидан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлар муҳим аҳамиятга молик эканлиги аниқ далиллар асосида қўлланмадан ўрин олган. Тарих бўйича илмий тадқиқот олиб боришда кўчирмаларнинг турли шакллари, жадваллар, чизмалар, тарихий географик, тарихий атамалар, тушунчалар, қисқартмалар ва изоҳлардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, илмий мақола, рисола, монография ёзиш услубиёти, ўқув қўлланма, дарслик тўғрисидаги тушунчалар ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, ўқув-услубий қўлланмада илк бор тарихий адабиётлар, чоп этилган ҳужжатлар, тўпламлар, архив манбалари, даврий матбуот материалларидан, илмий тўпламлардан кўчирма келтириш тартиб-қоидалари, ўзига хос хусусиятлари маълум бир мисоллар асосида, намуналар келтириш орқали кўрсатилган.

Ўқув-услубий қўлланма орқали талабалар илмий тадқиқот олиб боришнинг оддий шаклидан нисбатан мураккаб турларига, хусусан реферат, курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертацияси ёзиш жараёнининг

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 97.

Ўзига хос хусусиятлари тўғрисида кенг қамровли маълумотларга эга бўлади. Илмий тадқиқот ёзишга қаратилган тавсиялар бу борадаги тамойиллар талабаларда илмий кўникмаларни шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма олий таълим тизимида илмий тадқиқот олиб боришнинг асослари ва услубиётига қаратилган илк уринишлардан бири ҳисобланади. Мазкур ўқув-услубий қўлланмани ёзишда Ўзининг беминнат маслаҳатларини берган устозимиз, тарих фанлари доктори, профессор С. Солиевга миннатдорчилик билдирамыз.

Муаллифлар ўқув-услубий қўлланма бўйича билдириладиган фикр-мулоҳаза ва тавсияларни самимият билан қабул қиладилар.

Муаллифлар

1- МАВЗУ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ АСОСЛАРИ ФАНИ ПРЕДМЕТИ, МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА

1. Фаннинг предмети, долзарблиги.
2. Фаннинг мазмуни ва вазифалари.

Тарих фани бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда тадқиқотчи ўзи ўрганаётган фаннинг предмети, мазмуни, вазифалари бўйича маълум бир тушунчага эга бўлиши фойдадан холи бўлмайди.

Маълумки, жамият тараққиётини ўрганишда тарих фани кўзга кўринарли ва фахрли ўринни эгаллайди. Тарих ҳам бошқа ҳар қандай фанлар каби ўз предметига эга. Тарих фани ўзига хос вазифалари, билиш хусусиятлари ва шундан келиб чиқадиган илмий тадқиқот усулларига эга бўлиб, бошқа ижтимоий фанлардан қуйидаги тарзда фарқ қилади :

– тарих фанининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, мазкур фан илмий тадқиқотлар асосида ўтмишни, яъни бўлиб ўтган воқеа-ходисаларни ўрганади. Бўлиб ўтган воқеа-ходиса, жараёнлар тўғрисида ёзма ва архив манбалари, моддий ёдгорликлар, маданий ёдгорликлар илмий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади;

– тарих фани бошқа ижтимоий фанларга нисбатан аниқ фан ҳисобланади. Бўлиб ўтган тарихий воқеа-ходисалар ва уларнинг санасини, хронологик изчилликда аниқлаш, ўтмишдаги тарихий жараёнларни ҳар томонлама тиклаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Хусусан, тарих фанида **далиллар, хронологик саналар, тарихий шахслар номи, воқеа-ходисалар бўлиб ўтган жойлар, тарихий-географик ҳудудлар, илмий ва тарихий атама ҳамда иборалар, хулосалар** муҳим ўрин тутаяди;

– тарих фани жамият ва инсониятнинг ривожланиш жараёнини, кўплаб воқеа-ходисаларда маълум бир умумий қонуниятни илмий жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қилади;

– тарих фани жамият тараққиётининг барча томонини, хусусан иқтисодий тарихини, ижтимоий-сиёсий тузилишини – тарихини, давлат қурилиши тарихини, ички ва ташқи ҳамда халқаро микёсдаги сиёсатини, миллий ва миллатлараро муносабатларни, маданиятини илмий тадқиқотлар асосида ўрганади.

Тарих фани мазмуни ва вазифалари тўғрисида гапирганда асосий эътибор **далиллар** ҳамда уларнинг **умумлашмасига** қаратилади. Тарих фанида **далиллар** муҳим аҳамиятга эга. Далиллар маълум бир маънода асосий материал, яъни тарих фанининг “хом ашё”си ҳисобланади. Айнан далиллар асосида илмий-тарихий билимлар вужудга келиб, у илмий тадқиқот учун асос бўлади. **Далиллар** тарих фани учун ҳаводек зарур бўлиб, тарихга оид илмий тадқиқотлар учун асосий манба сифатида хизмат қилади. Тарих фанида тўла аниқланмаган, баҳсли-мунозарали далилларга таянган ва шу асосдаги талқинларга эга бўлган ҳар қандай тарихий концепция мутлақо ўз аҳамиятига эга эмас. Шунинг учун ҳам тарихга оид илмий тадқиқотларга киришган

тарихчи тадқиқотчи мавжуд тарихий далилларни синчковлик билан ўрганиши, мавжуд бошқа манбалар орқали солиштириши, қиёсий таҳлил қилиши ва шундан кейингина тегишли равишда масъулият билан талқин қилиши мумкин бўлади.

Тарих фани бўйича илмий ишга киришган тадқиқотчилар учун тарихдаги муаммоларни ўрганиш, воқеа-ҳодисалар ва тарихий хронологияга муносабат, тарихий атамалар, иборалар ва тушунчалар, тарихий шахслар исми шарифи, тарихий асарлар номи ва муаллифлари, тарихий сана ва далилларни келтиришда англашилмовчиликка, хатоликка йўл қўйиш мумкин эмас. Бунинг учун “тарих нонини ейиш”га аҳд қилган тадқиқотчи ҳар томонлама тайёр-гарлик кўрган, хусусан тарихга оид билимларни эгаллаган, ўзининг мустахкам эшлаш қобилиятига, тарихий воқеа-ҳодиса, жараёнларни, далилларни таққослаш, таҳлил қилиш ва мавжуд манбаларни ўрганиш ва талқин қилишда кенг қамровли мушоҳадага эга бўлган мутахассис бўлмоғи даркор. Тарих фанида мавжуд муаммолар ечимига “саёз” қараш, манбаларга шунчаки “кўз югуртириш”, “арзон шов-шув”ларга интилиш билан жиддий ва асосли илмий тадқиқотни амалга ошириб бўлмайди.

Албатта, тарих фанида далиллар муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотчи томонидан мавжуд тарихий далилларни ўрганиш, саралаш ва уларга баҳо бериш, талқин қилиш жараёни шунчаки оддий вазифалардан ҳисобланмайди. Тарихий далиллар турлича, яъни кичик, йирик, аҳамиятга молик, кенг миқёсдаги тарихий жараёнлар ёки алоҳида бир воқеани ёритувчи, хронологик жиҳатдан яқинда ёки узок ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисани ўз ичига олиши мумкин. Юқорида қайд этилган йўналишлардаги тарихий далиллар қамровини яна давом эттириш мумкин. Аммо шу нарса аниқки, тарих фанидаги далиллар катта-кичиклиги, муҳим, катта ёки кичик аҳамиятга молик эканлиги билан турли тарзда талқин қилиниши мумкин бўлгани ҳолда, барибир чуқур ва синчковлик билан ўрганишни, қиёсий таҳлилни тақозо этади. Тарихий далилларга баҳо бериш, уларни ўрганиш услуби, тизимга солиш маълум даражада илмий тадқиқотчининг билим даражаси, тажрибаси ва машаққатли илмий меҳнатга сарфлайдиган вақтига ҳам боғлиқ бўлади. Илмий тадқиқотларда тарихий далиллардан ишончли ва унумли тарзда фойдаланиш кўникмаси аста-секин, талабаликнинг илк босқичларидан бошлаб, тарихий фанларни ўзлаштириб бориш жараёни натижасида вужудга келади.

Тарих фанида далиллар муҳим аҳамиятга молик эканлигини тасдиқлаган ҳолда қайд этиш мумкинки, тарихчи-тадқиқотчи учун далилларнинг ўзигина етарли эмас. Илмий тадқиқотчининг вазифаси шуки, мавжуд тарихий далилларни чуқур ўрганиши, солиштириши ва уларни илмий талқинлар орқали “жонлантириш”и керак. Тарих фанидаги тарихий далилларнинг ўзи – бу амалда ҳеч нарса эмас. Йиғилган тарихий далилларнинг ўзи ўрганилаётган мавзунини ёритишда, хусусан илмий тадқиқот учун маълум бир пойдевор вазифасини ўтайди. Тарих фанида далилларни ўрганиш илмий тадқиқотда дастлабки поғона бўлиб, кейинги босқич мавжуд далилларни **умумлаштириш** ҳисобланади.

Тарихчи-тадқиқотчининг вазифасига далилларни қалаштириб ташлаш эмас, балки мавжуд тарихий далилларни назарий жиҳатдан мушоҳада қилиш,

умумлаштириш, саралаш, таҳлил қилиш ва улар орасидан энг муҳимларини ажратиб, илмий тадқиқот матнига киритиш ҳисобланади. Илмий тадқиқот орқали тарихий далилларни таъкидлаш билан бирга, воқеа-ҳодисаларнинг қонуний жараёнини, сабаб ва оқибатларини “тарих тарозиси”га солиб, уни ҳолисона, илмий баён этиш керак бўлади.

Тарихий далиллар ва умумлаштириш ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу тарих бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борадиганлар учун муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, тарихий тадқиқотда нафақат далилларга, балки уларни умумлаштиришга ҳам катта эътибор қаратилади. Зеро, илмий тадқиқот маълум даражада аввалдан режалаштирилган илмий ҳулосаларга олиб келмаслиги керак.

Тарихий тадқиқотга жазм қилган илмий изланувчилар доимо ўз устида ишлаши, тарихий мушоҳадасини ривожлантириб бориши, узлуксиз равишда **ўқиган ва уққанлари** ҳамда йиққан манбалари, тарихий материаллари бўйича ўйлаб юриш одатини шакллантириши, илмий таққослай олиши, умумлаштириши ва ҳулоса чиқара олиши, мавжуд материалларни шунчаки ўрганмасдан, чуқур таҳлил қилиш хусусиятини аста-секин шакллантириши каби ҳислатларни ўзида мужассамлаштириши керак.

Тарихчи бошқа айрим фан мутахассисларидан фарқли ўларок, илмий иш устида синовлар ўтказишга, тадқиқот объектини бевосита кузатишга, хусусан ўзи ўрганаётган ўтмишни, воқеа-ҳодисаларни том маънода қайтаришга имконияти йўқ. Чунки содир бўлган тарихий воқеалар ҳеч қачон яна ўша тарзда, айнан ўша жойда қайтарилмайди. Демак, тарихчи ўз тадқиқоти учун содир бўлган воқеа-ҳодисаларни тиклаш, тажриба, синов йўли билан яна қайтариш имкониятига эга эмас. Илмий тадқиқот учун изланувчи материални тарихий манбалардан, ҳужжатлардан, ёдгорликлардан олади. Тарихчи учун материаллар, хусусан ўтмиш материаллари ҳар қуни келтирилади ва бу тарихий билимни кундан-кунга қўпайиб боришидан далолат беради. Тадқиқотлар муаммоси доимо кенгайиб, мураккаблашиб бораверади. Илмий изланишлар орқали янги манбалар, далиллар юзага чиқиб, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш такомиллашиб бормокда. Бу эса тарих бўйича илмий тадқиқот қиладиганлардан замон руҳи билан қадам-бақадам юришни, воқеа-ҳодисаларни, ижтимоий-сиёсий жараёнларни доимо кузатиб, таққослаб, тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиб боришни тақозо этади. Зеро, ҳеч бир илмий изланувчи тарихдаги барча йўналишлар бўйича тадқиқотга қўл ура олмагани ҳолда, айти пайтда илмий тадқиқотчи ўзигача бўлган илмий изланишлар ва бугунги кундаги олиб борилаётган тадқиқотлар тўғрисида маълум бир тушунчаларга эга бўлиши зарур. Бу эса тарихчини замонавий илмий тадқиқотлар ҳолатидан бохабар қилиш билан бирга, ўзи олиб бораётган тадқиқотларида янги илмий ҳулосалар чиқаришга ундайди. Тарихчи-тадқиқотчи томонидан воқеа-ҳодисаларга, ўтмишга берилган баҳо, бу амалда ўзига хос тарихий жараёнлар бўйича чиқарилган ҳукм ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарихий воқеа-ҳодисалар устидан “ўқилаётган ҳукм”, яъни манбаларнинг тарихий талқини ҳолисона ёндашишни талаб этади. Бу билан тарихчи маълум даражада тарихий жараёнлар бўйича “ҳакам” вазифасини ҳам ўтайди. Тарихий далилларни умумлаштириш, таҳлил

қилиш асосида воқеа-ҳодисаларга нисбатан бериладиган тарихий хулосада тадқиқотчи зиммасига катта масъулият юкланади. Тадқиқотларда адолатли хулосага келиш тарихчининг тарихий манбаларни қай даражада ўрганганига, назарий билимларига бевосита боғлиқ бўлади.

Таянч сўзлар

Далил, хронологик сана, тарихий шахс, воқеа-ҳодиса, жараён, тарихий-географик ҳудуд, тарихий атама, иборалар, хулоса, умумлашма, ўқиш, уқиш, долзарблик, мазмун, вазифа.

Назорат саволлари

1. Тарих фани илмий тадқиқот асослари фани предмети нималардан иборат?
2. Тарих фани илмий тадқиқот асослари фанининг асосий вазифаларини айтиб беринг.
3. Тарих фани бўйича тадқиқотга киришган изланувчилар учун дастлабки вазифалар нималардан иборат?
4. Тарихий таҳлил деганда нимани англайсиз?

Мавзу юзасидан тестлар

1. Тарих фани бўйича тадқиқотнинг “хом ашёси” нима?
а) далиллар в) кўчирма с) иктибос д) сўз
2. Тарихий далиллар қандай кўринишларда бўлиши мумкин?
а) кичик в) йирик с) аҳамиятга молик д) а, в, с
3. Тарих фанида далилларни ўрганишдан кейинги босқич қайси?
а) таҳлил в) қиёслаш с) умумлаштириш д) таққослаш
4. Тарих фанида тадқиқот учун бошқа фанлардан фарқли қандай имконият мавжуд эмас?
а) синов ўтказиш б) таҳлил с) қиёслаш д) танқид
5. Тарихчи-тадқиқотчи томонидан тарихий жараёнлар бўйича чиқарилган ҳукм нима?
а) хулоса в) илова
с) ўтмишга берилган баҳо д) таҳлил

2- МАВЗУ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ОЛИБ БОРИШ АСОСЛАРИ

РЕЖА

1. Тадқиқотни ташкил этиш тамойиллари.
2. Илмий тадқиқот олиб бориш бўйича услубий асослар.

Тадқиқотни ташкил этиш тамойиллари. Тарих фанида илмий тадқиқот ишларига жалб этиш жараёни олий ўқув юрти талабалари учун биринчи босқичданок бошланади. Олий ўқув юртларидаги ўқув жараёнида талабаларни илмий тадқиқот ишларига фаол йўналтириш ўқув режасининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Инсоният тарихи нима сабабдан илмий тадқиқот ишларига катта эътибор қаратилишига жуда кўп мисоллар орқали жавоб бера олади. Чунки ҳар қандай тараққиёт, кашфиётлар асосида илмий тадқиқот ётади.

Талабалар илмий тадқиқот ишларига тегишли мавзулар билан биринчи курсданок реферат, курс иши ёзиш орқали жалб этилади. Талабалик йилларининг дастлабки босқичиданок илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш охир-оқибатда малакали тарихчи-мутахассисларни тайёрлаш, илмий изланишлар олиб боришдек заҳматли йўналишда маълум бир кўникмалар, тажрибалар орттиришда муҳим аҳамият касб этади. Талабалик йилларида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланганларнинг ҳаммаси ҳам кейинчалик илмий ишлар қилиши, илмий даража ва унвонлар олиши кўзда тутилмайди. Аммо айни пайтда, талабалик йилларида илмий тадқиқотга жалб этиш охир-оқибатда тадқиқотчининг манбалар, илмий адабиётлар билан кенгрок ва чуқуррок танишишига имкон яратади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир киши дунёқараш ва тарихий мушоҳадасининг кенгайиши, кейинчалик қайси соҳада ишлашдан қатъий назар, қиёсий таҳлил кўникмасига, танкидий хулосалар чиқара олишга ундайди. Албатта, талабалик йилларида бошланган илмий тадқиқотга кўникма, йиллар давомида илмий таъналикка, айрим шахслар учун бир умрлик ҳатти-ҳаракатга, тарихий кашфиётларга олиб келиши мумкин.

Олий ўқув юртида илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш талабани илмий ижод билан шуғулланишга, ўз устида мустақил ишлашга, олган билимларини бир тизимга солишга, умумлаштиришга, мустақил илмий мушоҳада юритишга ўргатади. Илмий тадқиқот талабада яна тарихий манбаларни мустақил таҳлил қилиш, қийинчиликларни енгил, ўзини ўзи бошқариш, илмий изланиш натижаси учун курашга, янги тадқиқотлар устида ўйлашга, унинг ечими йўлида қатъий ҳатти-ҳаракатларга ундайди.

Талабаларни олий ўқув юртида илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш (ТИТИ) қуйидаги шаклларда амалга оширилади:


1. Талабаларни ўқув режаси асосида, ўқув жадвалига киритилган ҳолда илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш.
2. Талабаларнинг ўз хоҳишига кўра, ўқув жараёнидан холи вақтда, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиши.

Олий ўқув юртларида ўқув режаси асосидаги ТИТИ куйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- талабаларни илмий изланиш асослари, хусусан усуллари билан таништириш;
- илмий режа тузиш ва уни амалга ошириш йўлларида ишлаш;
- илмий адабиётлар устида ишлашга кўникма ҳосил қилиш;
- ёзма ва архив манбалари билан ишлашга йўналтириш;
- даврий матбуот материалларини таҳлил қилишга ўргатиш;
- йигилган манба ва адабиётлар асосида материалларни умумлаштириш, тегишли тарзда бир тизимга солиш;
- мавжуд тарихий манба ва адабиётларга таянган ҳолда, ўз тадқиқотини мантиқан бир-бирини тўлдирадиган, асосли, эркин ва илмий тарзда ёзма баён қилиш тартиб-қоидалари билан таништириш;
- илмий тадқиқот хулосалари юзасидан огзаки баён этиш кўникмаларини шакллантириш.

Олий ўқув юртида ТИТИ бўйича юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш, илмий ишга кўникма ҳосил қилиш талабадан ўқиш жараёнида ҳамма йўналишлардаги билим олиш шакллари мустақкам эгаллашни тақозо этади (1-шакл).

1-шакл



Олий ўқув юртида талабаларнинг ўз хоҳишига кўра, ўқув вақтидан холи, илмий тадқиқот ишлари (ИТИ) билан шуғулланиши куйидаги шаклларда олиб борилади:

- талабалар ўзи қизиққан тарихий йўналишдаги мавзуларни ўрганишга киришади;
- талаба ўз хоҳишига кўра, тегишли кафедралар қошидаги илмий йўналишлар ечимдаги тадқиқотлар олиб боришда қатнашади;
- факультет, кафедралар қошидаги талабалар илмий тўғарагида қатнашади;
- талабалар илмий жамияти (ТИЖ) фаолиятида фаол иштирок этади;
- факультет, олий ўқув юрти миқёсидаги анъанавий илмий анжуманларда, республика талабалари олимпиадасида, республика, халқаро миқёсдаги илмий анжуманларида иштирок этади;
- факультет, олий ўқув юрти, республика, халқаро миқёсдаги илмий тўпламларда мақолалари билан қатнашади.

Умуман олганда, олий ўқув юртларида илмий тадқиқот ишларига талабаларни жалб этиш, охир-окибатда кенг камровли, чуқур мушоҳадага эга тарихчи мутахассисларни тайёрлашга замин яратади. Бу эса олий ўқув юрти, тегишли факультет, кафедраларда илмий тадқиқотни ташкил этиш қайси даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқ бўлади.

Тарих фанида илмий тадқиқот бўйича услубий асослар. Илмий тадқиқот ҳар қандай шароитда ҳолисликни, у ёки бу ҳукмрон мафкура тазйиқларисиз иш юритишни талаб қилади. Тарих фани бўйича илмий тадқиқотни амалга ошираётган тадқиқотчи олдида мураккаб ва айни пайтда кизиқарли вазифаларни бажариш масъулияти туради. Мураккаблигига сабаблар қаторида ўтмишни, маълум тарихий манбалар орқали, синчковлик билан ўрганиш, ўрганилаётган даврдаги ижтимоий-сиёсий, иктисодий, ҳарбий-сиёсий, маданий аҳволдан хабардор бўлиш, йиғилган манбаларни кнёсий таҳлил қилиш ва шулар асосида воқеа-ҳодисаларга, айрим ҳолларда, мунозарали муаммоларга ҳолисона баҳо беришдек вазифаларни келтириш мумкин. Тарихни ўрганишдаги кизиқарли ва масъулиятли томонига келсак, ҳар қандай тарихий илмий тадқиқотга қўл урган изланувчи учун ўтмишни ўрганиш ва бу жараёнга ҳолисона ёндашиш, маълум бир ҳулосаларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Аммо ана шу ҳолислик, тарихий далиллар, воқеа-ҳодисаларни объектив, ўраб-чирмамасдан, мафкуравий тазйиқлардан холи ёритишда тарихчи маълум бир тамойилларга эътибор қаратиши лозим.

Илмий ишни ёзишга киришган тадқиқотчи учун энг аввало **илмийлик** услубига риоя қилиш даркор. Тарих фанида илмийлик услуби нималарни ўз ичига олади? **Биринчидан**, тадқиқот жараёнида йиғилган далиллар, воқеа-ҳодисаларга тааллуқли материаллар, манбалар, тарихий шахслар фаолиятига оид ҳужжатларни тарихий нуктаи назардан, объектив ўрганиш, ҳеч қандай ўзбошимчалиқларсиз, қўшимчаларсиз, тарих “тарозиси”га солиш ва буларга шахсий муносабат, эҳтирослардан холи тарзда илмий баҳо бера олиш керак бўлади. **Иккинчидан**, тарих фани бўйича олиб борилаётган тадқиқотларда воқеа-ҳодисаларни “санаш”, шахсларнинг тарихда тутган ўрнини қайд этиш билангина чекланмаслик керак. Шу воқеа-ҳодисалар сабаби ва оқибати, шахсларнинг маълум бир тарихий даврдаги тутган ўрни бўйича назарий мушоҳадаларни илгари суриш, тарихий жараёнлар ҳамда шахслар фаолиятидаги ижобий, салбий оқибатларга илмий баҳо берилади. Бу ўз навбатида бугунги кун ва келажак учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тарихий воқеа-ҳодисалар бўйича чуқур мулоҳаза юритишга ҳамда тегишли сабоқлар чиқаришга ундайди.

Тарих фанидаги илмий тадқиқот йўналишида **тарихийлик** услуби ҳам катта аҳамиятга эга. Тарихийлик тадқиқотчидан далилларни, ўз даврида рўй берган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қила билиш, яъни уларнинг вужудга келиш сабаб ва баҳоналарини, бундаги тарихий шарт-шароитни, объектив ва субъектив ҳолатларни тарихийлик билан боғлаб ўрганишни тақозо этади. Тадқиқотчи томонидан тарихийлик услубига риоя қилишда маълум бир муаллиф фикрига кўр-кўрона қўшилиб кетавермаслик даркор. Шу воқеа-ҳодисаларни изоҳлашда тарихий далилларни келтираётган муаллифнинг ўзи

қайси замонда яшагани, ўша пайтдаги билим доирасининг даражаси, давр руҳи, шахслар хатти-ҳаракати, шарт-шароит, сабабларини аниқлаш ҳамда “давр тили”ни ўрганишга эътибор қаратиш лозим. Тарихийлик услуби тарихий манбалар узук-юлуқ ҳолатда бўлишига, мавжуд воқеа-ҳодисаларни муаллифнинг “ҳошишига кўра” бўяб кўрсатишга, “тўғрилаш”га, “замонавийлаштириш”га, бир томонлама талқинга қарши курашиб, уларни тарихий нуқтаи назардан солиштиришга, тегишли далилларни бошқа шунга ўхшаш ва дахлдор манба ҳамда тадқиқотлар, шарт-шароитлар билан ўрганишга ундайди. Бир сўз билан айтганда, юқоридагиларнинг ҳаммаси аниқ тарихий воқеалар баён этилишига хизмат қилади.

Тарих фанида яна **таққослаш** усули ҳам муҳим аҳамият касб этади. Илмий тадқиқот билан шуғулланиш жараёнида тадқиқотчи у ёки бу далилни, воқеа-ҳодисаларни ҳамма вақт ҳам “охирги ҳақиқат” деб қарамаслиги, мавжуд манбаларни тарихий нуқтаи назардан таққослаши, киёсий, манتيкий жиҳатдан таҳлил қилиши керак. Бу жараёнда тадқиқотчи ўзига қадар мазкур мавзуга яқин илмий ишлар билан шуғулланган, хусусан бу борада мақола, асарлар чоп этган, диссертация ёқлаган муаллифлар ишига танқидий мурожаат қилиши, талқин этилган воқеа-ҳодисаларни, далилларни ўзи излаб топган манбалар билан таққослаши зарур. Тарих фанида таққослаш усули, нафақат ўзигача бўлган илмий изланувчи ва мавжуд манбаларга, балки бир неча муаллифларнинг тарихий далиллар, воқеа-ҳодисаларга нисбатан ёндашуви, талқинига нисбатан ҳам қўлланади. Икки, уч ва ундан ортиқ муаллифлар талқинидаги тарихий далиллар, воқеа-ҳодисалар бир-биридан фарқ қилган тақдирда илмий тадқиқотчи қайси муаллиф нуқтаи назарига қўшилиши керак? **Биринчидан**, тарихий таққослаш усули илмий тадқиқотчидан ўрганаётган мавзуси бўйича чуқур тайёргарлик базасини талаб қилади. **Иккинчидан**, муаллифлар нуқтаи назарига нисбатан ўзидаги манбалар (*агар манбалар етарли бўлса – муаллифлар*) қайси томонга мойил бўлганидан келиб чиқади. **Учинчидан**, муаллифлар талқинидаги воқеа-ҳодисаларга мавжуд муҳитнинг таъсири бўлганлиги ёки бўлмаганлигини таҳлил этади. **Тўртинчидан**, илмий тадқиқотчининг тарихий далиллар, воқеа-ҳодисалар талқинига эҳтиёткорлик билан ёндашиши, таққослаш жараёнида ҳар бир тарихий жараён илдизини ўрганиш, баҳо бериш – хулоса чиқаришда тарих тарозисидаги мувозанатга эътибор қаратмоғи лозим. Шу билан бирга бир томонлама талқинлардан, масаланинг ижобий ёхуд салбий томонларини бўрттириб ёки айни пайтда сусайтириб юборишдан ҳам ўзини тийиши керак. Масалан, совет ҳокимияти йилларида қўлланган “босмачи” сўзи билан мустақиллик йилларидаги “истиклолчилик ҳаракати” – “қаршилиқ ҳаракати” ўртасидаги фарқ, тарихий нуқтаи назардан таққослаганда мутлақо бошқа талқинга – тушунчага асос бўла олади.

Илмий тадқиқотда тарихий далиллар, воқеа-ҳодисалар, тарихий шахслар фаолиятини ўрганиш, талқин қилиш жараёнида **танқидий** усулдан ҳам кенг фойдаланилади. Илмий тадқиқот мавзусини ёритишда фойдаланадиган манба ва адабиётлар, унда талқин этилган воқеа ва ҳодисалар, шахслар фаолияти, келтирилган тарихий саналар, атамалар, далилларга ҳам синчковлик билан ва

маълум даражада танкидий усулда ёндашиш илмий иш қийматини янада оширади. Масалан, Ватанимиз тарихини совет даврида ёритган тарихчилар асаридаги “инқилоб” – аслида давлат тўнтариши бўлгани, “жамоолаштириш” – амалда ерни эгасидан тортиб олиб талон-тарож қилинишига сабаб бўлгани, “халқ душмани” – миллатнинг етакчи зиёлилари эканлиги ва шунингдек, “байналмилал”, “социалистик мусобақа”, “совет халки”, “пахта иши”, “ўзбек иши” каби “атама”ларга танкидий қараш зарурлиги тарих йўналишида илмий изланиш олиб бораётганлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Тарих фанида илмий изланишларни амалга ошираётганлар учун **илмий даврийлик** қоидаларини ўзлаштириб олиш ва унга қатъий риоя қилиш ҳам зарур. Тарихчи-тадқиқотчи ўз илмий ишини ёритишда даврийлик тартибларига амал қилиши керак. Зеро, тарихий воқеа-ҳодисалар баёнини даврийлик нуқтаи назаридан ёритиш, воқеаларнинг сабаб ва оқибатларини даврий ҳолатга мантқан боғлаш ҳамда уларни кетма-кетлик ва узвий, яъни бир-бирига боғланган ҳолда талкин этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Тарихчи-тадқиқотчи ўз илмий ишида даврийлик масаласига мавзуси, географик ҳудудидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Чунки даврийлик турли халқлар тарихида ўзига хос, ўхшашлик ва фарқли ҳолатларига ҳам эга. Географик ҳудудлар, мамлакатлар, турли халқлар тарихидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда бир-бирини инкор этиш, таракқиётдан орқада қолиши ёки аксинча ривожланиб кетиши тарихий даврийликка бир хил ёндашмасликни талаб қилади. Воқеа ва ҳодисаларни маълум бир географик ҳудудларга, аниқ бир даврга нисбатан илмий изланиш объекти қилиб олиш, тадқиқот мавзусини ёритишни жуда узоқдан эмас, балки белгиланган даврга яқин ҳолатдан бошлаш илмий иш қийматини оширади. Чунки тарихда илмий тадқиқот орқали мавзуни ёритиш, даврий руҳни баён қилишни тақозо этади.

Умуман, тарих фанида илмий тадқиқотларни амалга ошириш юқорида қайд этилган услубий асосларга таянади. Илмий тадқиқот услубларидан унумли фойдаланиш, илмий иш мавзусини тўлақонли ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Таянч сўзлар

ТИТИ, ТИЖ, услубий асос, илмийлик, тарихийлик, таққослаш, танкидий, даврийлик, давр руҳи, “замонавийлаштириш”.

Назорат саволлари

1. Тарих фани бўйича тадқиқот олиб боришнинг асосий тамойилларини айтиб беринг?
2. Олий ўқув юртида талабаларни илмий тадқиқот ишлари (ТИТИ)га жалб этишнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Тарих фанидаги илмий тадқиқотлар услубий асослари ҳақида нималарни биласиз?

Мавзу юзасидан тестлар

1. Тарих фани бўйича талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш нечанчи босқичдан бошланади?

- а) биринчи в) иккинчи с) учинчи д) тўртинчи
2. Талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этишнинг нечта шакли бор?
а) 2 та в) 3 та с) 4 та д) 5 та
3. Тадқиқотда воқеалар кетма-кетлигига амал қилиш қандай усул ҳисобланади?
а) таққослаш в) даврийлик с) холислик д) танқидий
4. Олий таълим муассасасида талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш асосан қайси уюшма зиммасига кўпроқ масъулият юклайди?
а) ўқув бўлими в) деканат
с) кафедра д) илмий кенгаш
5. Тарих фанида илмий тадқиқот бўйича нечта услубий асос мавжуд?
а) 5 та в) 6 та с) 7 та д) 8 та

3- МАВЗУ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРИШ КЎНИКМАЛАРИ

РЕЖА

1. Тарихчи - тадқиқотчиликдаги илк қадам.
2. Мустақил тадқиқот устида ишлаш тамойиллари.
3. Реферат ишларини ёзиш ва расмийлаштириш.

Тарихчи – тадқиқотчиликдаги илк қадам. Тарихчи касбини танлаш маълум бир масъулият ва машаққатли меҳнатни ҳам талаб қилади. Чунки ёшлардаги орзунинг маълум бир саъй-ҳаракатлар билан мустақамланган тақдирдагина амалга ошиши мумкин. Аниқ мақсадларга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар талабаликнинг илк босқичиданоқ бошланади. Бу тарихчи бўлиш ниятида олий ўқув юртига кирган талабадан нималарга эътибор қаратиш лозим деган саволга жавоб излашни талаб қилади...

Тарихчилик касбини танлаган талаба қуйидагиларга риоя қилиши керак:

1. Нима сабабдан шу касбни эгаллашга қарор қилганлигидан келиб чиққан ҳолда тарихчиликнинг ўзига хос қийинчиликлари, талаблари, хусусиятларига маънавий, руҳий жиҳатдан тайёр бўлиши зарур.

2. Ўқув режасига киритилган ҳар бир предмет бўйича бўладиган маъруза ва семинарларга фаол қатнашмоғи лозим.

Талабалик йилларининг дастлабки давриданоқ мустақил таълим олишга киришиш муҳим аҳамиятга эга. Тажриба шунини кўрсатадики, ўрта махсус ўқув юрларида, хусусан мактаб, лицей, коллежларда юритиладиган мустақил таълим тизими билан олий ўқув юртида йўлга қўйилган мустақил таълим тизими ўртасида маълум даражада фарқ бор. Ўрта махсус ўқув юрларида ўқувчи-талаба асосан дарсликни ўзлаштиришга йўналтирилади. Олий ўқув юрларида эса талабанинг эътибори дарсликни ўзлаштиришдан ташқари кутубхоналарда ишлаш, амалий машғулотларга тайёргарлик, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий кўрсатмалар, ижтимоий-сиёсий ва тарихий адабиётлардан тегишли тарзда фойдаланиш, шунингдек ўз устида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилади.

Талабаларга биринчи курсданок мустақил таълим шакллари, хусусан танланган ихтисослиги, яъни тарихчи бўлиш учун нималар қилиш ва нималар қилмаслик хусусида тушунтириш, дастлабки хатти-ҳаракатлар фақат билим олишга, илмий тадқиқот ишларига жалб этишга йўналтиришини сингдириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Талабанинг илмий тадқиқот ишларига қизиқиши ортишига бир неча омиллар сабаб бўлади:

- оилада, ўрта махсус ўқув юртида мустақил орттирган билими, мавжуд муҳит;
- олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг ўзи таълим бераётган фанига қизиқтира олиши;
- олийгоҳ профессор-ўқитувчисининг талаба олдида устоз сифатида тутган ўрни.

Талаба олий ўқув юртидаги илк маъруза ва амалий машгулотларга қатнай бошлаши билан китоб билан ишлашни, яъни уни ўрганиш, таҳлил қилиш, кўплаб китоблар, ўқув қўлланмалар орасидан энг зарурини танлашни билиши керак. Талаба китобни шунчаки кўз югуртириб эмас, балки унинг маъно-мохиятини, тарихий сана, атама, воқеа-ходисалардаги ўхшашлик, тизимлилик мавжуд эканлиги ёки умуман тарихийликка, даврийликка, воқеалар ривожини пойма-пой, бир-бирига боғланмаган ҳолда баён қилинганига эътибор қарата билиши, бошқачароқ ифодалаганда, тарихий таҳлил қила олиши лозим. Албатта, ҳар қандай муваффақият замирида назарий ва амалий билим, саъй-ҳаракатлар ётади. Шу асосда илмий тадқиқотни амалга ошириш кўникмалари шакллана боради.

Тарихий адабиётларни ўрганиш шунчаки сана ва воқеаларни, тарихий атамаларни ёдлаб олишдангина иборат бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда китоб ўқиш – бу илмий–ижодий меҳнат деб қаралиши керак. Китоб ўқишга шундай муносабатда бўлиш талаба томонидан ўқиганини таҳлил қилиб боришга, ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Талаба ўқиётган китобини ўзлаштира олишида маълум бир тарихий воқеалар, саналар, атамалар, қарорлар, ҳужжатларни, тарихий шахсларга муносабатини ёзиб бориши керак. Аммо ёзиб бориш деганда тўла–тўқис кўчириб олиш эмас, балки ўқиганини ўз сўзи билан қисқа, маъно-мазмунини ва далилини йўқотмай қоғозга тушириш демакдир. Бу ҳам маълум маънода талабани таҳлил қилиш, нимани ёзиб олиш керагу, қайси қисми шарт эмаслигини ажрата олиш, муаллиф фикрини ўз мушоҳадаси воситасида лўнда таърифлашга ундайди.

Талаба томонидан тарихий адабиётлар номи, мазмунини ёзиб бориш усули унинг тадқиқот ишларини йўлга қўйишида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, илмий адабиётларни ёзиб бориш, мустакил таълим, амалий машгулотларда фойдаланишга, реферат, курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертацияси устида ишлашда фойдаланишга қаратилган бўлади. Ана шу ёзиб бориш услуби қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1. Оддий ва кенгайтирилган иш режа.
2. Кўчирма.
3. Конспект.

Ҳар қандай илмий тадқиқот ишларида бўлганидек, тарихий йўналишда ҳам **режа** муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотчи-талаба у ёки бу мавзу бўйича илмий ишини олиб боришда дастлаб зарур адабиёт ва манбаларни тўплаб, қайта ишлагандан кейин режа тузишга киришади. Илмий тадқиқотлар режаси оддий ва кенгайтирилган ҳолда тузилади. Мавзунини ёритишда дастлаб тузилган оддий режани кенгайтириш тадқиқот устида қайси жиҳатларга эътибор қаратиш, қайси йўналишларни чуқурроқ ўрганиш, қайси боб ва параграфларни ёритишда тарихий манбалар, дала ёзувлари, дарслик ва ўқув-қўлланмалари, монография, ҳрестоматия, ҳужжатлар тўплами, хотиралардан фойдаланиш, киёсий–тарихий таҳлил, тарихийлик, даврийликка эътибор қаратишга тўтқи беради. Охирикбатда кенгайтирилган режа устида илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, охирида мавжуд материаллар асосида ёзилган тадқиқотни умумлаштириб, оддий режага туширилади. Мавзу номи боблар ва айни пайтда бобнинг номи

бўлим – параграфларда қайтарилмаслиги даркор. Яна шуни қайд этиш лозимки, режада шаклу шамойил, мавзуга мослик ҳамда ўзаро маъно, мантик ва ҳажм жиҳатидан мутаносиблик ҳам катта аҳамият касб этади. Масалан, оддий ва кенгайтирилган режаларга намуна тарикасида қуйидаги мисолларни келтириш мумкин.

Оддий иш режа

**Россия империясининг Туркистондаги кўчириш сиёсати
(I жаҳон уруши йилларида кўчирилганлар мисолида)**

РЕЖА

Кириш

1. Россиянинг Антанта иттифоқи томонида биринчи жаҳон урушига кириши.
2. Россия Давлат Кенгашида асирлар масаласининг ҳал этилиши.
3. Туркистонга чех-венгер асирларининг келтирилиши.
4. Туркистонга кўчирилган чех-венгер асирлари аҳволи.
5. Асирларни ўз ватанига қайтариш бўйича чора-тадбирлар.
Хулоса
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.


Кенгайтирилган иш режа

**Россия империясининг Туркистондаги кўчириш сиёсати
(I жаҳон уруши йилларида кўчирилганлар мисолида)**

РЕЖА

Кириш

1. Россиянинг Антанта иттифоқи томонида биринчи жаҳон урушига кириши.
 - а) XX аср бошларида Россия империясининг ташқи сиёсати.
 - б) Антанта ҳарбий блокининг тузилиши сабаблари.
 - в) Биринчи жаҳон урушини келтириб чиқарган асосий сабаблар.
 - г) Урушнинг бошланиши ва Россиянинг урушга кириши.
2. Россия Давлат Кенгашида асирлар масаласининг ҳал этилиши.
 - а) Россиянинг Австрия-Венгрияга қарши урушдаги муваффақиятлари.
 - б) Чех-венгер асирлари масаласининг юзага келиши.
 - в) Россия Давлат Кенгашида асирлар масаласининг кўриб чиқилиши.
3. Туркистонга чех-венгер асирларининг келтирилиши.
 - а) Чех-венгер асирларини Туркистонга юбориш жараёни.
 - б) Туркистон ўлкаси бўйлаб чех-венгер асирларининг жойлаштирилиши.
4. Туркистонга кўчирилган чех-венгер асирлари аҳволи.
 - а) Туркистонда чех-венгер асирлари меҳнатидан фойдаланиш.
 - б) Чех-венгер асирларининг ижтимоий аҳволи.
 - в) Россиядаги февраль инқилоби ва Муваққат ҳукуматнинг чех-венгер асирлари масаласига муносабати.
5. Асирларни ўз ватанига қайтариш бўйича чора-тадбирлар.
 - а) Октябрь давлат тўнтариши ва Россиянинг урушдан чиқиши.



б) Большевиклар ҳукуматининг чех-венгер асирлари масаласини ҳал этиши.

в) Чех-венгер асирларининг ўз ватанига қайтарилиши.

Хулоса

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.

Тарихий илмий тадқиқотларда **кўчирма ёки цитата** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тарихий илмий адабиёт, бадиий адабиётдан фаркли ўларок, бошқа фундаментал адабиётлар билан узвий алоқада, яъни уларга таянган ёки уларни инкор этган, улар билан мунозарага киришган ҳолда амалга оширилади. Тарих соҳада илмий изланишни амалга ошираётган тадқиқотчи у ёки бу адабиётни ўрганар экан, ундаги фикр-мулоҳазалар ва тарихий саналар, статистик маълумотлар, атамалар, воқеалар бўйича далиллар келтириш билан ҳам шуғулланади.

Тарихий илмий тадқиқотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва асарларидан, Олий Мажлис қарорлари ва қабул қилинган қонунларидан, Республика Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларидан келтирилган цитаталар ҳам муҳим роль ўйнайди. Тадқиқотчи кутубхоналар, ахборот ресурс марказларидаги ҳамма адабиётларни тез ва тўлақонли ўзлаштира олмайди. Бунга сабаб, ҳамма тарихий адабиётлар ҳам талаба-тадқиқотчининг уйига, талабалар турар жойига олиб кетиб фойдаланишга берилавермайди. Чунки айрим тарихий адабиётлар кутубхонада сон жихатдан камлиги, ноёблиги туфайли ҳам тадқиқотчиларга кутубхона ўқув залидагина фойдаланишга берилади. Айни пайтда, кутубхонадаги айрим тарихий қимматга эга бўлган китоблар, тадқиқотчиларга махсус рухсатнома асосида, одатда, илмий тадқиқот мавзусига тааллуқли бўлсагина берилади. Ўз навбатида тадқиқотчининг қўлига фойдаланиш учун бериладиган адабиётлар ҳам белгиланган муддатда кутубхонага қайтарилиши шарт. Демак, юқоридаги сабаблар тарихий илмий тадқиқотга киришганларни ўрганаётган илмий адабиётларидан цитата, кўчирмаларни кўпроқ олишга ундайди. Илмий тадқиқотларда келтириладиган кўчирмаларни шартли равишда “сўзма-сўз, кенг, қиска, ўз сўзи билан” каби туркумларга бўлиш мумкин. Албатта, ҳар қандай ҳолатда келтирилган цитаталар ўз манбасига эга бўлиши керак.

Кейинчалик ана шундай цитаталар илмий тадқиқотнинг боб-параграфларига мос равишда ёритиш учун махсус папкаларда сақланади. Тадқиқотчилар томонидан давлат раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари, ҳукумат қарорлари, тарихий саналар, жадвалларга оид кўчирмани, мумкин қадар тўла-тўқис, яъни “сўзма-сўз” вариантыда келтирилиши мақсадга мувофиқ. Яна шуни алоҳида қайд этиш лозимки, илмий тадқиқотларда келтириляётган цитаталар узундан-узун бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Аммо айни пайтда цитаталар матнларини қискартирилган ҳолда келтириш охир-оқибатда узук-юлуқ, матнда келтирилган фикр, тарихий далиллар моҳиятини бузиб кўрсатилишига ҳам олиб келмаслиги лозим.

Умуман олганда, тарихий илмий тадқиқотларда цитата (кўчирма, иктибос)лар зарурияти нималардан иборат? Келтирилган цитаталар муаллиф

шуғулланаётган, илгари сураётган назарий ғоялар ва олиб бораётган тарихий тадқиқоти учун туртки, тасдиқ, исбот, инкор ва мунозара учун асос сифатида хизмат қилади.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, тарихий илмий тадқиқотларда цитаталар келтириш сунъий равишда, кўр-кўрона, шунчаки тарзда бўлмаслиги керак, акс ҳолда илмий тадқиқот аҳамияти сусайиб кетади.

Тарихий илмий тадқиқотлар олиб боришда ёзма формалардан бири **конспект** ҳам катта роль ўйнайди. Конспект латин тилидан **conspectus** яъни **изҳор** деган маънони билдиради. Тарихий илмий тадқиқотларни олиб боришга киришган тадқиқотчилар илмий адабиётлар конспекти услубидан фойдаланишига тўғри келади. Конспект қилиш анчагина вақтни, ўйлашни мушоҳада билан ёзишни тақозо қилади. Конспект бу китобдан тўғридан тўғри кўчириб ёзиш эмас, балки ўқиётган ёки эшитаётганини умумлаштириб, қискартирилган, аммо асл моҳиятини йўқотмаган ҳолда ёзиб бориш демакдир. Илмий тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида конспектнинг икки туридан фойдаланиш мумкин:

- **матншунослик**;
- **мавзуга оид**.

Конспектнинг **матншунослик** тури у ёки бу асарга бағишланса, **мавзуга оиди** эса бир неча асарларни ўз ичига олади. Конспектнинг матншунослик тури, бу асарни ўқиб бўлгандан кейин конспект қилишни бошлаб, асосан матн бўйича, мантикий йўналишда олиб борилиб, тарихий саналар, воқеа-ходисалар, хулосалар ёзиб борилади ва айрим ҳолларда, сўзма-сўз цитаталар келтирилиши мумкин. Шунингдек, ушубу турда тарихий далиллар, жадваллар ҳам ўрин олади. Албатта, конспектнинг ушбу турида ўрганилаётган илмий адабиёт муаллифининг исми-шарифи, фамилияси, асарнинг тўлиқ номи, қачон ва қайси нашриёт томонидан, қаерда нашр қилингани, китоб тўлалигича неча бетни ташкил қилганлиги ёзиб олинади. Агар ушбу китобдан кўчирма олинса, унда олинган цитаталар китобнинг қайси бетига тегишли эканлиги ҳам қайд этилади. Мавжуд китоб мақолалар тўплами бўлса, унда қайси мақола матнidan кўчирма, ёзув олинса, унда китоб номидан ташқари, муаллиф исми-шарифи ва мақола ушбу тўпламда қайси бетларни ўз ичига олиши ҳамда келтирилган цитата қайси бетларга тегишли эканлиги ёзиб қўйилади. Чунки бу ёзувлар илмий тадқиқот ишини ёзишда (*иктибос ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилганда* – *муаллифлар*) керак бўлади. Шуни ҳисобга олиш керакки, тадқиқотчи томонидан қилинаётган конспектни кейин бемалол бошқалар ҳам ўқий олиши ва тушуна олиши керак. Афсуски, айрим ҳолларда баъзи бир тадқиқотчилар ёзувини нафақат ўзгалар, балки изланувчининг ўзи ҳам кийнаиб ўқийди... Конспект жараёнида рангли ручка, қаламдан фойдаланиш ишни бирмунча энгиллаштиради. Рангли ручка, қаламлар орқали конспект четларига, керакли жойларига шартли тарзда “муҳим” (!), “жуда муҳим” (!!), “жуда тўғри” (!!!), “муаммоли” (?), “текшириш керак” (??), “кўшилмайман” (!?), “мунозарали” (?!?), “жуда долзарб, керак” (NB) каби белги ёзувларини ёзиб қўйиш мумкин. Охир-оқибатда бу белгилар, илмий тадқиқот ишини

ёзишда, керакли пайтда, бирор сўз, далилни тезда топиб ишлатиш борасида муҳим роль ўйнайди.

Тарихий илмий тадқиқотларда **мавзуга доир концепт усули** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай қоида кун тартибидаги битта мавзуга оид бир неча илмий адабиётлардан концепт қилиниб, уларни умумлаштиришни такозо этади. Охир-оқибатда бу тарихий мавзудаги тадқиқотларга турли ёндашувларни ва уларнинг тасдиқ ҳамда инкор, бахсли ёндашувини аниқлашга имкон беради. Талаба илмий тадқиқотида бундай услубдан ҳам унумли фойдаланса бўлади.

Мустақил тадқиқот устида ишлаш тамойиллари. Талабалик йилларидаги илк кадамлардан бири тарихий асарларни мустақил ўрганиш, таҳлил қила олиш ва маълум даражада хулосаларга эга бўлиш ҳисобланади. Талаба томонидан мустақил иш олиб бориш фаол йўлга қўйилишига қуйидаги омиллар сабаб бўла олади:

- талаба ҳар бир маърузани ва унда тавсия этиладиган адабиётларни жиддий ўқиши ва уқиши даркор;
- амалий машғулотларда фаол қатнашиб, тегишли тарихий, сиёсий адабиётларни ўрганиш зарур;
- профессор-ўқитувчилар томонидан тавсия этиладиган, бериладиган мустақил иш мавзулари бўйича адабиёт ва манбаларни топиш, ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиши лозим;
- талаба устози яъни профессор-ўқитувчи маслаҳати асосида мустақил тадқиқотга қўл уриши керак;
- назарий ва амалий билимларни мустақил мушоҳада асосида ёритишга (маъруза, реферат шаклида) ҳаракат қилиши зарур.

Мустақил таълим билан шугулланиш талабада ўз устида ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, танлаган ихтисослиги бўйича дастлабки тадқиқотларга қўл уриш, ҳаётининг кейинги босқичлари учун муҳим аҳамият касб этади. Олий ўқув юрти ўқув дастурида талабаларни мустақил таълим жараёнларига жалб этиш ишлари билан тегишли кафедралар, профессор-ўқитувчилар, услубчилар иш олиб боради. Аммо мустақил таълимдан талабанинг ўзи манфаатдор бўлиши керак. Талаба олий таълим муассасасида ўқитилади. Лекин у ўтилайтган маъруза ва амалий машғулотлар билангина чекланиб қолмасдан, қўшимча адабиётларни кунт билан мустақил ўқиши, назарий билимларини мустаҳкамлаб бориши, олган ҳамда олаётган билимларига таяниб ўзини қизиқтирган у ёки бу мавзу бўйича тадқиқот устида ишлашга ҳаракат қилмоғи лозим. Бу талаба учун нима беради? Талабанинг мустақил таълим билан шугулланиши ахён-ахёнда эмас, балки доимо, мунтазам равишда маълум бир режа ва тизимга асосланган тарзда бўлиши зарур. Бу билан ҳар бир талабадан илмий тадқиқотчи “яратиш” керак деган хулоса келиб чиқмаслиги даркор. Талабанинг мустақил таълим билан шугулланиши, тадқиқот ишларига жалб қилиниши охир-оқибатда уни ўқув режасидан ташқари адабиётлар билан танишишга, тарихий воқеа-ҳодисаларга, далилларга, шахсларга нисбатан мустақил мушоҳадалар юритишга, таҳлил қила олишга, хулосалар чиқаришга ундайди. Бу эса тарих соҳасида изланаётган талабаларда мушоҳада маданияти

ривожланиши, ўқиётган асарларига нисбатан ўз фикрини шакллантириш, ўрганаётган манба ва адабиётлар асосида келиб чиқадиган талкинларида янги хулосалар яшагга, мавжуд асарларга танкидий ёндашишга олиб келади. Юқорида қайд этилганларнинг ҳаммаси аста-секин, назарий, амалий билимларнинг кўпайиб, бир-бирини тўлдириб бориши натижасида юзага кела бошлайди. Олий таълим муассасаси дипломини олиш учун саъй-ҳаракатлар жараёнида мустақил таълим билан шуғулланиш, маълум маънода илмий тадқиқот олиб бориш ҳар бир талаба учун муҳим аҳамиятга эга. Агар талаба кейинчалик илмий иш билан шуғулланмаган тақдирда ҳам, олий ўқув юртидаги ўқиш йилларида олинган билимини ихтисослик бўйича керакли жойларда қўллашга муваффақ бўлади. Ўз навбатида, айримлар учун бу даврдаги кўникма бир умрлик бўлиб қолиши ҳам мумкин. Талабалик йилларидаги илмий тадқиқот ишлари олиб боришга кўникма қандай ҳолатлар орқали шаклланиши мумкин деган саволга, – мустақил таълимни ривожлантириш орқали дея жавоб қайтарса бўлади.

Талабалик йилларида ўз вақтини беҳуда сарфламай, билим асосларини эгаллаш назарий ва амалий билимларни чуқур ўрганиш, китоб ўқиш, илмий-амалий анжуманларда фаол қатнашишга ўз вақтини режали тақсимлашга ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Талаба мустақил таълимни ўқув режасида белгиланган фанлар бўйича маърузаларни тинглаш, амалий машғулотларда фаол қатнашиш билан бирга, ҳамоҳанг равишда олиб боради. Талабалар орасида маъруза, бу ўқишнинг пассив формаси, шакли деган тушунча бор... Бунга қўшилиб бўлмайди. Маъруза – бу таълимнинг фаол турига кириб, нафақат профессор-ўқитувчи, балки талабанинг ўзидан ҳам маълум бир тайёргарликни талаб қилади. Чунки маърузани тинглаётган, ёзиб бораётган талаба маълум бир далил, фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиб боришига тўғри келади. Маърузачи томонидан келтириляётган далиллар, воқеа-ҳодисалар, тарихий саналар, бир сўз билан айтганда материалларни шунчаки, кўр-кўрона қабул қилмай, балки йўл-йўлакай таҳлил қила бориши, умумлаштира, таққослай олиши керак бўлади. Бунинг учун талабада маълум бир илмий тушунчалар, “илмий юк захираси” бўлиши керак. Бу эса мустақил таълим бўйича йиғилган илм захирасидан келиб чиқади. Маъруза тинглаётган талабада маълум бир саволлар туғилиши, илмий изланишлар учун тўртки пайдо бўлиши мумкин. Айнан ана шу саволлар ва илмий изланишга тўртки бўлишга арзугулик ҳолатларга жавоб излаш иштиёқи, охир оқибатда талабани мустақил таълим олишга, маълум бир мавзунини тадқиқ қилишга ундайди.

Мустақил таълимда ҳар бир киши бажарадиган ишини, хусусан тадқиқот мавзуси, тадқиқот мақсадини ўзи танлайди ҳамда уни амалга ошириш учун зарур адабиёт ва манбаларни ҳам йиғади. Адабиёт ва манбаларни ўрганиб, уларнинг ҳолис ёки ноҳолислигини қиёсий таҳлил қилиб, тадқиқотни бажариш муддати ва сифати бўйича ўзини-ўзи назорат қилади. Тўла мустақил таълим билан шуғулланиш, одатда, илмий тадқиқотчилар учун анчагина кўникма, яъни қисман ва нисбатан мустақил таълим босқичларини ўтгандан кейин амалга оширилади.

Олий ўқув юртларидаги дастлабки курсларда кўпинча қисман ва нисбатан мустақил таълимни амалга оширишга тўғри келади. Чунки талаба биринчи босқичга қабул қилингандан кейин тегишли фанлар бўйича маъруза, амалий машғулотларда фаол катнашиб, аста-секин олий таълимдаги ўқитиш тизимини ўрганишга, ўзлаштиришга киришади.

Фанлар бўйича маъруза ўқиётган, амалий машғулот ўтказаётган профессор-ўқитувчилар томонидан тавсия этиладиган мавзулар бўйича мустақил таълим тизимида иш олиб боради. Албатта, талаба профессор-ўқитувчи ва шунингдек, кутубхона маслаҳатчилари, архив ходимлари ёрдамида мавзу бўйича адабиётлар, ёзма манбалар, архив манбалари, ашёвий далиллар (*археология, этнография, нумизматикага оид – муаллифлар*) билан танишади. Шундан сўнг мавжуд материалларни маълум бир тизимга солиб, қиёсий таҳлил қилган ҳолда мавзунини ёритишга тайёрланади. Мустақил таълим бўйича мавзунини ёритишда чоп этилган ўқув-услубий қўлланма ва ишланмалардан ҳам фойдаланади. Кейин мавзу бўйича тегишли адабиётлар, манбалар таҳлиliga суянган ҳолда режа лойиҳасини тузади ва уни устози билан ҳамкорликда такомиллаштиради. Аммо айни пайтда, мавзуга оид адабиётлар, манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш режа асосида мавзунини ёритиш ва хулосалар беришни мустақил равишда амалга оширади. Талаба томонидан ёритилган мавзу тегишли фан профессор-ўқитувчиси назоратидан ўтади ва кафедрага топширилади.

Тарих фани бўйича талабалар томонидан тайёрланган мустақил таълимга оид ишлар қўлёзма ёки компьютерда ёзилган шаклда топширилиши мумкин. Мустақил таълим бўйича қўлёзма одатда 15 – 20 варақни, компьютерда ёзилиши бўйича эса 12 – 15 варақни ташкил қилиши мумкин.

Тарих бўйича мустақил таълим ишларини ёзган талабалар, албатта, ушбу ишни тўла-тўқис ўзлаштирган бўлишлари, хусусан тарихий асарлар, атамалар, воқеалар, шахслар бўйича маълумотларни оғзаки ҳам тушунтира бера олишлари керак. Бу мустақил таълим ва уни ўзлаштиришнинг асосий талаб-қоидаларидан бири ҳисобланади.

Мустақил таълим бўйича тарихий мавзунини тўлақонли ёритишда талаба ўқиб-ўрганган назарий билимларига асосланиб, режа асосида, тегишли адабиётлар, манбаларга таяниб, илмий жавоб ёзиб, маълум бир хулосалар билан бирга амалий тавсиялар ҳам бермоғи лозим.

Ҳар бир талаба мустақил таълим мавзусини ёритиш ва тегишли хулосалар чиқаришга, яқка тартибда, ўқиб-ўрганган назарий билимларидан келиб чиққан ҳолда ёндашади.

Реферат ишларини ёзиш ва расмийлаштириш. Талабалик йилларидаги илк илмий ишлар қаторига реферат ишларини ёзиш киради. Тарихий тадқиқотларда реферат ёзиш – мустақил таълимнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Тарих йўналишида реферат ёзишга талабалар биринчи босқичданоқ жалб этила бошлайди. Аммо реферат бу нима, уни ёзишнинг қандай усуллари бор деган саволга ҳамма ҳам тўғри ва асосли жавоб бера олмайди. Реферат (лотинча **Refero** - *ахборот бераман*) – у ёки бу илмий мақола, тадқиқот, асар, ўқилган китоб ва шу кабиларнинг қисқача ёзма ёки оғзаки баёни ҳисобланади. Реферат бу яна ўрганилган илмий масаланинг

натижаси ҳақидаги ахборот, тегишли адабиёт ва бошқа манбаларнинг қисқартирилган шартли таҳлилини ҳам ўз ичига оладиган маълум мавзули маъруза ҳам демакдир. Демак, рефератда маълум бир мавзудан келиб чиқиб, тегишли тарихий адабиёт ва манбалар таҳлили асосида, ижобий ҳамда танқидий муносабатларни ўз ичига олиши ҳам мумкин. Албатта, рефератда ўз аксини топган ижобий ёки салбий муносабат маълум бир далилларга, исботларга таянган бўлиши, эхтирослардан йироқ ва айни пайтда илмий асосланган бўлмоғи даркор. Рефератда муайян мавзу ёритилиши билан бирга тегишли илмий назариялар, илмий хулосалар, тарихий тарозида таҳлил этилиши, зарур ҳолларда, ёрдамчи тарихий фанлар орқали киёсий таҳлил қилиниши ва асосли деб топилганда, танқид ҳам қилиниши мумкин. Шунини эслатиш лозимки, адабиётлар, манбаларга асосланган тарихий илмий тадқиқот билан ижодкорнинг бадиий тарихий адабиёти ўртасида катта фарқ бор. Аммо ҳар қандай ижодкор ҳам тарихий воқеалар, шахслар хусусида ёзаётганда, бадиий тўқимадан фойдаланганда ҳам, тарихий саналар, исми шарифлар, тарихий шахслар билан боғлиқ ҳолда кечган воқеа-ҳодисалар, маълум илмий далилларга асосланган ҳолда ёндашуви мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, реферат олий ўқув юрти, хусусан тарихий тадқиқотларда муҳим аҳамият касб этади.

Реферат ёзиш қуйидаги йўналишларни ўз ичига олиш мумкин:

1. Ижтимоий-сиёсий
2. Ижтимоий-иқтисодий
3. Тарихий асарлар, манбалар
4. Тарихий шахслар
5. Тарихий воқеалар
6. Тарихий саналар в. б.
7. Қўзғолонлар, урушлар, шартномалар

Реферат ёзишга тайёргарлик давомида мавзудан келиб чиқиб тегишли адабиёт ва манбаларга мурожаат қилинади. Адабиёт ва манбаларга мурожаатни шартли равишда қуйидаги йўналишларда олиб бориш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари, қарорлари, асарлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

2. Монография. илмий тўпламлар, ҳужжатлар тўплами, турли маълумотлар, тарихий тадқиқотлар.

3. Журнал ва газеталардаги мақолалар.

4. Архив, қўлёзма манбалар.

5. Хотиралар.

Масалан, талабага реферат мавзуси сифатида “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни” масаласи белгиланди. Талаба қиладиган даэлабки ишлардан бири Амир Темур шахси ва салтанатига оид адабиётларни ўрганишга, тизимга солиб маълум бир тарзда солиштиришга киришишдан иборат бўлади. Шундан кейин реферат режасини тузиш керак бўлади. Хусусан, реферат режасида Амир Темур шахси ва унинг шаклланиш жараёни, салтанат сохиби, саркарда эканлиги, унинг давридаги халқаро сиёсий, иқтисодий,

маданий муносабатлар ўрин олади. Ушбу мавзу бўйича реферат режаси куйидаги шаклда бўлиши мумкин.

Амир Темури ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни РЕЖА

Кириш

1. Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол.
2. Амир Темури даврида давлат қурилиши ва маъмурий ислохотлар.
3. Амир Темурининг ҳарбий саркардалиқ маҳорати.
4. Амир Темури даврида халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Рефератнинг кириш қисмида Амир Темурининг жаҳон тарихида тутган ўрнига собиқ совет давридаги ҳамда хориждаги муносабат қисқа ва асосли баён этилади. Хулоса қисмида эса, Амир Темурининг жаҳон тарихида тутган ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилади.

Реферат мавзусига оид адабиётлар танлангандан кейин талаба олдида уларни ўрганиш, тизимга солиш, таҳлил қилиш вазифалари туради. Реферат мавзуси устида ишлашнинг энг мақбул вариантларидан бири, танланган адабиётларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, керакли жойларидан иқтибосда фойдаланиш учун белгилаб олиш керак бўлади.

Албатта, талаба тарихий адабиётларда келтирилган далилларни танқидий ўрганиши ва бир томонлама талқиндан воз кечган ҳолда, ҳолисона, мумкин қадар асосли равишда ўз муносабатини билдириши керак. Мавзунинг ёритишда учрайдиган баҳсли масалалар келтирилиши, мумкин қадар, “сўзма-сўз” бўлиши ва бунга тадқиқотчи-талабанинг ёндашуви, муносабати ўз аксини топиш лозим.

Реферат мавзусига оид адабиётларни ўрганишни талаба қўлида қалам билан олиб бориши керак. Чунки адабиётларни ўрганиш жараёнида талабада маълум бир фикр-мулоҳаза, савол туғилади ва уни дарров ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар шундай қилинмаса, унда ўқиш жараёнида туғилган янги фикр-мулоҳазалар, саволлар кейинчалик эсдан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Ҳолбуки, ёзиб қўйилган фикр-мулоҳазалар, саволлар ва унга жавоблар реферат мазмунини ёритишда, хулоса қисмида албатта асқотади.

Талаба мавзудан келиб чиқиб, долзарб муаммо, тарихий воқеа-ҳодисалар ва шахсларга муносабатни энг янги маълумотлар, яъни оммавий ахборот воситалари, интернет маълумотлари асосида ҳам тўлдириши мумкин.

Йиғилган материал, одатда, бир неча реферат ёзишга етиши мумкин. Аммо талаба мавзу бўйича атиги битта реферат ёзиши керак... Нима қилмоқ керак? Дастлаб йиғилган материалларни яна қайтадан, синчковлик билан ўрганиб чиқиш даркор. Натижада, рефератда фойдаланиш зарур бўлган бирламчи материаллар ва иккинчи даражали, яъни рефератда фойдаланса ҳам ва фойдаланмаса ҳам бўлаверадиган материаллар кўзга ташланади. Айни пайтда бу реферат режасини яна қайтадан кўриб чиқишга асос бўла олади. Ўз

навбатда бу жараён тўпланган материаллардан унумли фойдаланиш имконини яратади. Хусусан, реферат режаси мантқан бир–бирини тўлдириши, узвий боғликлиги билан ҳам аҳамиятга эга. Айни пайтда реферат режасидан ўрин олган ҳар бир кисм-параграф мавзунинг маълум бир томонини ёритиши ва охир оқибатда ҳамма параграфлар биргаликда мавзунини камраб олмоғи даркор. Параграфда қўйилган масалаларни ёритишда қайтаришлар бўлмаслиги керак.

Мавзунини ёритиш жараёнида кириш қисми муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда масаланинг долзарблиги, қўйилган муаммолар ва қисқача тарзда тадқиқотчи ўз олдига қўйган мақсадлар ёритилади. Рефератнинг хулоса қисмида муаммо бўйича қисқа хулосалар берилади. Умуман олганда, реферат ишларини бажарганда талаба мустақил иш бажаради ва бу куйидаги ҳолатларда кўзга ташланади:

- дастлабки илмий тадқиқот шаклида бўлади;
- олинган назарий натижалардан ўқув жараёнини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин;
- реферат ёзган талабалар томонидан қизиқарли, мустақил хулосалар берилади.

Шундай қилиб, олий таълим тизимидаги тарихий тадқиқотларда реферат – талаба томонидан амалга ошириладиган мустақил иш ҳисобланади. Рефератда мавзу бўйича чоп этилган адабиётлар ўрганилгани, шу масала бўйича муаммо ўз аксини топиши лозим. Мавжуд муаммога назарий билимлар асосида талабанинг нуқтаи назари, тегишли хулосалар берилади.

Реферат охирида талаба тегишли мавзунини ёритишда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтиради. Адабиётлар рўйхатида талабанинг қайси адабиётларга мурожаат қилгани кўзга ташланади. Фойдаланилган адабиётларни тизим асосида акс эттиришда адабиётлар реферат режасидаги боб, параграфлардан келиб чиқиб тақсимланади. Ҳар бир параграф, боб учун алоҳида, алифбо асосида адабиётлар рўйхати келтирилиши ҳам мумкин.

Реферат мавзусидан келиб чиқиб, айрим ҳолларда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини хронологик тарзда, яъни унинг чоп этилиши йилидан келиб чиққан ҳолда келтириш ҳам қондага зид келмайди (*9-мавзуга қаранг*).

Таянч сўзлар

Мустақил таълим шакллари, цитата, қўчирма, иқтибос, конспект, матншунослик, “муҳим”, “жуда муҳим”, “жуда тўғри”, “қўшилмайман”, “мунозарали”, “текшириш керак”, оддий ва кенгайтирилган режа, реферат.

Назорат саволлари

1. Тарихчилик касбини танлаган талаба қайси қондаларга риоя қилиши керак?
2. Оддий ва кенгайтирилган иш режалари ҳақида нималарни биласиз?
3. Конспектнинг қандай турлари мавжуд?
4. Мустақил иш рефератдан ўзининг қайси жиҳати билан фарқ қилади?

Мавзу юзасидан тестлар

1. Талабанинг илмий тадқиқот ишларига кизиқиши ортишига неча омил сабаб бўлиши мумкин?
а) 3 та в) 4 та с) 5 та д) 6 та
2. Ёзиб бориш услуби қандай шаклда бўлиши мумкин?
а) иш режа в) кўчирма
с) конспект д) а, в, с
3. Матншуносликнинг неча туридан тадқиқот жараёнида фойдаланилади?
а) икки в) уч с) тўрт д) беш
4. Лотинчадан таржима қилинганда реферат сўзи қандай маънони англатади?
а) ёзиш в) кўчириб ёзиш с) ахборотчи д) ахборот беряпман
5. Олий таълим муассасасида талабанинг илк тадқиқот ишини кўрсатинг.
а) мустақил иш в) курс иши
с) битирув малакавий иши д) а, с

РЕЖА

1. Курс иши ёзишнинг назарий асослари.
2. Курс иши режасини тузиш ва мавзунини ёритиш.
3. Мавзуга оид адабиётлар, манбаларни тўплаш ва қайта ишлаш.
4. Курс ишини расмийлаштириш.

Курс иши ёзишнинг назарий асослари. Олий таълим тизимида курс иши ўқув режасига киритилган ва бажарилиши шарт бўлган вазифалардан бири ҳисобланади. Курс иши реферат ёзишдан маълум даражада фарқ қилади. Курс иши ёздиришдан мақсад олий ўқув юртида йил давомида талабанинг у ёки бу фандан тўплаган билим ва кўникмаларини мустахкамлаш, талабанинг мустақил илмий изланиш даражаси ҳамда тегишли курсдаги умумий ва махсус билимларини ўзлаштириш тўғрисида тушунча беради. Шунингдек, мустақил равишда янги билимларни ўзлаштириш даражаси, тарих йўналишидаги барча фанлардан олган билимларини мустақил мустахкамлашдан далолат беради.

Курс иши реферат ёзишга нисбатан қамрови, илмий тадқиқот йўналишидаги ўрни, талабада мустақил равишда ўқув дастурларини ўзлаштириш ҳамда илмий мушоҳадани шакллантириш ва кўникмалар ҳосил қилишидаги роли билан ажралиб туради. Курс иши талабаларда назарий билимларни кенгайтириш ва амалий билимларни чуқур эгаллашга ундайди. Курс ишини ёзиш жараёни асосан қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

1. Курс иши мавзусини танлаш.
2. Мавзуга оид адабиёт ва манбаларни тўплаш ва қайта ишлаш.
3. Мавзунини ёритиш бўйича режа ва иш режа тузиш.
4. Курс ишини ёзиш.
5. Курс ишини талаб даражасида расмийлаштириш.

Курс ишини ёзиш ҳам реферат сингари мавзу танлашдан бошланади. Тарих фани тегишли йўналиши бўйича курс иши ўқув режасида белгиланган бўлиб, мавзулар тегишли фанлар ўқитиладиган кафедраларда ишлаб чиқиладиган ва бунда камида уч йиллик ҳажмдаги “**Мавзулар жамғармаси**”дан келиб чиқилиши лозим бўлади. Курс иши мавзуси ўз хоҳишига кўра ва кафедра профессор-ўқитувчилари, хусусан илмий раҳбари билан маслаҳатлашган ҳолда ҳам танланиши мумкин. Шунинг қайд этиш керакки, ҳар қандай илмий тадқиқот замирида муваффақиятли танланган мавзу, тадқиқотнинг ўз вақтида, кизиқиш билан ва сифатли бажаришга замин яратаяди.

Танланадиган курс иши мавзуси қандай бўлиши мақсадга мувофиқ? Мумкин қадар кенг хронологик даврни ўз ичига олмаган, аниқ бир давр, тарихий воқеа ва шахсни қамраб олган мавзуларни танлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўз навбатида мавҳум, аниқроғи, у ёки бу мавзу бўйича адабиёт ва манбалар боридан кўра, йўқлиги аниқроғини танламаган маъқул. Курс иши орқали талаба мавзуси бўйича кенгроқ маълумотларга тегишли адабиётлар ва манбаларни ўрганиш орқали эришади. Аниқ пайтда курс иши бўйича танланган

мавзу биринчи навбатда талабанинг ўзида маълум бир қизиқиш уйғотиши керак. Бу қизиқиш талабанинг ўқиш давомида олган назарий билимлари ва шунингдек, тегишли фан бўйича маъруза, амалий машгулотлар олиб борган профессор-ўқитувчи ва курс иши бўйича илмий раҳбари этиб тайинланган устозининг маслаҳатидан ҳам келиб чиқади. Албатта, талаба томонидан танланган курс иши мавзуси тегишли кафедра билан келишган ҳолда амалга оширилиб, кейин тасдиқланади. Талаба танлаган курс иши мавзусини ўзгартириши мумкинми? Бунинг учун талаба, **биринчидан**, мавзунини нега ўзгартираётганини асослай олиши (*масалан, адабиётлар, манбалар етарли эмаслиги – муаллифлар*), **иккинчидан**, бу ҳақда илмий раҳбари ва тегишли кафедра розилиги, **учинчидан**, курс иши мавзуси танланганидан кейин дастлабки кунлардаёқ шу хулосага келиши керак. Демак, талаба ўзбошимчалик билан курс иши мавзусини ўзгартириши мумкин эмас. Шунинг учун ҳар бир талаба дастлабки курс иши мавзусини танлашда ҳар томонлама ўйлаб, синчковлик билан ўрганиб, илмий раҳбари маслаҳатини олибгина масалага ёндашиш зарур. Шунини эсдан чиқармаслик керакки, тарих йўналишидаги курс ишларини муваффақиятли амалга ошириш учун дарслик, ўқув қўлланма ва бир – иккита рисоланинг бўлишигина етарли эмас. Курс иши ўз камровига қўра кенг микёсдаги адабиётлар, тарихий манбаларни қамраб олиши лозим.

Курс иши режасини тузиш ва мавзунини ёритиш. Курс иши мавзуси бўйича тарихий адабиётлар, манбалар билан танишиш жараёнида **кенгайтирилган иш режаси** тузилади. Мавзуга оид тарихий адабиётлар ва тегишли манбалар йиғилгандан кейин режа тузилиб, шу асосда курс ишини ёзишга киришилади. Курс иши режаси талабага мавзунини тўлақонли ва асосли тарзда ёритишга, боблар-параграфлар оралигидаги мантикий давомийликка ёрдам беради. Албатта, курс иши режаси мавзу бўйича адабиёт ва манбаларни йиғиш, қайта ишлаш жараёнида бир неча марта ўзгариши, аниқлик киритилиши, тўлдирилиши мумкин. Шунинг учун ҳам курс иши бўйича дастлаб иш режаси ёки кенгайтирилган иш режа тузиб, мавжуд материаллар қайта ишлангандан кейин ҳақиқий режа тузилиши мумкин.

Режа курс иши мавзуси қандай эканлигидан келиб чиқиб тузилади ва бу тегишли мавзуга оид бўлади. Аммо ҳар қандай курс иши мавзусини ёритишда қуйидаги бўлимлар мавжуд бўлади:

1. Кириш
2. Тарихий обзор (тахлил)
3. Асосий қисм (боб ва параграфлар)
4. Хулоса
5. Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Курс ишининг кириш қисмида ушбу мавзу долзарблиги, хронологик даври, географик ҳудуди, мақсад ва вазифалар қисқача асослаб бериледи. Тарихий обзор қисмида эса талаба томонидан курс иши мавзуси бўйича фойдаланган тарихий адабиётлар ва манбаларга асосланиб, мавзунинг ўрганилиш даражасини асослайди ҳамда мавжуд адабиёт – манбаларга ўзининг танқидий муносабатини ҳам (*асосли бўлса – муаллифлар*) билдиради. Тарихий обзорда, талаба курс иши мавзуси ва унинг хронологик даврдан келиб чиқиб,

Ўз муносабатини қиёсий таҳлилга ёндашган ҳолда ёритади. Тарихий таҳлил қисмини курс ишида алоҳида ёритиш ҳам, кириш қисми таркибида келтириш ҳам мумкин.

Курс ишининг асосий қисми бобларга – параграфларга, бўлимларга бўлиниши ва тегишли тарзда ёритилиши мумкин. Хулоса қисмида эса талаба ўзи амалга оширган илмий тадқиқоти – курс ишида кўтарилган масалаларни умумлаштиради ва мантикий яқунлашга эришади. Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати қабул қилинган қондалар асосида келтирилади (9- мавзуга қаранг).

Мавзуга оид адабиётлар, манбаларни тўплаш ва қайта ишлаш. Курс иши ёзиш жараёнида талабалар ўзлари танлаган мавзусига оид тарихий адабиётлар, манбаларни тўплаш ва уларни қайта ишлаш жараёнида кутубхона ва зарур ҳолларда, тегишли архивларда ишлайдилар. Талаба зиммасига олган дастлабки вазифалар қаторига танланган мавзу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, асарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонуни, қарори ёки ўзгачароқ ифодалаганда мавзуга тааллуқли расмий адабиётлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш киради. Кейин танланган мавзудан келиб чиқиб, мавзуга бевосита яқин адабиётларни ўрганишга киришилади. Чунки ҳар бир курс иши ёзишга киришган талаба танлаган мавзуси бўйича мавжуд тарихий адабиётлар, манбаларни чуқур ўргангани, кейинги йилларда тарихшунослик бу борада қанчалик олдинга кетганини ёки оқсаётганини асослай олиши зарур. Бу ўз навбатида, талабалар томонидан ёзиладиган курс иши, ўзининг тутган ўрнига кўра, талабанинг юқори даражада назарий билимларидан далолат бериши зарур. Шунингдек, талаба танлаган мавзусини ёритишда эгаллаган тарихий–назарий билими, воқеа ва ҳодисалар, шахслар ҳамда тарихий саналарга танқидий ёндашувини, мавзуга оид адабиёт ҳамда манбаларни тўплаб, уларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, ҳолисона фикр билдириши ҳамда илмий асосланган хулоса қила олишини кўрсата билиши керак.

Курс иши бўйича адабиётларни тўплаш, айрим ҳолларда, қўлёзма манбаларига, архив манбаларига мурожаат қилиш, маълум даражада мавзу хронологияси билан ҳам белгиланади. Масалан, курс иши мавзуси XIX аср охири – XX аср бошларида (*тарихий даврлар кўрсаткичи бўйича 13- иловага қаранг - муаллифлар*) Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги ижтимоий–сиёсий, иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ бўлса, бу мавзу бўйича илмий тарихий адабиётлар мустақилликкача ва истиқлол йилларида кўплаб чоп этилганини таъкидлаш мумкин. Аммо айти пайтда тарихий адабиётларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиб, қайта ишладан ташқари, шу даврга оид даврий матбуот материаллари (*ўзбек ва рус тилларида Туркистонда, рус тилида Россияда чоп этилган газета ва журналлар – муаллифлар*), архив манбаларини ҳам тўплаш ва тизимга солиб фойдаланиш курс иши аҳамиятини, яъни ҳали илмий истёб-молга киритилмаган манбалар билан бойитилганлигини кўрсатади. Айти пайтда курс иши мавзуси энг янги тарих билан боғлиқ бўлса, унда тарихий адабиётлар хилма–хиллиги нисбатан оз бўлиши табиий ва шундан келиб чиқиб даврий матбуот материаллари, интернет материалларига мурожаат қилиш мумкин.

Демак, курс иши мавзусини ёритишда мавжуд тарихий адабиётлардан, кўлёзма ва архив манбаларидан, даврий матбуот материалларидан ташқари интернет материалларидан ҳам фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Чунки интернет материаллари орқали курс иши мавзусига оид республикамизда чоп этилган тарихий адабиётлар билан бирга хорижда бу мавзу ёритилиши, амалга оширилаётган тадқиқот мавзуси ёки унга яқин қандай илмий изланишлар ёки борилаётгани тўғрисида маълумотларни ҳам топиш мумкин. Мавзу бўйича адабиётлар, манбалар тўплашга киришган талаба ўзи учун алоҳида папка тутиши ва кутубхоналарда фойдаланиш учун махсус карточка тайёрлаб олиши мақсадга мувофиқ. Карточка намунаси қуйидаги тарзда тайёрланиши мумкин (2- шакл):

2- шакл

КАРТОЧКАНИНГ ОЛД ТОМОНИ

Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи	Карточка №
Манба номи (китоб, мақола) Нашр йили, нашриёт номи, йил, неча бетлиги, қайси бетлардан фойдаланилди? Журнал(газета) номи, йил, номери, қайси бетлардан фойдаланилди?	

КАРТОЧКАНИНГ ОРҚА ТОМОНИ

Курс ишининг қайси параграфларига оид
Цитата (ёки ўз сўзи билан) Аниқ далил (аргумент) Тарихий сана Ҳаммасида манба бети-вараги келтирилади.
Менинг эътирозим

Албатта, карточкани тайёрлашга ижодий ёндашиб, бунини компьютерда кўпайтириб олиш ҳам мумкин. Бундан ташқари тарихий адабиётлар, архив, кўлёзма, даврий матбуот материалларини турларга бўлиб, маълум бир тизим асосида бўлақларга ажратиб олса ҳам бўлади. Тартибли, маълум бир тизимга асосланган ҳолда тарихий адабиётларни ўрганиш, тегишли манбаларни таҳлил қилиш ва уларнинг қиёсий таҳлили асосида курс ишининг режасини тузишга киришиш мумкин.

Курс ишини расмийлаштириш. Курс иши сифат жиҳатидан кўплаб талабларга жавоб бериши, яъни кенг қамровли, тарихий адабиётлар, манбаларни ўз ичига олганлиги, тарихий боғланганлиги ва қиёсий таҳлили, раван тилда ёзилганлиги, тушунарли, мантиқан, узвий боғлиқ ҳолда ифода этилганлиги билан ҳамда талаб даражасида расмийлаштирилганлиги, цитаталардан ўринли фойдаланганлиги, мақола, илмий адабиёт ва тўпламлар, архив манбаларига берилган иқтибосларни қабул қилинган қондалардан четга чикмаган ҳолда келтирилганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Курс иши ўз ҳажмига кўра компьютерда 25 – 30 бетни, қўлёзмада 35 – 50 бетни ташкил этади. Одатда курс иши талаба томонидан қўлёзма шаклда ёзилади. Истисно тарихида кафедра, деканат руҳсати билан компьютерда ҳам ёзилиши мумкин. Курс иши белгиланган ҳажмига фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалар кирмайди. Курс ишида келтириладиган иқтибослар тартиб-қоидада ушбу қўлланмада реферат, курс иши, малакавий битирув иши, магистрлар диссертацияси учун бир хил белгиланган (9- мавзуга қаранг).

Курс ишини ёзиш қуйи ва юқори босқич талабалари учун бир-биридан фарқ қиладими? Албатта, 1-босқични битираётган талаба билан 2- 3- босқични тугатаётган талаба назарий, амалий билимлар, тарихий мушоҳадалар нуқтаи назаридан ўзаро фарқ қилади. Шунинг учун ҳам қуйи босқичдаги талабалардан курс иши ёзиш жараёнига жалб этишдаги талаблар, маълум даражада, юқори босқичдаги талабаларникидан фарқланади.

Қуйи босқич талабаларидан курс ишига оид асосий талаблар қуйидагича:

- курс иши мавзусидан келиб чиқиб, мақсад ва вазифаларни аниқ ва тўғри белгилаш;
- мавзуга оид адабиётларни мустақил ўрганиш;
- адабиётларни турларга ажратиш;
- мавзу мақсад ва вазифасидан келиб чиқиб, адабиётларга тавсиф бериш;
- аниқ йўналишли режа тузиш ва мавжуд материалларни тақсимлаш;
- мавжуд адабиётларни танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- илгари сурилатган фикр-мулоҳазаларни асослаш;
- курс ишини илмий жиҳатдан тўғри расмийлаштириш.

Қуйи босқич талабаларидан қилинаётган асосий талабларга нисбатан юқори босқичдаги талабалар учун қўшимча вазифалар қуйидагилардан иборат:

- мавзунинг долзарблиги ва назарий аҳамиятини асослаш;
- тарихий ва манбавий обзор (таҳлил) бериш;
- мустақил равишда манба, адабиётларни ўрганиш ва қайта тиклаш.

Юқори босқич талабалари курс ишини ёзишда тарихий–назарий билимлари, дунёқараш кенглигини, илмий мушоҳадаси шаклланаётгани ва энг асосийси, мустақил тарзда илмий тадқиқот ишини олиб боришга тайёргарлик кўрганликларини кўрсата олишлари керак. Курс иши муваффақиятида талабанинг ақлий, илмий салоҳияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Курс иши матнида асосий қисм, яъни кириш ва хулосадан ташқари, умумий ҳажмининг 2/3 қисмига тўғри келиши керак.

Курс иши ёзиб бўлинганидан кейин илмий раҳбар қўригига берилади ва сўнгра тегишли кафедрага топширилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, курс иши белгиланган муддатда илмий раҳбарга ва кейин кафедрага топширилиши керак, акс ҳолда талаба ўқув режасини бажармаган ҳисобланади.

Шундай қилиб, курс иши ёзиш жараёнида талаба аввало мустақил илмий тадқиқот олиб боришга жалб қилинади. Тарихий мавзулардаги курс ишлари охир-оқибатда талабадан мустақил адабиётлар таҳлили билан шуғулланиш, тарихий манбаларни таҳлил қилиш, махсус курс ва тегишли предметларда ўтилган мавзуларни чуқур, илмий асосда ўрганиш ва ёзма равишда ифода қилишга маълум бир қўникма ҳосил қилади.

Курс ишини ёзишда асосий масала далилларни йиғишдангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Энг муҳими ва қийини курс иши мавзуси бўйича йиғилган материалларни муваффақиятли умумлаштириш, бир тизимга солишдан иборат. Курс иши ёзиш жараёнида керакли адабиётларни йиғиш ва далиллар тўплашга эътибор биринчи ўринга чикса ҳам, курс ишини бевосита ёзишга киришилганда асосий вазифа мавжуд материалларни аҳамиятга молик ёки унчалик шарт бўлмаган гуруҳчаларга ажратиб олиш ҳисобланади. Шундан кейингина курс ишини материаллар асосида ёзишга киришиш мумкин.

Курс иши титул варағи (*1- иловага қаранг*), ҳажми, кўчирма (цитата, иқтибос)лар келтириш тартиб-қоидалари алоҳида қайд этилади (*9- мавзуга қаранг*).

Таянч сўзлар

Курс иши, назарий асослар, мавзу танлаш, боблар, параграфлар, тарихий обзор (таҳлил), асосий қисм, хулоса, карточка, “қунт билан ўқиш”, расмийлаштириш, титул варақ.

Назорат саволлари

1. Курс иши ёзишнинг назарий асосларига нималар киришини гапириб беринг?
2. Курс ишининг таркибий қисми ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
3. Курс ишини расмийлаштиришда қайси жиҳатларга асосий эътибор қаратиш лозим?
4. Курс иши таркибий тузилиши нуктаи назаридан муваққил ёки реферат ишларидан қайси жиҳати билан фарқланади?

Мавзу юзасидан тестлар

1. Курс ишининг ҳажми қўлёзмада неча бетни ташкил этиши мумкин?
а) 35-50 бет в) 30-45 бет с) 25-40 бет д) 20-35 бет
2. Курс ишининг асосий қисми унинг неча фоизини ташкил этиши керак?
а) 4/5 в) 3/4 с) 2/3 д) 1/3
3. Курс ишини ёзиш қуйи босқич талабалари билан юқори босқич талабалари ўртасида қайси жиҳатлари билан фарқ қилиши мумкин?
а) назарий билимлар в) амалий кўникмалар
с) тарихий мушоҳада д) а, в, с
4. Кутубхона фондидан фойдаланишда талабага нима кўпроқ асқотиши мумкин?
а) махсус тайёрланган карточка в) кутубхона ходимининг ёрдами
с) илмий раҳбар маслаҳати д) кўчириб ёзиш
5. Тасдиқланган курс иши мавзусини талаба қандай ҳолатда ўзгартириши мумкин?
а) ўзгартириш сабаблари тўла асосланган ҳолда
в) тегишли кафедра ва илмий раҳбарнинг розилиги билан
с) манбалар етарли эмаслигини асосланиши
д) а, в, с,

5- МАВЗУ: БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ ЁЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ

РЕЖА

1. Битирув малакавий иши ёзишга қўйиладиган асосий талаблар, мавзу ва режа.
2. Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.
3. Битирув малакавий иши тайёрлашда илмий раҳбар ва талабанинг вазифаси.
4. Битирув малакавий иши ёзишда материал, манбалар йиғиш ва уни қайта ишлаш.

Битирув малакавий иши ёзишга қўйиладиган асосий талаблар.

Олий таълим тизими ўқув режасида кўрсатилган илмий тадқиқот ишларининг сўнги босқичида битирув малакавий иши ёзиш кўзда тутилган. Тарихий тадқиқот ишларининг реферат, курс ишлари босқичларидан кейин 4-босқич якунида битирув малакавий ишини тайёрлаш, бу талабалик йилларида илмий тадқиқот олиб бориш усулларини ўргангани, Ватанимиз тарихидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнларни ва жаҳон тарихига оид фанларни, махсус курсларни тўлақонли ўзлаштиргани ҳамда тегишли фанлар бўйича амалий, педагогик машгулотларни тўла ўтгандан кейин амалга оширилади. Битирув малакавий иши ёзишда қўйиладиган асосий талаблар:

- талаба томонидан ёзиладиган битирув малакавий иши ўз хусусиятига кўра, битирувчининг йиллар давомида олган назарий-амалий билимларини умумлашмаси, хусусан тарихий тадқиқотларга оид олган билимлари асосида мустақил ёндаша олиши, яъни танлаган илмий тадқиқоти мавзусини ёритишда тарихийлик, даврийлик талабларига, тарихий воқеаларни ҳолисона талқин қила олиш қобилиятини кўрсата олиши керак;
- битирув малакавий иши орқали талаба танлаган мавзусини ёритишда тарихий воқеалар, саналар, тарихий шахслар ва ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларини тутган ўрнига кўра ҳолисона, ҳар қандай мафкуралар таъсиридан холи тарзда ёндаша билишини, тарихий жиҳатдан масалани киёсий таҳлил қила олиши, тарихий воқеаларга танқидий муносабатда бўла олишини исботлай олиши лозим;
- битирув малакавий иши мустақил олиб борилган илмий тадқиқот натижаси бўлиб, унда талаба тарих фанининг умумий ва аниқ масалаларини эркин ажрата олиши, мавзусига оид ёзма манбаларни, тарихий адабиётлар, архив манбаларини танлай олиш ва киёсий таҳлил қилиш, шу пайтга қадар олиб борилган илмий тадқиқот ишларини танқидий ўрганиш, мустақил мушоҳада асосида ўз илмий ишини охирига етказиш имкониятига эга бўлиши керак;
- битирув малакавий ишида талабанинг юқори даражада назарий-амалий билимларни эгаллагани, хусусан тарих фани бўйича олиб бораётган илмий тадқиқоти мавзусини ёритишда тарихий далиллар, воқеаларни асосли, маълум бир манбаларга суянган ҳолда, ҳолисона, мустақиллик мушоҳадасига таянган ҳолда олиб бора олишини кўрсатиши зарур;

- битирув малакавий иши мавзулари тегишли кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан, кафедрадаги мутахассислар малакавий йўналишини ҳам ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва бу “**Мавзулар жамғармаси**” камида уч йиллик битирувчилар сонидан келиб чиқиши керак. Битирув малакавий иши мавзулари тегишли тарзда кафедра мажлиси, факультет ва олий ўқув юрти илмий кенгашларида муҳокама қилиниб, мавжуд талабалар сонига мувофиқлаштириб тасдиқланади;
- тарихий “**Мавзулар жамғармаси**” долзарб, талабани мустақил илмий тадқиқот олиб боришга ундайдиган, талаба танлаган ихтисослик бўйича илмий ёки амалий масалаларни қамраб олган бўлиши керак;
- битирувчи талаба “**Мавзулар жамғармаси**”дан илмий раҳбари билан маслаҳатлашган ҳолда ўз илмий тадқиқоти учун мавзу танлайди;
- битирув малакавий иши режаси ва унинг ёритилиши, хусусан унинг илмий-амалий даражаси таълим стандарт (меъёр, андоза)ларига жавоб бериши шарт. Ушбу илмий тадқиқотни бажарилиши талаба томонидан мустақил тарзда илмий изланиш олиб бориш, тарихий йўналишдаги муаммолар бўйича ҳали ечимини кутаётган масалаларни кўра билиши, таҳлил қила олиши, тарихий таҳлил асосида солиштира олишини ҳамда уларнинг ечимида олаётган ихтисослиги бўйича фаолият кўрсата олиши ҳақида маълум бир далолат бериши лозим;
- битирув малакавий ишининг барча талабларга жавоб бериши амалда талабанинг оладиган ихтисослиги бўйича чуқур илмий–назарий тайёргарликка эга эканлигини намоён этиши зарур. Бунинг учун талаба битирув малакавий ишида илмий тадқиқот олиб бориш борасида ўз кўникмаларини намойиш эта олиши керак;
- битирув малакавий ишининг мазмуни мавзусидан келиб чиқиб, албатта, битирувчининг салоҳиятига, мавзу бўйича адабиёт ва манбаларнинг мавжудлигига ҳам боғлиқ бўлади;
- битирув малакавий ишида мавзу билан боғлиқ назарий жиҳатлар, муаммолар ва уларнинг ечими тузилган режа ва унинг ечимидаги илмий изланишларига асосланади;
- битирув малакавий иши бўйича илмий тадқиқот изланувчиси давлат аттестация ҳайъатига (*илмий раҳбарининг ёзма хулосаси билан – муаллифлар*) бир нусха ўз ишини топширади. Битирув малакавий ишида биттадан ташқи ва ички тақриз бўлиши тавсия этилади.

Ҳар қандай илмий тадқиқот жараёнида, хусусан битирув малакавий иши бўйича ҳам тўртта омил (*шартли равишда – муаллифлар*) муваффақият учун асос бўлади:

1. Илмий-тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва ечими имконияти.
2. Тадқиқот мавзусига оид адабиёт ва манбалар, тарихий материалларнинг етарлилиги.
3. Талабанинг илмий тадқиқот олиб боришга кўникмаси, салоҳияти.
4. Илмий раҳбарнинг талаба томонидан олиб борилаётган тадқиқот мавзуси бўйича назарий, услубий тушунчаларининг кенглиги.

Демак, битирув малакавий иши учун танланган мавзу талаба илмий тадқиқот ишининг муваффақиятли якун топишида муҳим аҳамиятга молик омиллардан бири ҳисобланади.

Битирув малакавий ишига мавзу танлаш асослари талаба учун амалда 1–2- босқичлардаёқ бошланган бўлади. Чунки талаба дастлабки босқичларданок тарих йўналишидаги у ёки бу фанлардан мустақил ишлар – реферат ёзиш, курс ишларини ёзишга жалб қилинади. Боз устига тегишли кафедралар, факультет қошида фаолият юритаётган илмий тўғараклар, талабалар илмий жамиятларида фаол қатнашиш, талабаларнинг факультет, олий ўқув юрти, республика миқёсидаги илмий-назарий анжуманларида илмий ахборот ва маълумотлар билан иштироки битирув малакавий иши учун маълум даражада илмий пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Битирув малакавий иши мавзулари, юқорида қайд этилганидек, тарихий йўналишдаги тегишли мутахассис тайёрловчи кафедраларда талабалар сонига етарли миқдорда 3 йилга етадиган **“Мавзулар жамғармаси”** ишлаб чиқилади. Кафедрада ишлаб чиқиладиган мавзулар Ватанимиз ва жаҳон тарихида ўрганилмаган жабҳаларни, қадимги дунё, ўрта асрлар, янги ва мустақиллик йилларида тарихимиздаги долзарб, қизиқарли, аҳамиятли ҳамда истикболли мавзуларни қамраб олиши керак.

Битирув малакавий иши учун ишлаб чиқилган **“Мавзулар жамғармаси”** дастлаб тарих йўналишидаги тегишли кафедрада тасдиқланиб, кейин кетма-кетлик асосида факультет ҳамда олий ўқув юрти ўқув-услубий ва илмий кенгашларида муҳокамалардан ўтказилади. Тегишли тавсиялар асосида олий ўқув юрти Илмий кенгашида тасдиқланади. Мутахассис тайёрловчи тарих йўналишидаги кафедралар томонидан уч йиллик **“Мавзулар жамғармаси”** 4-курс талабаларига фанлар бўйича ўқув йилининг биринчи машғулотида эълон қилинади ва илмий маълумотлар доскасида **“Мавзулар рўйхати”** акс этади.

Талабанинг ўқиши учун тўлов-шартнома бўйича маблағини тўловчи буюртмачининг тегишли асослари, мутахассис тайёрловчи кафедранинг розилиги ҳамда факультет, олий таълим муассасаси Илмий кенгаши қарори асосида битирув малакавий иши учун ўзлари танлаган мавзулар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин. Бошқа ҳолларда талабага олий таълим муассасаси Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган **“Мавзулар жамғармаси”**дан битирув малакавий иши мавзусини танлаш ҳуқуқи берилади. Талаба томонидан тарихий тадқиқот учун танланадиган битирув малакавий иши мавзусида қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. Талаба ўзи танлаётган мавзу тегишли кафедра илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олганлигини ҳисобга олиши керак.
2. Танланаётган мавзу талаба учун шу пайтга қадар олиб борган илмий тадқиқот ишларига, хусусан ёзган курс ишларининг мантиқий давоми бўлиши, қўйилган муаммо ечимида муҳим аҳамият касб этиши зарур.
3. Талаба ўзи танлаётган мавзунинг қизиқарли, ҳали чуқур ўрганилмаганлигига эътибор қаратиши лозим.

4. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги, унинг ўрганилиш даражаси ҳамда мавзуга доир тарихий адабиётлар, манбалар мавжудлигини тасаввур қила олиши муҳим.
5. Мавзу тарих йўналишидаги мустақил муаммони ўз ичига олган бўлиши керак.
6. Танланаётган мавзуни ёритишга талаба ўзида назарий-амалий билимлар, услубий тайёргарликка эга эканлигига ишончи комил бўлиши зарур.
7. Мавзуга оид материаллар, манбалар нафақат ўзбек тилида, балки хорижий тилларда бўлса ҳам, манбалар рус тилида ва эски ўзбек (араб) алифбосида ёзилган тақдирда ҳам, ундан ўзини унумли фойдалана олиш имконияти борлигини ҳисобга олиши керак.
8. Ҳар қандай битирув малакавий иши учун танланган мавзунинг ўзида тадқиқотга, тарихий янгиликка ва буни илмий мушоҳадалар орқали асослашга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқ.
9. Мавзу номида акс этган тарихий-географик ҳудуд, хронологик давр ҳам илмий тадқиқот йўналишидаги муваффақият учун хизмат қилади.
10. Мавзунинг тўғри танланганлиги маълум даражада битирув малакавий ишини муваффақиятли чиқишини таъминлабгина қолмасдан, илмий тадқиқот олиб боришнинг кейинги босқичлари – магистрлик ҳамда номзодлик диссертациялари учун ҳам замин яратади.
11. Битирув малакавий иши мавзусига ўзгартириш киритиш талабанинг илмий раҳбари билан келишилган ҳолда, асосли аризасига кўра, бириктирилган кафедра розилиги ҳамда олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи асосида амалга оширилиши мумкин.
12. Талаба томонидан танланган мавзуга тегишли кафедранинг қарори асосида илмий раҳбар ва тақризчи тайинланади. Битирув малакавий иши мавзуси ҳамда раҳбари олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланиб, буйруқ билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Тарих фани соҳасидаги битирув малакавий иши талабаларни бакалавриятда мустақил илмий тадқиқот олиб бориш малакаси ва бу йўналишдаги кўникмаси, ёзиладиган илмий тадқиқоти мустақил Ўзбекистонда тарих фани муаммоларини ечимига қаратилган бўлиши керак. Шулардан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларга қуйидагилар киради:

- тарих йўналиши бўйича олган илмий-назарий билимларини илмий тадқиқотда умумлаштириш;
- шу пайтга қадар тадқиқ этилмаган ёки ўз пайтида мафкуравий тазйиқлар остида бир томонлама талқин қилинган, чуқур, ҳолисона ўрганилмаган мавзуларни аниқлай олиш ва қўйилган муаммо ечимида мустақил ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- таълим жараёнида олган билимлари асосида мавзу танлаш ва шу асосда керакли адабиёт ва манбаларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;
- мавзу ва адабиётлар, манбалар жамгармасидан келиб чиқиб тадқиқот режасини тузиш ҳамда бу борада иш олиб бориш;

- илмий тадқиқот орқали тарихдаги “оқ доғлар” ва шу кунга қадар Ўз ечимини кутаётган муаммоли, баҳсли тарихий мавзуларни ёритиб бериш;
- битирув малакавий ишини охирига етказиш билан Ватанимиз тарихшунослигига Ўз илмий тадқиқоти орқали хисса қўшиш;
- илмий тадқиқот мавзусини очиб беришда илмий янгиликка ингилиш ва шу максадда мавжуд адабиётлар, манбаларни чуқур ўрганиш;
- битирув малакавий иши мавзусини тўлақонли ёритиш жараёнида адабиётлар, тарихий манбалар орқали қўйилган муаммонинг долзарблигини аниқлаш;
- мавзуда кўтарилган муаммони ҳал қилиш йўлларини аниқлаш ва улар ечимида самарали вариантларни танлаш;
- танланган мавзуга яқин иш олиб борган тадқиқотчилар ишини ўрганиб, бу ишларга танқидий муносабатда бўлиб, илмий янгилик киритиш;
- мавзуси бўйича муаммони ҳал этиш ечимлари ва ундан келиб чиқадиган илмий тавсияларни бериш;
- тадқиқот натижасида келиб чиққан хулосани умумлаштириб, тақлифлар келтириш;
- олинган илмий тадқиқот натижалар илмий ва амалий аҳамиятини аниқлаш. Битирув малакавий иши материаллари ва хулосаларидан қаерларда фойдаланиш ҳамда уни амалий ҳаётга татбиқ этиш имкониятларини аниқлаш.

Битирув малакавий иши тайёрлашда илмий раҳбар ва талабанинг вазифаси. Битирув малакавий ишнинг муваффақиятли якунида, юқорида қайд этилганидек, илмий тадқиқот раҳбарининг ҳам роли катта ҳисобланади. Битирув малакавий ишига раҳбарлар аввало тегишли кафедранинг илмий даражали профессор-ўқитувчилари, тажрибали катта ўқитувчилари, бошқа олий таълим муассасасининг тарих йўналиши мутахассислари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институтлари (*Тарих институти, Шарқшунослик институти, Археология институти – муаллифлар*) етакчи олимлари ҳамда илмий ходимларидан тайинланади. Битирув малакавий иши мавзуси бўйича талабанинг раҳбарликка тайинланган илмий раҳбари вазифасига қуйидагилар киради:

1. Тадқиқот мавзусини бажариш бўйича кенгайтирилган иш режасини тузиш ва тадқиқот режасини босқичма-босқич амалга ошириши бўйича календарь режа тузишга талабага ёрдам беради.
2. Талабага мавзунини ёритиш бўйича адабиётлар, тарихий манбаларни тўплаш бўйича маслаҳатлар беради.
3. Мавзунини ёритишда туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари, музейлар, тегишли архивлардаги адабиёт ва манбалар билан танишиш учун рухсатномаларни расмийлаштириш тартибини тушунтиради.
4. Мавзуга оид йиғилган адабиётлар, манбаларни умумлаштириш ва режа асосида классификация қилиш усуллари бўйича тушунча беради.

5. Ўзи раҳбарлик қилаётган талаба билан белгиланган кун ва соатларда тегишли режа бажарилиши юзасидан мунтазам равишда учрашиб туради ва маслаҳатлар бериб боради.
6. Битирув малакавий иши бажарилиш жараёнини назорат қилиб боради ва тегишли ҳолатларда кафедра йиғилишларида талаба томонидан илмий тадқиқотни бажарилиши ҳолати хусусида ахборот бериб боради.
7. Битирув малакавий ишининг бажарилиши қисмлари ва унинг муносиб узвий боғлиқлиги ҳамда яхлитлиги бўйича, сифатига баҳо беради.
8. Битирув малакавий иши талаба томонидан мустакил бажарилишига жавоб беради.
9. Битирув малакавий иши бажарилиши бўйича илмий ва услубий ёрдам беради, зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритади.
10. Тадқиқотнинг тайёрланганлик даражаси ва уни химояга тавсия қилиш (ёки қилмаслик) бўйича ёзма хулоса беради.

Битирув малакавий иши бўйича илмий раҳбар талабага ўз илмий тадқиқотини вақтида, сифатли яқунлашга қаратилган топшириқлар беради. Ушбу топшириқда битирув малакавий иши мавзуси, мавзунинг тасдиқланган санаси, мавзуга оид адабиёт ва манбаларни йиғиш муддати, иш режасини тузиш, йиғилган адабиётлар, манбаларни ўрганиш ҳамда режадаги тегишли қисмларга оид классификация қисми, ишни бажарилиш режасини келтиришга оид вазифалар акс этган бўлиб, уни битирув малакавий иши раҳбари ва битирувчи талаба имзолайди. Ушбу топшириқ 3 нусхада тўлдирилиб, кафедра мудири тасдиғидан кейин илмий раҳбар, талаба ва кафедрада сақланади (2-иловага қаранг).

Илмий раҳбар битирув малакавий иши мавзусидан келиб чиқиб, талаба томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишининг айрим бўлимлари бўйича консултант-маслаҳатчилар зарурлиги тўғрисида кафедра мудирига мурожаат қилиши мумкин. Ўз навбатида бу масалага тегишли кафедра қарори асосида ва олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан битирув малакавий ишига консултант-маслаҳатчи тайинланиши мумкин.

Битирув малакавий ишини тайёрлашда талабанинг вазифаси. Битирув малакавий ишини ёзишга киришган талаба олдида олган назарий-услубий билимларини умумлаштирган ҳолда, тарих йўналишидаги муаммоли ва айни пайтда илмий изланишлар орқали ўз ечимини топиш мумкин бўлган илмий тадқиқот мавзусини ёритишга қаратилган куйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

1. Муаммоли, ҳали ҳар томонлама ўрганилмаган, долзарб, тарихий муаммони ўз ичига олган битирув малакавий иши мавзусини танлаш.
2. Илмий раҳбари билан маслаҳатлашган ҳолда танлаган мавзусига яқин илмий тадқиқотлар, тарихий адабиётларни ўрганиш.
3. Мавзуга оид адабиётлар ва манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда киёсий таҳлил қилиш.
4. Илмий раҳбари билан маслаҳатлашган ҳолда битирув малакавий ишининг кенгайтирилган иш режасини тузиш.

5. Илмий раҳбар томонидан берилган ёзма топширикни босқичма-босқич, ўз вақтида бажариб бориш.
6. Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида мунтазам илмий раҳбар билан маслаҳатлашиб туриш.
7. Илмий адабиётлар, манбалар орқали мавзунинг ўрганиш даражасини аниқлаш.
8. Мавзуга оид назарий билимларини янада чуқурлаштириш ва шу асосда битирув малакавий иши ёзиш кўникмасини ҳосил қилиш.
9. Тадқиқот бўйича ёзма ишни расмийлаштириш кўникмаларини ривожлантириш.
10. Битирув малакавий иши талаба томонидан қўлёзма шаклида ёки факультет Илмий кенгашининг қарорига асосан компьютерда ёзилиши мумкин.

Битирув малакавий иши ёзишда материал, манбалар йиғиш ва уни қайта ишлаш. Талаба томонидан танланган битирув малакавий иши мавзуси ва унга илмий раҳбар бириктирилиши тўғрисида ректор буйруғи чиққандан кейин бевосита илмий тадқиқот устида ишлаш, яъни материал, манбалар тўплаш жараёни бошланади. Битирув малакавий ишини муваффақиятли яқунлашда талабанинг йиллар давомида олган назарий-услубий билимлари, мустақил илмий тадқиқот олиб бориш кўникмаси катта аҳамиятга эга.

Битирув малакавий ишини ёзишга киришиш учун энг асосий вазифалардан бири мавзуга оид умумий ва махсус адабиётларни, илмий тадқиқот ишлари, архив ва қўлёзма манбаларни етарли даражада йиғиш ва уларни қайта ишлаб чиқиш керак. Талаба тадқиқот учун йиғилган адабиётлар ва манбаларни ўрганиш асосида ўзи томонидан бажариладиган битирув малакавий иши мавзусини ёритиш бўйича маълум бир тасаввурга эга бўлади. Йиғилган материалларнинг қиёсий таҳлили натижаси бу илмий тасаввурга маълум бир аниқлик киритиш заруриятини келтириб чиқаради. Битирув малакавий ишига оид материалларнинг талаба томонидан яхши ўзлаштирилиши, қайта ишланиши, охир-оқибатда илмий тадқиқотни муваффақиятли ёзишга замин яратади.

Дастлабки вазифалардан бири, илмий раҳбари билан маслаҳатлашган ҳолда, танлаган мавзусига яқин илмий тадқиқотлар, тарихий адабиётлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш ҳисобланади. Бунинг учун олий таълим муассасасидаги ахборот ресурс маркази (АРМ) ва бошқа кутубхоналардаги илмий тадқиқот ишлари ва адабиётлар билан танишиш, керакли жойлардан, хусусан мавзунини ёритиш, кўтарилаётган муаммо ечимида муҳим деб ҳисобланган тарихий саналар, воқеаларга оид материаллардан цитаталарни йиғиш, режада кўтариладиган масалаларни, муаммоларни тасдиқловчи ва айни пайтда инкор қилувчи, мунозарали фикр-мулоҳазаларни йиғиш ҳамда уларни даврийлик, тарихийлик нуктаи назаридан қиёсий таҳлил асосида баҳолаш зарур. Мавзуга оид адабиётлар, илмий тадқиқотлардан олинган кўчирмалар турли хилда бўлиб, уларни классификация қилиш керак. Хусусан, умумий адабиётлар, махсус адабиётлар, ҳужжатлар тўплами, тарихий илмий тадқиқотлар, тарихий хотиралардан келтириладиган материаллар, ўз

хусусиятига кўра турли даражада баҳоланади. Адабиётлардан олинган материалларни қайта ишлаш жараёнида мавзунинг кириш ва асосий қисмлари бўйича ажратиш, гуруҳларга бўлиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Материалларни гуруҳларга бўлиш қандай принциплар асосида олиб борилади? Адабиётлардан олинган кўчирмалар, назарий масалалар тарихий хронологик кетма-кетлиги, муаммонинг мавзуга оидлиги, муаллифлар қатори, йўналишлар, минтақавий жойлашуви, тарихий- географик ҳудуди, давлатлар хусусиятига кўра ажратилади.

Битирув малакавий иши археология, этнология, манбашуносликка оид бўлса, тегишли тарзда моддий манбалар, ашёвий далиллар, дала ёзувлари, бирламчи манбалар асосида ёзилади. Шунингдек, битирув малакавий иши материалларига кейинги вақтларда чоп этилган мавзуга оид энг янги илмий мақолаларни кўриб чиқиш, кўрилатган муаммога ҳозирги даврда қандай муносабатда бўлинаётганлиги, илмий муомалага қандай манбалар киритилганини аниқлаб бориш ҳам киради. Йиғилган ва қайта ишланган материаллар асосида талаба ўзи ўрганаётган мавзуга яқиндан ёндашишга муваффақ бўлади ва ўз илмий тадқиқоти мавзусига яқин муаммоларга тадқиқотчиларнинг қарама-қарши ёки тасдиқловчи, бир-бирини тўлдиришга асосланган илмий муносабатларини танкидий таҳлил қилишга эришади.

Битирув малакавий ишини ёзишда архив, қўлёзма манбалари, даврий матбуот материаллари муҳим аҳамиятга эга. Илмий-тадқиқот салмоғи ошишида архив, қўлёзма манбалари, даврий матбуот материалларидан унумли фойдаланиш, хусусан чоп этилган материаллар билан манбаларни солиштириш асосида тадқиқот олиб бориш катта аҳамият касб этади.

Битирув малакавий иши мавзуси бўйича архив манбалари, қўлёзма ва даврий матбуот материаллари талаба тадқиқотини ёзишга қадар дунё юзини кўрган бўлса, яъни тарихий илмий тадқиқотлар китобларда фойдланилган бўлса, унда тадқиқотчи - талаба мавжуд манбаларни илк бор илмий муомалага киритган ҳисобланмайди. Аммо айни пайтда мавзунинг ёритишда адабиётлар, илмий тадқиқотларда келтирилган манбаларга талаба томонидан асосли аниқлик киритилса, бу илмий ишнинг муваффақиятлари қаторида баҳоланиши мумкин.

Таянч сўзлар

“Мавзулар жамғармаси”, “Мавзулар рўйхати”, мавзу танлаш, мавзу ва иш режа, классификация, муваффақият омиллари, киёсий таҳлил, илмий раҳбар маслаҳати, илмий кўникма, битирув малакавий иши, илмий хулоса.

Назорат саволлари

1. Битирув малакавий ишини ёзишга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
2. “Мавзулар жамғармаси” деганда нимани тушунасиз?
3. Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
4. Битирув малакавий ишини тайёрлашда илмий раҳбар ва талабанинг вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.

5. Битирув малакавий иши учун материал йиғиш ва қайта ишлаш жараёни ҳақида нималарни биласиз?

Мавзу юзасидан тестлар

1. Мутахассис тайёрловчи кафедрада “Мавзулар жамғармаси” камида неча йиллик битирувчилар сонидан келиб чиқади?

- а) икки йиллик в) уч йиллик с) тўрт йиллик д) беш йиллик

2. Битирув малакавий иши учун нечта омил муваффақият учун асос бўлиши мумкин?

- а) тўртта в) бешта с) олтита д) еттита

3. Эълонлар тахтасидаги “Мавзулар рўйхати”да қайси мавзулар қайд этилиши мумкин?

- а) танлаш учун тавсия этилган мавзулар
в) талабаларга бириктирилган мавзулар
с) тахминий тадқиқот мавзулари
д) а, в

4. Битирув малакавий ишини бажариш бўйича топшириқ режаси ким томонидан тасдиқланади?

- а) ўқув-услубий бўлим бошлиғи в) факультет декани
с) илмий раҳбар д) кафедра мудири

5. Битирув малакавий иши мавзуси археология ёки этнология фанларига оид бўлса, унинг бирламчи манбаси қайси материаллар бўлиши мумкин?

- а) моддий манбалар в) архив манбалари
с) дала ёзувлари д) а, с

6- МАВЗУ: МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ

РЕЖА

1. Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблар.
2. Магистрлик диссертацияси тузилиши ва мазмуни.
3. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва расмийлаштириш тартиби.

Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблар. Магистрлик дастури Давлат малака аттестация ҳайъати магистрлик диссертацияси ҳимоясидан сўнг "Магистр" даражасини тақдим этиши билан яқунланади.

Магистрлик диссертацияси (*бундан кейин матнда диссертация шаклида берилади – муаллифлар*) илмий раҳбар бошчилигида бажариладиган мустақил таҳлилий тадқиқот ҳисобланади. Унинг тайёрланиши, ёзилиши ва очиқ ҳимояга қўйилиши тарих йўналишидаги магистрантларда мустақил тадқиқот ўтказиш кўникмалари ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг вазифалари бирор бир тарихий муаммо юзасидан тадқиқот ўтказиш зарурлигини асослаш, методология ва усулларини танлаш, манбалар йиғиш ва уни қайта ишлаш, ўтказилган таҳлилий тадқиқот натижаларини изчил асослаб баён этиш ва хулоса чиқаришдан иборат.

Диссертация мавзуси долзарб ҳамда қондага асосан, магистрант танлаган ихтисослик бўйича аниқ илмий ёки илмий-амалий масалаларни ҳал қилишга қаратилган ва мумкин қадар қисқа бўлиши керак.

Диссертациялар мавзулари тегишли тарзда кафедра мажлиси, факультет ва университет Илмий Кенгашлари томонидан тасдиқланган фундаментал, илмий ва амалий тадқиқотлар дастурига мувофиқлаштирилади.

Диссертация билан боғлиқ хулоса ва тавсиялар тўлиқ асосланган ҳолда тақдим этилади. Бунда эришилган натижалар муаллифда ўзи танлаган касбий фаолияти соҳасида илмий иш билан шуғуллана олиш кўникмалари мавжудлиги ҳақида гувоҳлик бера олиши керак.

Диссертациянинг илмий ва илмий-амалий даражаси таълим дастурига жавоб бериши шарт. Ушбу ишнинг бажарилиши тадқиқотчининг мустақил равишда илмий (амалий) изланиш олиб боришга, касбий муаммоларни кўра олишга ўрганганлигини ҳамда уларни ҳал қилишнинг умумий усулларини билиши ҳақида далолат бериши лозим.

Диссертация магистрантнинг илмий жиҳатдан етуқлиги, ихтисослик бўйича чуқур касбий тайёргарликка эгаллигини намоён этиши зарур. Шу боис магистрлик диссертациясининг муаллифи ўз ишида илмий малакавий даражасини ва аввало, мустақил ҳолда илмий тадқиқот юритиш ҳамда муайян илмий ёки амалий вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини намоёйиш эта олиши керак.

Диссертациянинг мазмуни ижодий ўзига хослиги, муаллифнинг билим, тажрибалари ва қарашлари билан фарқланади. Диссертацияда масаланинг

назарий жихатлари, муаммолари, илмий ва амалий вазифаларни таҳлил қилиш ва ҳал этишни жамлаган ҳолда мантикий ўйлаб тузилган режа асосида ёзилади.

Магистрлик даражаси изланувчиси Давлат аттестация хайъатига факатгина диссертацияси (*илмий раҳбарнинг хулосаси билан – муаллифлар*), ташқи тақриз ва магистрлик касбий дастури бўйича ўз шахсий режасининг бажарилиши ҳақидаги маълумотномани тақдим этиш билан чекланади. Магистрлик диссертацияси ҳимоясида, одатда, 1 нафардан расмий оппонент ва ташқи тақриздан фойдаланилади.

Диссертациянинг мақсади мавзу бўйича магистр томонидан тўпланган барча илмий ва амалий маълумотларни мустаҳкамлаш ва тартибга солишдан иборат. Бунда магистр диссертациядаги у ёки бу ҳолатларнинг илмий ёки амалий аҳамияти ва қийматини асослаб беради.

Мавзудан келиб чиқиб, малакали тарзда аниқланган магистрлик диссертациясининг мақсади тадқиқот режасини тўғри тузиш ва диссертацияда ҳал қилинадиган вазифаларни аниқ расмийлаштириш имконини беради. Тадқиқот вазифаларини аниқ ажратиб олиш мақсадида уларни ечиш усулларини билиш магистрантнинг мавзу бўйича тарихий материалларни тўплаш, уни қайта ишлаш, сўнгра улар асосида хулоса ва тавсиялар беришга йўналтиради.

Изланувчи фақат шу йўл билангина олдига қўйилган мақсадга муваффақият билан эришиши мумкин. Диссертация мавзуси, мазмуни, боблари, параграфлари ўртасида ўзаро мутаносибликка, мувофиқликка эришиш, зарур ҳолларда жадваллардан фойдаланиш, тадқиқотда илгари сурилган ғоя ва концепциялар, тавсия ва тақлифларни асослаш мумкин.

Мутахассис тайёрловчи кафедрада ҳар уч йилда магистрлик диссертациялари мавзулари ишлаб чиқилади, факультет илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқлаш учун университет Илмий Кенгашига тақдим этилади. Илмий Кенгашда тасдиқланган магистрлик диссертацияларининг мавзулари магистрантга танлаш учун тавсия қилинади.

Магистрлик диссертацияси муваффақияти учун қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга:

– кизиқарли, ҳали чуқур ўрганилмаган, Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг ажралмас қисми бўлган муаммоли мавзуни танлаш;

– танланган мавзу ёки шу мавзуга яқин илмий ишлар олиб борган, ўзининг илмий тажрибасини ўргатишга тайёр раҳбар танлаш;

– мавзу бўйича раҳбар билан келишилган ҳолда кенгайтирилган иш режасига эга бўлиш;

– мавзуга оид адабиётлар ва манбаларни чуқур ўрганиш, қиёсий таҳлил этиш;

– тадқиқот мавзусини ёритиш учун туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги кутубхоналар, музейлар, тегишли архивлардаги манбаларга мурожаат қилиш;

– тадқиқот билан боғлиқ муаммо ва ечимлар борасида илмий мақола-лар ёзиб, вилоят, республика газета-журналлари ҳамда олий таълим муассасаси (ОТМ) тўпламларида чоп этиш;

– тадқиқот юзасидан ОҒМ, вилоят, республика, халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларида фаол иштирок этиш.

Диссертация мавзуси тавсия этилган мавзулар рўйхатидан, илмий раҳбар билан келишган ҳолда, магистрант томонидан танлаб олинади.

Магистрантларга илмий раҳбарни бириктириш учун аввал уларнинг ҳар бири билан олдиндан суҳбатлашиб олинади ва мавзулар ҳамда илмий раҳбарларни тасдиқлаш бўйича буйруқ лойиҳаси тайёрланади.

Магистрлик диссертацияси мавзулари ва илмий раҳбарларига буйруқ чиқарилгач, мавзулар номини ўзгартириш ёки илмий раҳбарларни алмаштириш, истисно тариқасида, асосланган ҳолда амалга оширилади.

Мавзу танлаб олингач, магистрант илмий раҳбарнинг бевосита иштирокида, тадқиқот ишининг йиллик кенгайтирилган режасини ишлаб чиқади.

Диссертантнинг илмий раҳбар билан маслаҳатлашуви белгиланган кун ва соатларда, тегишли режа асосида, мунтазам равишда ўтказиб борилади.

Илмий раҳбар магистрантга қуйидаги масалаларни бажаришга ёрдам беради:

– мавзу бўйича зарур адабиётлар, маълумотномалар ва бошқа тарихий манбалардан фойдаланишга доир тавсиялар беришда;

– диссертация мавзуси бўйича мунтазам суҳбатлар ва маслаҳатлар ўтказишда;

– диссертация мавзусига оид илмий мақолаларни кўриб, тегишли маслаҳатлар беришда;

– бажарилган иш мазмуни қисмлари бўйича ҳамда яхлитлигини баҳолашда;

– диссертацияни химояга тақдим этишга розилик беришда.

Илмий раҳбар магистрантга маълум даражада илмий ва услубий ёрдам беради, ишнинг бажарилишини мунтазам назорат қилади ва ўзгартиришлар киритади, ишнинг тайёрланганлик даражаси тўғрисида хулоса беради.

Диссертациянинг бажарилиш даражасини умумий назорат қилиб бориш ва илмий-услубий ёрдам бериш кафедра мудири томонидан амалга оширилади.

Магистрлик диссертацияси тузилиши ва мазмуни. Магистрлик диссертацияси малакавий иш бўлиб, назарий аҳамияти, мавзунинг долзарблиги ва олинган натижаларнинг амалий аҳамиятга моликлиги билангина эмас, балки умумий услубий тайёргарлик даражаси ва расмийлаштирилишига кўра ҳам баҳоланади.

Диссертациянинг тузилиши, мазмуни, илмий аҳамияти кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан муҳокама қилинади, унинг мазмуни бўйича айрим тузатишлар киритилиши ва камчиликлари кўрсатилиши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилишида қуйидагилар алоҳида-алоҳида қисмлар сифатида расмийлаштирилади:

– диссертациянинг титул варағи (3- иловага қаранг);

– диссертация мазмунининг мундарижаси (4 -иловага қаранг);

– кириш;

– диссертациянинг асосий қисми (2- 3 боб тавсия этилади);

- хулоса;
- фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати;
- иловалар (*агар зарурат бўлса*).

Умуман магистрлик диссертацияси якуний ички яхлитликка эга бўлган ва танланган мавзунини тўла ёритиш ҳамда натижаларинини ифода этувчи малакавий битирув иши кўринишида бўлади.

Диссертант магистрлик диссертациясида олинган ахборотни матн шаклида бериш орқали унинг илмий ва амалий аҳамиятини асослайди.

Магистрант мавзуга доир тарихий манбалар, адабиётлар ва назарий муаммоларни ёритувчи адабиётларни ўрганиб, уларни таҳлил қилиб диссертациянинг тегишли бобларига асос сифатида киритади. Титул варағи диссертациянинг биринчи бети ҳисобланади ва қатъий қоидалар асосида тўлдирилади. Титул варағидан кейин диссертациянинг мундарижаси жойлаштирилади. Мундарижада боблар, параграфлар ва магистрлик диссертациясининг барча бошқа қисмлари, асосий матндаги сарлавҳалар ва бет рақамларидан бошқача шаклда ёки изчилликда ва шунингдек, қисқартириб берилиши мумкин эмас. Мундарижадаги сарлавҳалар асосий матндаги сарлавҳалар билан бир хилда бўлиши шарт. Боблар ва параграфлар номи, шунингдек уларнинг изчиллиги диссертация матни билан тўлиқ мос келиши шарт.

Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида қуйидагилар бериледи:

- тадқиқот мавзусининг долзарблиги;
- мавзунинг ўрганилиш даражаси;
- магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари;
- тадқиқотнинг худудий чегараси;
- тадқиқотнинг даврий чегараси;
- тадқиқот объекти;
- тадқиқотнинг назарий-методологик асослари;
- тадқиқот манбалари;
- тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- тадқиқот апробацияси;
- тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги;
- тадқиқотнинг амалий аҳамияти;
- тадқиқотнинг таркибий тузилиши.

Диссертациянинг асосий мазмуни тегишли тарзда бобларда умумий-назарий масалалар ўзаро манتيкий боғлиқлигида бериледи.

Магистрлик диссертацияси зарур ҳолларда архив манбалари, республика-миз ва хорижда чоп этилган адабиётлар таҳлили асосида ёзилиши керак. Ўйинган ҳамда таҳлил қилинган материаллар магистрантга ҳал қилинадиган масалалар, муаммоларни аниқлаш ва шунга мувофиқ хулоса чиқариш имконини беради. Шундай қилиб, режага мувофиқ тузилган боблар магистрлик диссертацияси мазмунининг асосий ғоясини ифодалайди.

Хулоса қисми магистрлик диссертацияси умумий ҳажмининг 10- 15 % ни ташкил қилади. Тадқиқот натижасида олинган хулосалар ва тақлифларнинг энг муҳимлари ишнинг охирида, яъни хулоса қисмида акс этади.

Магистрлик диссертацияси мазмунига кўра куйидаги масалаларни камраб олиши керак:

- танланган мавзунинг илмий-назарий аҳамияти, долзарблиги;
- муаммонинг махсус адабиётларда ўрганилганлик даражаси;
- тадқиқот объектларидаги мавжуд ҳолатни баҳолаш ва муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўналишлари бўйича хулоса чиқариш;
- тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича аниқ таклифлар бериш.

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва расмийлаштириш тартиби. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш намунавий тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305- сонли буйруғи билан тасдиқланган "Магистратура тўғрисидаги Низом"га асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бандларини тўлдирувчи ва изоҳловчи ҳужжат ҳисобланади.

Магистрлик диссертацияси магистратурада таълим олаётган талабанинг якунловчи иши ҳисобланади.

Диссертация магистрантнинг ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий тадқиқот ишларининг натижасидир.

Илмий иш мавзуси Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги долзарб масалага бағишланиб, муайян бир муаммонинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, тарихий адабиётлар, илмий тадқиқотлар, чоп этилган ҳужжатлар, бирламчи архив манбалари ва статистик маълумотлар таҳлилига қаратилган бўлиши шарт.

Тадқиқотнинг мазмуни мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, албатта, натижавий ечимга эга бўлиши талаб этилади.

Диссертация мавзулари магистрантларга танлаш учун биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри (иккинчи ярми) бошлангандан кейин икки ҳафта давомида тақдим этилади. Тўлов-контракт бўйича таълим олаётган магистрантларнинг диссертация мавзулари буюртмачи томонидан ҳам таклиф этилиши мумкин. Магистрант илмий раҳбари билан келишган ҳолда танлаган мавзуси бўйича «Асоснома»ни кафедра мажлиси муҳокамасига қўяди. Шундан сўнг мавзу магистрант ва унинг илмий раҳбари иштирокида муҳокамадан ўтказилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

Кафедра тақдимномасига мувофиқ магистрантларнинг диссертация мавзулари ва тегишли тарзда факультет Илмий кенгаши, магистратура бўлими, университет Илмий кенгаши қарори билан тасдиқланади. Илмий раҳбар кафедра мудири тавсиясига биноан олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан тасдиқланади.

Магистратура бўлими бошлиғи тақдимномаси асосида магистрантларнинг диссертация мавзулари ва илмий раҳбарларини тасдиқлаш тўғрисида олий ўқув юрти ректорининг буйруғи иккинчи семестр бошлангандан кейин 2 ойдан кечиктирилмасдан чиқарилади. Шундан кейин икки ҳафта муддатда диссертация ишининг ўрнатилган тартибдаги кенгайтирилган иш режаси илмий раҳбари билан келишилган ҳолда томонидан ишлаб чиқилади ва кафедра йиғилишида тасдиқланади.

Диссертация магистрант ўқиган тилда, кафедра тавсиясига мувофиқ хорижий тил (рус, инглиз в.б.)ларда ҳам ёзилиши мумкин. Хорижий тилда бажарилган ишга давлат тилида аннотация (мулоҳаза, қайд, эслатма) илова этилади ҳамда ҳимояси таржима билан ўтказилади.

Диссертация ҳажми 70- 90 варақдан (*фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ва иловаларсиз – муаллифлар*) иборат бўлиб, А4 (210x297) формат қоғозга компьютерда (1,5 интервалда, 14 ўлчамли шрифтга мос) бир томонга терилган ҳолатда тайёрланади (*5- иловага қаранг*).

Диссертациянинг қўйилган талабларга амал қилиниб, берилган топшириққа мувофиқ тўла ҳажмда бажарилишига магистрант шахсан жавобгардир.

Зарур ҳолларда, илмий раҳбар тавсияси билан диссертация ишининг алоҳида қисмларига, тадқиқот учун раҳбарликка ажратилган вақт бюджети ҳисобидан маслаҳатчилар ҳам таклиф этилиши мумкин. Бундай ҳолларда, кафедра мудирини тавсияси асосида ректор буйруғи чиқиши керак.

Тайёр диссертация иши илмий раҳбарнинг имзоси қўйилган хулосаси билан кафедрага тақдим этилади. Кафедрада муҳокамадан ўтган ва маъқулланган диссертация ишига кафедра қарори билан оппонент тайинланади. Оппонент соҳа мутахассислари, илмий муассасалар ходимлари, ОТМнинг профессор-ўқитувчиларидан бўлиши мумкин. Оппонент илмий даражали бўлиши шарт.

Магистратура бўлими бошлиғи диссертация ишини илмий раҳбар хулосаси ва оппонент тақризлари билан Давлат аттестация комиссиясига йўллайди.

Диссертация ҳимоядан сўнг 10 кун давомида магистратура бўлимига топширилади ва 10 йилгача сақланади.

“Магистр” даражасини берадиган давлат малака аттестацияси (магистрлик диссертациясининг ҳимояси) магистрлик дастурининг якунидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистрлик диссертациясининг илмий савияси ўқиш дастурига жавоб бериши лозим. Ушбу ишнинг бажарилиши унинг муаллифи илмий изланишлар олиб бориш, тегишли илмий муаммоларни кўра олиш ва уларнинг ечими бўйича умумий усуллар ҳамда йўлларини ўрганганлигини тасдиқлаши керак.

Умуман олганда, магистрлик диссертацияси илмий етуклик ва ихтисослик ёки ихтисослашиш бўйича тубдан касбий тайёргарликдан далолат бериши лозим.

Магистрлик диссертациясининг бажарилиши шу таълим муассасасида ишлайдиган, одатда, шу ихтисослик бўйича фан доктори илмий даражасига ёки ихтисослик кафедрасида профессор илмий унвонига эга педагог раҳбарлигида амалга оширилади. Маслаҳатчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий тадқиқот институтлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ва Археология институтининг юқори малакали мутахассислари ҳам таклиф қилиниши мумкин.

Истисно тариқасида магистрнинг илмий раҳбари этиб, олий ўқув юрти Илмий кенгаши рухсати билангина фан номзоди, доцент тайинланиши мумкин.

Илмий раҳбар бир йилда 5 нафаргача магистрантга раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга.

Магистрантга ўқишнинг дастлабки оий мобайнида илмий раҳбар тайинланади ва унинг шахсий режаси тузилади. Магистрант тегишли кафедра мавзулари жамғармасидан чиқмаган ҳолда, ўз илмий раҳбари розилиги остида диссертация мавзусини танлайди. Шундан сўнг унинг «Асоснома»сини тайёрлаб, тегишли тарзда кафедра мажлиси, факультет, олий ўқув юрти Илмий Кенгашлари мажлиси муҳокамасига қўяди.

Магистрант диссертация мавзуси бўйича, илмий раҳбар тавсиясига биноан вилоят, республика миқёсидаги кутубхона, музей ва архивларда тадқиқот ишларини олиб боради. Магистрант томонидан тадқиқот мавзуси бўйича илмий журнал ва тўпламларда камида 2 та мақола чоп этирилиши шарт.

Магистрлик диссертацияси илмий тадқиқот ишини расмийлаштириш Ўзбекистон давлат стандартларига мос равишда бажарилади.

Белгиланган муддатда бажарилган магистрлик диссертацияси илмий раҳбар хулосаси, шу ихтисослик бўйича мутахассиснинг ташқи тақризи ва шахсий режанинг бажарилганлиги ҳақида маълумотнома билан давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

Магистрлик диссертацияси химояси жамоа ҳузурида амалга оширилади. Химояни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини олий ўқув юрти Илмий Кенгаши белгилайди.

Магистрлик диссертациясининг асл нусхаси химоядан кейин олий ўқув юртида ўрнатилган тартибда сақланади. Магистрлик диссертацияси натижаларини татбиқ қилиш, уни конкурсга тақдим этиш ва бошқа заруриятлар туғилса, ундан нусха олинади.

Диссертацияни расмийлаштириш унинг мазмунини ёритиш билан бир қаторда турадиган энг муҳим жараёндр. Магистрлик диссертацияси белгиланган талабларга мос равишда муқоваланган бўлиши лозим.

Диссертациянинг қўлёзма нусхасини тугатгач, магистрант илмий раҳбарнинг рухсати билан уни компьютерда ёзади.

Агар матнда хорижий адабиётлардан ва архив манбаларидан фойдаланилса иқтибос асл ҳолида берилади (9- мавзу ва 6- иловага қаранг).

Диссертациянинг кириш, ҳар бир боби, хулоса ва фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, илова янги бетдан ёзилади. Бобнинг номи ёки сарлавҳалар асосий матндан қўшимча интервал билан ажралиб туради.

Бетларнинг тартиб рақами варақнинг юқори қисми ўртасига қўйилади.

Диссертациянинг титул варағи қабул қилинган намунага мос бўлиши керак (3- иловага қаранг).

Яна шуни таъкидлаш жоизки, тугалланган диссертацияни илмий раҳбар қўриб бўлгандан сўнг, уни аввало, кафедра мажлисида дастлабки химояга, сўнгра очик химояга тавсия этадиган хулоса беради. Диссертациянинг

тайёргарлиги бўйича 2 нафар илмий даражали мутахассис ёзма равишда эксперт хулосасини беради.

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбар хулосаси ҳамда ташқи тақриз берилади. Илмий раҳбар хулосаси ва ташқи тақризда қуйидаги масалалар ёритилиши шарт:

Илмий раҳбар хулосаси

1. Диссертация мавзусининг долзарблиги.
2. Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари муаллиф томонидан қай даражада аниқ ёритилганлиги.
3. Ўтказилган тадқиқот натижаларининг асосланганлиги.
4. Мавзу бўйича манбалардан кенг фойдаланилганлиги.
5. Тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги.
6. Тадқиқотчининг илмий таҳлил қила олиш қобилиятининг қисқача таърифи.
7. Магистрант хулосалари ва тақлифларининг сифати.
8. Тадқиқотнинг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талабларга мослиги.
9. Муаллифнинг "Магистр" даражасига лойиқ ёки нолайиклиги.

Ташқи ва оппонент тақризларида

1. Диссертация мавзусининг долзарблиги.
2. Тадқиқотнинг янгилиги ва диссертация иши илмий-амалий натижаларини асосланиши.
3. Диссертацияни амалиёт учун аҳамияти ўтказилган тадқиқот натижаларининг асосланганлиги.
4. Диссертация мазмуни ва унинг тугалланганлиги даражаси.
5. Амалга оширилган тадқиқотнинг илмий ва амалий қиймати.
6. Диссертациянинг магистрлик диссертациялари талабларига мослиги.
7. Тадқиқот юзасидан танқид, тақлиф ва мулоҳазалар.
8. Муаллифнинг "Магистр" даражасига лойиқ ёки нолайиклиги ўз аксини топиши лозим.

Юқорида қайд этилган тақризлар билан расмийлаштирилган диссертация кафедрга химоядан камида 1 ой аввал (2 нусхада қоғозда ва электрон вариантда) топширилади. Кафедра ишни қўриб чиқиб, дастлабки химоя куни ва вақтини белгилайди. Дастлабки химоядан муваффақиятли ўтган магистрлик тадқиқотлари кафедра қайдномаси билан расмийлаштирилиб, очик химояга тавсия этилади. Кафедра йиғилиши қайдномасининг биринчи нусхаси олий ўқув юртининг ўқув ишлари бўйича проректорига тақдим этилади.

Диссертацияда, одатда, мазмуни бўйича архив ва музей манбалари, адабиётлар, даврий матбуот нашрлари ва бошқалардан иқтибос келтирилади.

Матндаги бетлар, бобларда тартиб рақами белгиси масалан, 3- расм, II боб шаклида ёзилади. Агар тадқиқотда 3 ва ундан ортик жадваллар келтирилган бўлса, жадвал сонлари боблар бўйича (3.1- жадвал, 4.4- жадвал тарзида) берилади. Жадвал атиги 1- 2 та бўлса, унда тартиб рақами қўйилмайди.

Ишнинг ушбу жумлалар таркибига кирмаган айрим қисмига бериладиган хаволалар қуйидагича берилади, яъни изохлар саҳифанинг энг пастки қисмига

чизик тортиб, сатр бошидан ёзилади. Изохлар ҳар бир саҳифада алоҳида тартиб рақами билан кўрсатиб борилади. Кейинги бетда изохлар рақам билан белгиланади. Изохнинг матндаги рақам белгиси, агар изох айрим сўзгагина тааллуқли бўлса, гап охирига қўйилади. Изоҳ белгиси хамиша тиниш белгиларидан олдин ёзилади (*сўроқ, ундов белгиси ва кўп нуқта бундан мустасно – муаллифлар*).

Диссертация матнида кўпинча бошқа тадқиқотчилар томонидан тасдиқланган далилларга иқтибос беришга ёки улардан баъзи маълумотларни ўзлаштиришга тўғри келади. Бундай ҳолларда илмий кўчирмакашликда айбланмаслик учун ўзлаштирилган материаллар асли қайси манбадан олинганлиги албатта иқтибосда келтирилиши шарт (*9- мавзуга қаранг*).

Фойдаланилган манба ва адабиётларнинг библиографик рўйхати магистрлик диссертациясининг асосий элементи бўлиб, унда фойдаланилган манбалар рўйхати берилади ва у хулоса қисмидан кейин жойлаштирилади. Ҳар бир манба бўйича:

- фойдаланилган адабиётнинг рўйхат бўйича тартиб рақами;
- муаллифнинг фамилияси, исми ва насаби;
- монографиянинг номи, меъёрий маълумотномалар;
- нашр қилинган жой ва нашриёт номи;
- чоп этилган йили;
- қанча бетдан иборатлиги кўрсатилиши шарт (*7- иловага қаранг*).

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати куйидаги тартибда тузилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонунлар ва қарорлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.
5. Архив манбалари.
6. Эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари.
7. Даврий матбуот материаллари.
8. Адабиётлар.
9. Хорижий адабиётлар.
10. Диссертация ва авторефератлар.
11. Хотиралар.
12. Интернет материаллари.

Диссертация химоясига тайёргарлик кўришни ташкил этиш тартиби, химояга тайёргарлиги, магистрлик диссертацияси химояси билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ва материалларни расмийлаштириш, Давлат аттестацияси йиғилишида сўзланадиган нутқ матнини тайёрлаш ҳамда диссертацияни химоя қилиш жараёнини ўз ичига олади.

Магистрант диссертациянинг техник жиҳатдан расмийлаштириш ишларини тугаллагач, бутун эътиборини магистратура таълимининг сўнгги ва ҳал қилувчи босқичи - магистрлик диссертациясини химоясига тайёргарликка қаратмоғи лозим.

Бундай тайёргарлик магистрлик диссертация химояси билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ва материалларни расмийлаштириш, Давлат аттестацияси комиссияси йиғилишида сўзланадиган нутқ матнини тайёрлаш ҳамда диссертацияни химоя қилиш жараёнини ўз ичига олади.

Таянч сўзлар

Магистр, магистрлик диссертацияси, Давлат аттестация ҳайъати, расмий оппонент, концепция, илмий маслаҳат, титул варағи, таркибий қисм, “Магистратура тўғрисидаги Низом”, диссертация ҳажми, тақриз, илмий раҳбар хулосаси.

Назорат саволлари

1. Магистрлик диссертацияси битирув малакавий ишидан ўзининг қайси жиҳатлари билан фарқланади?
2. Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши ҳақида сўзлаб беринг?
3. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва расмийлаштириш қайси меъёрий ҳужжатларга асосланади?
4. Магистрлик диссертациясида расмий оппонентнинг вазифалари нималардан иборат ва унинг тақризида қайси жиҳатлар ўз ифодасини топиши лозим?

Мавзу юзасидан тестлар

1. Магистрлик диссертацияси химоясида нечта расмий оппонент ва ташқи тақриздан фойдаланилади?
 - а) 1 нафар расмий оппонент, 1 та ташқи тақриз
 - в) 1 нафар расмий оппонент, 2 та ташқи тақриз
 - с) 2 нафар расмий оппонент, 2 та ташқи тақриз
 - д) 1 нафар расмий оппонент, ташқи тақриз чекланмайди
2. Магистрлик диссертациясида иловаларнинг келтирилиши мажбурий ҳисобланадими?
 - а) шунга зарурат бўлса
 - в) илова киритиш мажбурий
 - с) мажбурий эмас, лекин у диссертациянинг айрим қисмларини тўлдиради
 - д) а, с
3. Магистрлик диссертациясини тайёрлашнинг намунавий тартиби қайси меъёрий ҳужжатга асосланади?
 - а) Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури
 - в) Таълим тўғрисидаги Қонун
 - с) ОЎМТВ нинг “Магистратура тўғрисидаги Низом”и
 - д) ОТМ Илмий кенгаши қарори
4. Магистрлик диссертациясининг ҳажми неча варақни ташкил этиши мумкин?
 - а) 60-70 варақ
 - в) 70-90 варақ
 - с) 90-100 варақ
 - д) 100-120 варақ
5. Магистрлик диссертациясига илмий раҳбардан сўнг ким химояга тавсия этиш бўйича ёзма хулоса беради?
 - а) эксперт
 - в) кафедра мудир
 - с) факультет декани
 - д) оппонент

7- МАВЗУ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ: ВАЗИФАЛАР, ХУСУСИЯТЛАР, УСЛУБИЁТ

РЕЖА

1. Тадқиқот мавзусини танлаш омиллари.
2. Тадқиқот материалларини қайта ишлаш ва унинг тузилиши, мазмуни.

Тадқиқот мавзусини танлаш омиллари. Тадқиқот учун талаба томонидан мавзу танлаш мустақил, илмий раҳбарнинг тавсияси орқали амалга оширилиши мумкин. Муваффақиятли танланган мавзу, унинг хронологик даври, географик ҳудуди тадқиқот учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Тадқиқот мавзусини танлашга туртки берадиган омиллар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- маълум бир тарихий воқеага бўлган қизиқиш;
- маълум бир тарихий даврни чуқур ўрганишга интилиш;
- илмий анжуман, тарихий адабиётлар, эшитган маърузаси орқали у ёки бу мавзуга қизиқиб қолиш;
- тарихдаги “ок доғ”ларни ўрганишга интилиш ва бошқалар.

Тадқиқотчи мавзунини танлашда маълум бир илмий кўникма, танлаётган мавзуси бўйича у ёки бу даражада тушунчага эга бўлиши керак. Тадқиқот бўйича мавзу танлашга жалб қилинган илмий изланувчи ўзи ўқиётган олий ўқув юртидаги тегишли кафедранинг истиқболли илмий тадқиқот ишлари режаси билан танишган бўлиши ва мавзу танлашда, мумкин қадар, шу режани ҳисобга олиши керак. Албатта, тадқиқотчи илмий раҳбари ва тегишли кафедра мажлиси олдига ўзини қизиқтирган мавзу бўйича илмий тадқиқот олиб бориш масаласини қўйиш, уни асослай олиши натижасида, кафедра мажлиси қарори ва ОТМ раҳбари буйруғи асосида, танлаган мавзуси бўйича тадқиқот олиб бориш ҳуқуқига ҳам эга. Мавзу танлашда нималарга эътибор бериш керак? Тадқиқот мавзуси қандайлигидан қатъий назар, бу иш мустақил муаммони қамраб олган бўлиши керак. Мавзу танлашда шу муаммо долзарблиги, унинг илмий, сиёсий ва амалий ўрни муҳим аҳамият касб этиши керак. Мавзу танлаётган талаба ўз илмий лаёқати, хусусан ёзма манбаларни ўқий олиши, эски ўзбек ёзуви, араб имлосини билиши, маълум бир тарихий даврни ўрганганлиги, чет тилини билиши, тегишли тарихий географик ҳудудлардаги воқеалардан хабардорлиги, тарихий манбалар устида ишлай олишини ҳисобга олиши керак. Чет тилини, ҳеч бўлмаса рус тилини билмасдан туриб, узокдаги АҚШ, Канада, Бразилия каби мамлакатлар тарихини тадқиқ қилишдан кўра, Ватанимиз тарихини чуқурроқ ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Аммо шу билан бирга, чет тилини яхши билиши, интернет маълумотларидан унумли фойдалана билиши орқали Ғарб давлатлари, Шарқ мамлакатлари, Европа давлатлари тарихини тадқиқ қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот учун Ватанимиз тарихининг ўрта асрлар даври, Ўрта Осиё ва Россия ўртасидаги мураккаб, зиддиятли алоқалар, Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинishi, Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларидаги

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий аҳвол, Ўлкадаги миллий озодлик ҳаракатлари, озик-овқат тақчиллиги муаммоси, жадидчилик ҳаракати, “инқилобий жараёнлар”, совет мустамлакачилиги ва “маданий инқилоб” даврлари, миллатлараро муносабатлар ва миллий масала “ечими” оқибатлари, аёллар масаласи, пахтачилик муаммоси, тургунлик йилларидаги кўзбўямачиликлар, мустақиллик учун кураш, мустақиллик йилларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт, миллий кадриятлар, шаҳарлар, алломалар тарихи билан боғлиқ мавзулар муҳим аҳамиятга молик бўлиб, булар ўз тадқиқотчиларини кутади.

Тадқиқот мавзусини танлашда шу мавзуга оид илмий адабиётлар, ҳужжатлар борлиги ёки йўқлигини, танланаётган мавзу бўйича қўлёзма манбалари, даврий матбуот материаллари, архив манбалари қай даражада мавжудлиги ёки камлиги, йўқлигини ҳисобга олиш керак бўлади. Албатта, мавзу ҳам чуқур ўрганилмаган, фанда ушбу мавзу қирралари кам тадқиқ этилган бўлиши муҳим аҳамиятга моликдир. Ўрганилган мавзунини яна ўрганишга ҳаракат қилиш билан ҳамма вақт ҳам илмий тадқиқотда олға силжиб бўлмайди. Бу ерда истисно тариқасида шунини қайд этиш лозимки, у ёки бу мавзу ўз даврида мафкуравий тазйиқлар остида, бир томонлама ўрганилган бўлса, эндиликда шу мавзунини холисона тадқиқ қилишга яна қайтадан киришиш мумкин.

Мавзу танлашдаги аниқлик, хусусан унинг узундан-уzun бўлмаслиги, мавҳум сўзлар, атамалар, ибораларни ўз ичига олмаслиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Одатда, мавзу 10 та сўздан ортқ бўлмаслиги тавсия этилади. Мавзуда тадқиқот муаммоси – масаласидан ташқари ҳудудий ва даврийлик доиралари ҳам кўрсатилиши зарур. Ҳар қандай тадқиқот мавзусини ўзига хослиги билан ажралиб туриши керак. Аслида тадқиқот орқали узук-юлуқ маълумотларни ўрганишдан кўра, бир муаммони чуқурроқ, ҳар томонлама тадқиқ этиб, кўплаб илмий янгилликларни киритиш муҳимроқ ҳисобланади.

Тадқиқот материалларини қайта ишлаш ва унинг тузилиши, мазмуни. Илмий тадқиқотчи ўз олдига аниқ мақсадни қўйиб, унинг ечими бўйича тегишли тайёргарлик ишларини олиб бориши керак. Тайёргарлик ишлари қуйидаги йўналишларда амалга ошган бўлиши лозим:

– мавзуга оид кенгайтирилган иш режа тузилган ва илмий раҳбар тасдиғидан ўтган бўлиши керак;

– мавзуга оид йиғилган материалларни қайта ишлашдан аввал, адабиёт ва манбаларни саралаб, улардан қайси бири дастлаб ва қайсилари кейинги кетма-кетликда ўрганилишини аниқлаб, тизимга солиб олиш зарур;

– мавзуга оид тадқиқот материалларини «манбалар», «адабиётлар», «ҳужжатлар» каби йўналишларда, хронологик кетма-кетлик асосида, муаммоли ёндашув бўйича, боб, бўлим ва параграфларга бўлинган ҳолда, минтақасига, тилига, муаллифларига, концепциясига боғлиқ равишда ажратиб олиш керак;

– тадқиқотда дастлаб адабиётларни, кейин чоп этилган ҳужжатларни, ундан сўнг чоп этилмаган ва ўз навбатида илмий муомалага киритилмаганларни таҳлил қилишдан бошлаган ҳолда, археология, этнология, манбашунослик йўналишларида дастлаб манбалар, дала ёзувлари, экспедиция материалларини ўрганишдан бошлаган мақсадга мувофиқ;

– кейинги ўрганиш энг янги тадқиқотлар ва унга яқин илмий изланишлар тахлилга қаратилиши лозим. Чунки бу ҳозирги даврда ушбу тадқиқот мавзуси қандай ўрганилаётгани даражаси, қайси манбаларни илмий муомалага қиритилгани тўғрисида маълумот беради.

Юқорида қайд этилган вазифалар амалга оширилгандан кейин тадқиқотчи олдида қайта ишланган адабиёт ва манбаларни илмий ишнинг лойиҳа режаси бўйича ажратиб чиқиш мумкин бўлади. Бу эса илмий тадқиқот тузилиши бўйича бевосита иш бошлаш имкониятини беради. Натижада, қайси боб, бўлим ва параграфлар бўйича тадқиқотга оид материаллар етарли ёки етарли эмаслиги маълум даражада кўзга ташланади. Тадқиқот мавзуси, режасидан келиб чиқиб, ҳар бир тадқиқот учун алоҳида бўлгани ҳолда, айти пайтда ҳар қандай илмий ишда умумий принципларга асосланган қуйидагилар акс этади:

- кириш;
- асосий қисм (боблар ва параграфлар);
- хулоса;
- фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати;
- илова (зарур ҳолларда).

Тадқиқотнинг *Кириш* қисмида қуйидагилар ўз аксини топади:

– мавзунинг долзарблиги ва ўрганилиши даражасида: танланган мавзунинг тарих фанида тутган ўрни, ушбу муаммоларнинг назарий-услубий асослари, мавзу бўйича мавжуд адабиётлар ва манбалар кўлами ҳамда қисқа тахлили аниқ мисоллар воситасида келтирилади;

– тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда худудий, даврий чегараларида: илмий изланишдан мақсад ва ундан келиб чиқадиган вазифалар, тадқиқот мавзусига кўра қайси худуд ёки худуд (минтака)лар ўрганилиши ва бу қайси хронологик даврни ўз ичига камраб олиши аниқ, асосли тарзда ифодаланади;

– тадқиқотнинг манбалари ва илмий янгилигида: мавзунинг ёритишида қайси архивлар ва уларнинг фондлари (*архив номи, фонд номи келтирилади-муаллифлар*)дан фойдалангани, архив манбалари бўйича қисқача таҳлил, эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллари, тўпламлари ва даврий матбуот материаллари, қўлёзмалар, илмий-тарихшунослик монографиялари, мақолалар, хотиралар бўйича қисқа, асосли таҳлил этилади;

– тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятида: мавзунинг яратиши асосида илмий изланувчи қандай илмий янгиликларни рўёбга чиқаргани ва унинг тарих фанида тутган ўрни ва аҳамияти аниқ, далиллар асосида келтирилади;

– тадқиқотчи ўз илмий ишида муаммонинг айрим томонларини ёритмаслигини қисқача изоҳлаб, масаланинг тегишли жабҳаларинигина ёритилишини эслатиб ўтади;

– тадқиқотдан яна мавзу бўйича қайси илмий анжуманларда қатнашгани, амалий семинарлардан ўтгани, тадқиқот натижалари бўйича эълон қилган илмий ишлари, тадқиқотнинг таркибий тузилиши ҳам ўрин олиши мумкин.

Илмий тадқиқот тузилишида Кириш қисмини ёзиш моҳият жиҳатидан ҳамма илмий изланувчилар учун деярли бир хил талаб асосида амалга

ошириладиган бўлса, тадқиқотнинг асосий қисми бўлган, боб ва параграфлар, қисмларни ёритиш мавзу хусусияти, мавжуд манбалар, тарихий далиллар-материаллар, мавзуни ёритиш бўйича ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалар, ишнинг таркибий тузилишидан келиб чиқади. Тадқиқотнинг боб ва параграфларга ажратиш жараёни илмий иш мавзусининг хусусияти ва режаси бўйича қайси муаммоларни ёритишга қаратилгани билан ҳам белгиланади. Шунингдек, боб ва параграфлар тадқиқот учун йиғилган материаллар, мақсад ва вазифалардан ҳам келиб чиқади. Тадқиқот тузилишида илмий иш режаси муҳим ўрин тутаяди. Одатда, тадқиқотлар уч хил йўналишдаги режаларни ўз ичига олади: хронологик, муаммоли, кесишган, яъни охиригиси биринчи ва иккинчи йўналишлардаги элементларни ўз ичига олган бўлади.

Хронологик йўналишдаги илмий иш режаси тарихий жараёнларнинг узок даври тадқиқот мавзуси бўйича ўрганилган тақдирда, хусусан воқеа-ҳодисаларнинг бир даврдан иккинчи бир даврга ўтгандаги маълум бир ўзгаришларга оид ҳолатлар юз берса, тарихий жараёнларни ички даврлаштириш заруриятидан келиб чиқади. Ўз навбатида боблар, параграфлардаги ички даврлаштириш ҳам илмий асосланган, тарихий қабул қилинган маълум бир даврларни ўз ичига олиши керак. Масалан, тадқиқот мавзуси «**Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи счими (1917- 1991 йй.)**» бўлса, унда режани қуйидагича тузиш мумкин:

Кириш

I боб. Туркистонда хотин-қизлар масаласи (1917- 1924 йй.).

- 1.1. Хотин-қизлар муаммоси.
- 1.2. Хотин-қизлар бўлимлари фаолияти.

II боб. Ўзбекистон хотин-қизлари озодлик йўлида (1925- 1941 йй.).

- 2.1. Хотин-қизлар озодлиги бўйича саъй-ҳаракатлар.
- 2.2. “Хужум” компаниясининг амалга оширилиши.
- 2.3. Хотин-қизларни “янги жамият” қуришга жалб этилиши.

III боб. Хотин-қизлар уруш ва тинч қурилиш йилларида (1941- 1991 йй.).

- 3.1. Уруш йилларида хотин-қизлар фаолияти.
- 3.2. Хотин-қизлар тинчлик йилларида.

Хулоса

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.

Албатта, юқорида келтирилган тадқиқот мавзуси ва унинг хронологик даврдан келиб чиқадиган режа ички даврлаштириш тартибига риоя қилинган ҳолда тузилган, яъни совет ҳокимиятининг Туркистон даври (1917- 1924 йй.), Ўзбекистон ССР ташкил топишидан СССР халқлари учун уруш бошлангунга қадар бўлган давр (1925- 1941), Ўзбекистон ССРнинг уруш ва тинчлик йилларида, хусусан мустақилликкача бўлган даврини ўз ичига олган. Хронологик йўналишдаги режада нафақат боблар, балки параграфлар ҳам, мумкин қадар, маълум бир ички даврлаштириш, тарихий воқеалар даврига бўйсундирилиши керак.

Тадқиқот режаси боблар бўйича муаммоли тарзда қўйилиб, параграфлар эса хронологик йўналишларда бўлиши мумкин. Муаммоли тадқиқот режаси, одатда, ўрганилаётган даврнинг кичик бир қисмини ўз ичига олиб, тадқиқот қўплаб ижтимоий-тарихий жабҳаларни турли томонлардан ўрганишга қаратилган бўлади. Масалан. “**Я. Ғуломовнинг Ўзбекистон археологияси ривождаги фаолияти**” мавзуси бўйича қуйидаги муаммоли режани таклиф этиш мумкин:

Кириш

I боб. Я. Ғуломовнинг археологик олим сифатида шаклланиши.

- 1.1. Ҳаёти ва ижодий фаолияти.
- 1.2. Археолог бўлишидаги омиллар.

II боб. Ўзбекистон археологияси ривождаги тутган ўрни.

- 2.1. Археологияга қўшган хиссаси.
- 2.2. Ўзбекистонда миллий археологлар мактаби асосчиси.

Хулоса

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.

Илова

Юқорида келтирилган тадқиқот режасидаги қўтарилган масалалар хронологик жиҳатдан бир-бирига уланиб кетиши мумкин бўлсада, боблардаги қўтарилаётган масалалар муаммоли тарзда қўйилгани билан ажралиб туради.

Хронологик ва муаммоли йўналишидаги режаларни умумлаштирадиган, кесишган режа ҳам илмий ишларда учраб туради. Масалан, «**Ўзбекистон ва Япония мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик муносабатлари (1991- 2001 йй.)**» мавзуси бўйича қуйидаги тарзда кесишган тадқиқот режасини таклиф этиш мумкин:

Кириш

I боб. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг шаклланиши.

- 1.1. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари.
- 1.2. Ўзаро муносабатларни вужудга келиш жараёни.

II боб. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий алоқалар.

- 2.1. Иқтисодий алоқаларни шаклланиши.
- 2.2. Ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатлар.

III боб. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларида халқ дипломатиясининг ўрни.

- 3.1. Ўзбекистон ва Япония халқларининг маданият соҳасидаги алоқалари.
- 3.2. Икки мамлакат халқларининг фан соҳасидаги ҳамкорлиги.
- 3.3. Ўзаро ҳамкорлик муносабатларида таълим.

Хулоса

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.

Қайси йўналиш бўйича тадқиқот режаси тузилишидан қатъий назар, дастлаб илмий изланувчи мавзуга оид материаллар-манбаларни йиққан, ўрганган бўлиши керак. Акс ҳолда ҳар қандай тадқиқот режаси мавзуни очиб беришга хизмат қила олмайди. Тадқиқот учун манбалар, тарихий далиллар, материаллар йиғиш биринчи ўринда турган бўлса, илмий ишнинг тузилиши бўйича ёзиш чоғида йиғилган материалларнинг энг муҳимини ажратиб, илмий муомалага киритиш янада олдинга ўтиши лозим. Одатда тадқиқотчи ихтиёрида илмий иш учун зарур бўлганига қараганда кўпроқ миқдорда манбалар, тарихий далиллар, материаллар йиғилади. Тадқиқотчи тўпланган манбаларнинг ҳаммасидан ўз илмий ишида фойдаланмаган ҳолда, аммо уларни ўрганади, саралайди, умумлаштиради ва бу ўз навбатида унинг изланаётган мавзуси бўйича дунёқарашини кенгайтиради.

Тадқиқот тузилишидаги боблар ва параграфлар ҳажми ўртасидаги мутаносибликка риоя қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот режасидаги бобларда параграфлар сони ҳам бир-биридан катта фарқ қилмаслиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан, биринчи бобда иккита параграф, иккинчи бобда олтита параграф, учинчи бобда учта параграф бўлиши илмий иш режаси тузилишидаги номутаносибликдан далолат беради. Боз устига, биринчи боб 21 бетни, иккинчи боб 58 бетни, учинчи боб эса 32 бетни ташкил қилиши ҳам юқорида қайд этилган номутаносибликка яққол мисол бўла олади.

Тадқиқот тузилишидаги тартиб-қоидаларга риоя қилиш илмий ишнинг мазмунига ҳам таъсир қилади. Тадқиқот мазмунида боблар ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳам илмий иш мавзусига бориб тақалади. Аммо илмий ишдаги ҳар бир боб қўйилган муаммонинг алоҳида масаласини, боблар таркибидаги параграфлар эса масаланинг бирор бир томонини ёритишга қаратилган бўлади. Шунинг эса тутмоқ керакки, ҳар бир боб мантиқан ўзидан аввалги ва кейинги боблар, параграфлар билан боғланган бўлиши ҳам ва алоҳида, яъни мустақил тарзда илмий-тарихий ҳолатларни ёритиши ҳам мумкин.

Тадқиқотдаги ҳар бир боб ўзининг умумий кириш қисми ва қўйилган масалани мустақил ёритилишига эришган бўлиши ва боб охирида баён этилган материаллар асосида хулосасига эга бўлиши керак. Ҳар бир боб охирида келтириладиган хулоса тадқиқот охирида келтириладиган умумий Хулоса қисмида иккинчи даражали далилларга эътибор беришдан озод қилади.

Тадқиқотчи ўз илмий ишининг тузилиши ва мазмунида тегишли мавзудан келиб чиқадиган боблар, параграфлар сарлавҳасига қўйиладиган талабларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Маълумки, илмий тадқиқотлар қайси мавзуда бўлишидан қатъий назар, унда Кириш, Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, Хулоса, Илова сарлавҳалари ўзгармай қолади. Бу сарлавҳаларга изоҳ бериш шарт эмас. Истиқно тариқасида, Иловага қавс ичида «Хужжатлар нусхаси, иллюстрациялар» деб, «Хулоса: Асосий хулосалар ва тавсиялар» деб аниқлик киритувчи, тушунча берувчи сарлавҳачалар ҳолатида бериш ҳам мумкин. Тарихга оид илмий тадқиқотлар мавзуси, боблар, параграфлардаги сарлавҳалар моҳият жиҳатидан, мумкин қадар, қисқа, мантиқан бир-бирини инкор этмайдиган, узвий боғлиқ бўлиши керак. Шунга эътибор қаратиш лозимки, мавзу номланиши боб сарлавҳасида, ўз навбатида

боб номланиши эса параграф сарлавҳасида такрорланмаслиги керак. Боблар ва параграфлардаги сарлавҳалар аниқ, қисқа, лўнда ва икки хил маъно қасб этмайдиган ҳолда ифодаланган бўлиши ва матн баёнидаги мазмунни қисқача ўзида акс эттириши лозим. Боблардаги сарлавҳалар тегишли параграфлардаги сарлавҳаларда ўз аксини топиб, тадқиқот мазмунини ёритишга ёрдам бериши керак. Умуман олганда, тадқиқот тузилиши ва мазмунида боб ва параграфларни тўғри тузиш, сарлавҳаларни чуқур ўйлаган ҳолда ифодалаш, ҳар бир бобга хулосалар бера олиш муҳим аҳамиятга молик ҳисобланади.

Тарихий тадқиқотларда Хулоса қисмини ёзишдаги талабларга риоя қилиш ҳам илмий иш мазмунида катта аҳамиятга эга. Тадқиқотда келтириладиган хулоса, кириш қисмидагидек илмий ишда, “ёрдамчи қисм ролини ўйнамай, балки муҳим қисм” каторида ҳисобланади. Тадқиқотнинг Хулоса қисмида олиб борилган илмий ишнинг ҳаммасига яқун ясалади. Яъни бобларда изҳор этилган тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, мавзу бўйича якуний хулоса берилади. Хулосада, тадқиқотнинг бобларида келтирилмаган тарихий далиллар, янги назарий гоёларни илгари суриш қабул қилинмаган. Аммо хулоса рефератив, яъни боб ва параграфларнинг мазмунан қисқача қайтарилиши ҳам бўлиб қолмаслиги керак. Хулоса ўз мазмунига кўра, боб ва параграфлардаги далил ва гоёларни умумлаштириб, сифат жиҳатидан ҳамма илмий натижаларни юқори даражадаги мушоҳадалар асосида янги хулосалар беришга қаратилган бўлиши зарур. Тадқиқот хулосасини расмийлаштириш турли шаклларда олиб борилиши мумкин. Бу мавжуд тарихий материал хусусияти, тадқиқот олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, илмий натижаларни боб ва параграфларда умумлаштириш даражасига, мавзунини ёритишдаги хулосалар ўртасида мавжуд мантиқий боғлиқликка ҳам тааллуқли ҳисобланади. Тадқиқот хулосасида куйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

1. Рефератив умумлаштириш яъни боблар кетма-кетлиги асосида.
2. Илмий тадқиқотни муаммоли баёни асосида.
3. Боблар кетма-кетлигидан қатъий назар, мазмунини умумлаштириш асосида.

Тарихий тадқиқотлардаги хулоса шакллари қандай бўлишидан қатъий назар илмий изланишлар натижаси куйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

1. Тадқиқотнинг кириш қисмида қўйилган масалалар яъни мақсад ва вазифаларга жавоб бериш керак.
2. Тадқиқотда илгари сурилган гипотеза, тезислар, саволларга жавоб бўлиш лозим.
3. Асосий хулосалар ифодаланиши керак.
4. Мавзудан келиб чиқадиган илмий изланишлар бўйича таклифлар зарур.
5. Илмий тадқиқот натижаларидан илмий ва амалиётда фойдаланиш бўйича тавсия берилиши лозим.
6. Тадқиқотчи томонидан фанга ва амалиётга киритилган янгилик эътироф этилиши керак.
7. Тадқиқотнинг илмий-амалий натижасини умумлаштириш зарур.
8. Тадқиқот бўйича истиқболда мавзу муаммоларини ўрганишга қаратилган кўрсатма бўлиши зарур.

Шунга эътибор бериш керакки, якуний хулосалар, боблардаги хулосаларга карама-қарши ва айна пайтда боблардаги хулосаларни сўзма-сўз қайтарилиши ҳам бўлмаслиги керак. Боблардаги хулосалар умумлаштирилган ҳолда, ҳар бир боб материали асосида эмас, балки бутун илмий иш материалларига оид тадқиқот натижасида, кенгрок ва чуқуррок, мантикий билимлар асосида якуний хулосадан ўрин олади.

Илмий тадқиқот ёзишга киришган ҳар бир тадқиқотчидан **илмий меҳнат маданиятига** риоя қилиш талаб қилинади. Бу талаб илк бор илмий тадқиқотга қўл урган тадқиқотчидан тортиб, йиллар давомида бир қатор илмий асарлар ёзган, кўплаб шогирдлар чиқарган, илмда “суяги қотган”ларга ҳам тааллуқли хисобланади. Маълумки, тадқиқотчи томонидан ўрганилаётган мавзу одатга кўра, кўпинча, илк бор ўрганилмаётган бўлади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи мавзунини ёритишда ўзидан аввалги илмий изланишлар натижаларига танқидий ёндашиши билан бирга, айна пайтда уларнинг фанда қилган ишларини синчковлик билан ўрганиши ҳамда ҳурмат билан ёндашишини такозо этади. Тадқиқотчи ўзидан аввалги илмий изланувчилар эришган илмий ютуқларга шунчаки муносабатда бўлмаслиги ва улардан ўз фойдасига ўзлаштирмаслиги керак бўлади. Агар тадқиқотчидан аввалги илмий изланувчилар томонидан ўрганилаётган мавзунинг у ёки бу йўналиши етарли даражада ўрганилмаган бўлса, айрим тарихий ноаниқликка йўл қўйилган бўлса ёки бу муаммо, мавзу умуман ўрганилмаган бўлса, унда тадқиқотчи адабиёт ва манбаларнинг ишончли таҳлили асосида, кўполликка берилмай кўрсата олиши керак. Ўз навбатида тадқиқотчи ўзидан аввалги илмий изланувчилар нуктаи назари, хулосаларига кўр-кўрона қўшилиб ҳам кетавермаслиги керак. Аммо ўз нуктаи назари, назарий мушоҳадалари, илмий хулосалари бошқаларникидан кўра илмий қиммати юқори, асосли бўлиши учун фойдаланган тарихий материаллари, далиллари асосли ва чуқур илмий таҳлил қилинган бўлиши лозим.

Тадқиқот ўз мазмунига кўра илмий йўналишда эканлиги сезилиб туриши керак. Илмий иш равон ўқилиши, эхтиросли фикр-мулоҳазалардан йироқ, далилларга асосланган бўлиши керак. Тадқиқотчи томонидан илмий иш баёни адабий тилда, бадиийликдан йироқ, воқеа-ҳодисалар, тарихий далилларга тарихий нуктаи назардан илмий изох бериш орқали амалга оширилиши лозим. Тарихий тадқиқотчиларда воқеа-ҳодисалар, тарихий далилларни асосли баён этиш, **т ў қ и м а ч и л и к** (*биз томондан ажратилган – муаллифлар*) билан шугулланмасликлари керак. Илмий иш баёнида бир гапда бир неча марта бир хил сўзларни қўлламаслик, мумкин қадар, синонимлардан фойдаланиш зарур. Шунингдек, илмий тадқиқот иши адабиётлар, тарихий манбалар иқтибосларига тўлиб-тошиб кетмаслиги, «иктибослар кўрғазмаси»га айланмаслиги лозим. Зеро, ҳар бир тадқиқотда манбалар қатори, илмий изланувчининг муносабати, талқини, назарий мушоҳадаси сезилиб туриши керак. Илмий тадқиқотни бoshдан хулосасига қадар ўқиган киши, маълум бир ижобий хулосага келиши керак.

Таянч сўзлар

Мавзуни танлаш, асосий омиллар, танлаш имконияти, тадқиқот, тадқиқот объекти, архив манбалари, даврий матбуот, қўлёзмалар, режа тузиш тартиблари, рефератив умумлаштириш, илмий меҳнат маданияти, тўқимачилик, “иктибослар кўргазмаси”.

Назорат саволлари

1. Қайси омиллар тадқиқот муваффақиятида етакчи омил бўлиши мумкин?
2. Тадқиқот материалларини қайта ишлашда қайси жиҳатларга асосий эътиборни қаратиш лозим?
3. Тадқиқот режасини тузиш қандай тартибда амалга оширилади?
4. Тадқиқот режасидаги боблар ва параграфлар мутаносиблиги деганда нимани тушунаси?
5. Тадқиқотчининг илмий меҳнат маданияти хусусида фикрингизни баён этинг.

Мавзу юзасидан тестлар

1. Мавзуга оид тузилган режа дастлаб ким ёки қайси кенгашнинг тасдигидан ўтиши лозим?
 - а) илмий раҳбар
 - в) факультет Илмий кенгаши
 - с) ОТМ Илмий кенгаши
 - д) тегишли Мувофиқлаштирувчи кенгаш
2. Тадқиқотнинг кириш қисми тарих фани соҳалари учун неча турда ёзилиши мумкин?
 - а) 2 хил
 - в) 3 хил
 - с) 4 хил
 - д) ягона тартибда
3. Одатда, тадқиқотлар учун қайси йўналишда режа тузилади?
 - а) хронологик
 - в) муаммоли
 - с) кесишган (яъни хронологик ва муаммоли)
 - д) а, в, с
4. Илмий меҳнат маданиятига нималар қиради?
 - а) илмий изланишлар натижасига танқидий ёндашиш
 - б) ўздан аввалги тадқиқотчилар хулосаларига кўр-кўрона қўшилиб кетмаслик
 - с) тарихий материаллар, далилларни асосли ва чуқур илмий таҳлил қилиш
 - д) а, в, с
5. Қуйидагилардан илмий тадқиқотга хос бўлган хусусиятни кўрсатинг?
 - а) бадийликка яқинлик, равонлик
 - в) эҳтиросли фикр-мулоҳазалардан узоқ бўлиш, адабий тилда ёзиш
 - с) воқеа-ҳодиса, далилларни Ватан манфаати йўлида таҳлил қилиш
 - д) илмий ишни имкон қадар иқтибослар билан бойитиш

8- МАВЗУ: ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ УСТИДА ИШЛАШ

РЕЖА

1. Тадқиқотда тарихий манбалар.
2. Тадқиқотда архив манбалари.
3. Даврий матбуот материалларидан фойдаланиш.
4. Тадқиқотда музей манбалари.
5. Библиография тузиш.
6. Тадқиқотларда кутубхона фондидан фойдаланиш.

Тадқиқотларда тарихий манбалар. Тарих йўналишида илмий тадқиқот олиб бориш маълум бир билим, малака, кўникмани талаб қилади. Бошқа айрим фанлардан фарқли ўлароқ, тарихчи кўпинча (*энг янги тарихдан ташқари - муаллифлар*) ўз тадқиқоти объектини бевосита кузатиш имкониятига эга эмас. Истисно тариқасида, тарихчи ўзи шохид воқеаларни ҳам ёзиши мумкин. Аммо ўзи бевосита гувоҳ бўлган, иштирок этган тарихий воқеа-ҳодисалар ҳам маълум даражада таҳлилга, қиёсий солиштиришга муҳтож бўлади. Тадқиқотга киришган тарихчи учун энг асосийси манба ва ёдгорликлар ҳисобланади. Айнан тарихий манба ва ёдгорликлар орқалигина тадқиқотга тааллуқли тарихий маълумотларни, далилларни олиш ва шундагина улар асосида тарихий умумлаштириш, воқеа ва ҳодисаларнинг сабаб, баҳона ҳамда оқибатларини таҳлил қилиш, назарий ғояларни илгари суриш, хулосалар қилиш мумкин бўлади. Бошқачароқ айтганда, тарихий тадқиқотлар маълум бир манбалар ва уларни умумлаштирмасдан туриб ўзининг илмий аҳамиятига эга бўлмайди.

Ҳар қандай илмий тадқиқот манбалар миқдори, хилма-хиллиги, сифати ва тарихчининг улар устида ишлаш қобилияти яъни уларни таҳлил қила олиши билан муҳим аҳамият касб этади. Тарих фанида илмий тадқиқот олиб боришга киришган тадқиқотчи учун манбаларни етишмаслиги, мавжуд манбаларни чуқур таҳлил қила олмаслиги, охир-оқибатда тарихни сохталаштиришга олиб келади. Демак, тадқиқотчи маълум бир билимларни эгаллаган, манбалар таҳлилига қодир бўлган, маънавий фикрлаш, воқеа-ҳодисаларни узвий боғлаш, тарихий далилларни чуқур ўрганишга, бир сўз билан айтганда, ақлий ва машаққатли меҳнатга мойил бўлган бўлиши керак.

Тарих соҳасидаги илмий тадқиқот олиб боришга киришганлар учун юқорида қайд этилган тадқиқотчи фазилатларига қўшимча яна нималар ёрдам бера олади? Бунда махсус тарихий манбаларни ўрганиш аҳамиятга эга. Манбашунослик тарихчилар учун юқори босқичларда ўрганилишига қарамасдан, тарихчи талаба 1- босқичданок манбашуносликнинг оддий асосларини билиши керак. Чунки талабаларнинг дастлабки даврданок амалий машғулотлар, илмий тўғарақлар, мустақил ишлар, курс ишлари, илмий маърузаларга тайёргарлик жараёнида доимо манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади. Тарихий манба – бу нима? Тарихий илмий тадқиқотларда муҳим роль ўйнайдиган тарихий манбалар турлари ва уларнинг тизими,

классификацияси қанақа? Агар умумлаштириб айтадиган бўлсак, тарихий манбаларга қадимдан қолган ҳамма нарса, хусусан инсон жамияти ривожланиши қонуниятлари киради, яъни инсон қўли ва ақл-заковати билан яратилган моддий манбалар, ёзма ёдгорликлар, урф-одатлар, тиллар в. б. Ҳамма тарихий манбаларни шартли равишда 5 та гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ёзма манбалар: эпиграфик ёдгорликлар яъни тошларга, металлларга, суякларга, сопол идишларга ёзилган қадимги ва ўрта асрлардаги ёзувлар; граффитилар, яъни қўл билан бинолар, металл буюмлар, идишларда қолдирилган излар; папирус, пергамент, қоғозлардаги қўлёзмалар; чоп этилган материаллар. Тадқиқотчилар учун қўлёзма ва чоп этилган манбалар тарихни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади ва улар сон жиҳатдан ҳам жуда кўп миқдорда ҳисобланади.

2. Моддий ёдгорликлар: меҳнат қуроллари, хунармандчилик буюмлари, идишлар, уй анжомлари, кийимлар, безаклар, тангалар, қурооллар, санъат буюмлари, уй-жой қолдиқлари, меъморий ёдгорликлар в. б. Ўрта асрлар давригача бўлган моддий манбаларни археология фани ўрганади. Айнан археологик ёдгорликлар орқалигина тарихнинг қадимги даврини тадқиқ этиш мумкин. Айниқса, бу инсоният ёзувни кашф этгунга қадар бўлган даврни тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга ягона манба ҳисобланади. Айни пайтда кейинги давр, хусусан ҳозирга қадар яратилган моддий ёдгорликлар ҳам илмий тадқиқот учун муҳим аҳамиятга эга.

3. Этнографик материаллар: илмий тадқиқотда ибтидоий одамларнинг яшаш тарзи, халқларнинг турмуши, урф-одатлари ва ҳаёти, анъаналари, байрамлари, диний эътиқодларини ўрганиш қатта аҳамият касб этади. Бу йўналишдаги илмий тадқиқот олиб боришда дала экспедициялари орқали йиғилган манбалар ҳам эътиборга лойиқ ҳисобланади.

4. Лингвистик ёдгорликлар: тадқиқотлар олиб боришда қадимги тилларни оғзаки ва ёзма, бадиий нутқда акс этишини халқлардаги излари, турли халқлар тилидаги ўхшашликнинг тарихий илдизлари ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Лингвистик материаллар орқали тадқиқотчилар қадимги халқларнинг этник келиб чиқиши ва машғулотлари, миграцион жараёнлар, диний эътиқодлар, маданият, турмуш тарзи тараққиётини ўрганадилар.

5. Кинофотоҳужжатлар: илмий тадқиқотда тарихчи учун нисбатан янги ва айни пайтда жуда тез, аҳамиятли манбалар қаторига киради. Кинофотоҳужжатлар илмий тадқиқотчилар томонидан воқеа-ҳодисалар бўйича илгари сурилган фикрларни исботи-тасдиғи ва у ёки бу тарихий воқеа-ҳодисалар тасдиғига қарши муҳим тарихий манба тариқасида тадқиқотчилар учун муҳим аҳамиятга эга. Кинофотоҳужжатлар илмий тадқиқотчиларга тарихий шахсларни аниқлашда ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Тарихчи-тадқиқотчи қайси манбаларга суяниб ўз илмий ишини ёзиши керак? Тадқиқотчи-талаба ўз илмий ишини ёритишда мавжуд манбаларни, мумкин қадар, ҳаммасини йиғиши, умумлаштириши, таҳлил қилиши керак. Албатта, мавжуд манбалар таҳлилида назорат, далилларни солиштириш, мавжуд материалларга танқидий ёндашув ва шундан кейингина зарур илмий хулосаларни бериш тарихчи-талаба учун муҳим аҳамиятли бурч ҳисобланади.

Умуман олганда, тарихчининг муҳим вазифаларидан бири мавжуд манбаларни танқидий ўрганиб чиқишдан иборат.

Тадқиқотчи-талаба учун ёзма манбаларни, айниқса, Россия ва унинг мустамлакаларидаги, собик СССРдаги тарихий воқеа-ходисаларни, хусусан XIX аср охири – XX аср 90- йиллари бошларигача бўлган даврдаги ёзма манбаларни ўрганиш изланувчидан маълум бир билим кўникмаларни ўзлаштиришни тақозо қилади. Чунки XIX аср охири – XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазиятдаги “инқилобий” жараёнлар, биринчи жаҳон уруши йиллари (1914- 1918)даги ҳарбий-сиёсий аҳвол, сиёсий партиялар ўртасидаги ҳокимият учун кураш бўйича ёзма манбаларни, совет ҳокимияти йилларидаги синфий кураш, партиявий интизомга бўйсундирилган ёзма манбаларни ўрганишда ва уларни тадқиқ ҳамда талқин қилишда ҳукмрон партия таъсирини ҳис қилган ҳолда танқидий ёндашишни тақозо этади. Ҳар қандай тарихий манбани ўрганишда синфий ва партиявий ёндашув эмас, балки ҳар бир тадқиқот асосини тарихийлик, даврийлик ва умуман ҳолислик ташкил қилиши керак. Айни пайтда, тадқиқотчи-талаба учун ёзма манбаларни қанчалик даражада ҳақиқийлиги, сохта эмаслигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тарихчи-тадқиқотчининг манбаларни танқидий ўргана олиши, ҳақиқий манба билан сохтасини ажрата билиши, ўйлаб топилган синфий ёндашувларга баҳо бера олиши, ёзма манбалардаги объектив ва субъектив ҳолатларни таҳлил қила олиши, илмий тадқиқот муваффақиятининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Тарихий манбаларни қиёсий-тарихий таҳлил қилиш усулидан фойдаланиш асосида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қиёсий–тарихий таҳлил маълум бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий - даврдаги воқеа-ходисалар, тарихий шахслар фаолияти, сиёсий вазиятнинг ўхшашлигига боғлиқ бўлади. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам қиёсий-тарихий таҳлил илмий тадқиқот учун тўла асос бўлавермайди. Агар тадқиқотчи-талаба ихтиёрида мавзуга оид манбаларни қиёсий-тарихий таҳлил қилиш имконияти йўқ бўлса, унда тарихчи-тадқиқотчи назарий таҳлил услубига, бошқа фанлардаги маълумотларга, умумий дунёқарашига, тажрибасига, илмий ҳиссиётига таянган ҳолда манбалар бўйича ўз хулосасига эга бўлиши мумкин. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам тарихий илмий тадқиқотларда ёзма манбаларни ҳеч қайси манбалар тўла алмаштира олмайди.

Тарихий тадқиқотлар муваффақиятида фақатгина ёзма манбалар мавжудлигининг ўзиёқ кутилган натижани бермаслиги мумкин. Тадқиқотчи-талаба учун ўзининг профессионал тайёргарлигидан ташқари илмий иши мавзусини ёритишда яна ёрдамчи тарихий фанлардан фойдаланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки тадқиқотларда ёрдамчи тарихий фанлар кўплаб далилларни, ёдгорликларни таҳлил қилишга, аниқлик киритишга, ҳолисона талқин қилишга ундайди.

Илмий тадқиқотларда ёзма манбалардан ташқари, ёрдамчи тарихий фанлардан куйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

1. Палеография – ёзувлар тарихини, қайси материалга ёзилишидан қатъий назар ёзма ёдгорликлар турларини ўрганади.

2. **Археография** – архив ҳужжатларини, ёзма тарихий манбаларни нашр этиш қоида ва усулларини ўргатади. Нашр қилинган ҳужжатлар гунаҳлари илмий тадқиқот билан шугулланувчилар учун тарихни чуқур ўрганишда, ҳолисона тадқиқ этишда ёрдам беради.

3. **Тарихий география** – бу инсоният тарихий ўтмишининг географиясини, хусусан табиий муҳит, ташқи ва ички чегаралардаги, шаҳар ва қишлоқлар, қалъалардаги, ҳарбий юришлардаги йўлларни, жанг майдонларини, халқ ҳаракатлари ва кўзғолонларининг йўналишларидаги ўзгаришларни ўрганади.

4. **Генеология (шажара)** – инсонларнинг келиб чиқиши, қариндошлик алоқалари, оила аждодларининг келиб чиқиши, шунингдек, айрим шахслар ва уларнинг қариндошлик алоқаларини ўрганади.

5. **Нумизматика** – тангалар, пул бирликлари, ордон ва медаллар, нишонларни ўрганади. Бу эса ҳокимият тепасида кимлар бўлгани ва алмашгани, сулоалар кетма-кетлиги, давлат тўнтаришлари, урушлар, диний ислохотлар ва бошқалар тўғрисида маълумот беради.

6. **Хронология** – турли халқлардаги ҳар хил вақтларни ва уларни ҳозирги замон йилномасига ўтказиш усулларини ўргатади. Тадқиқотчи-талаба хронология услубига таянган ҳолда ёзма, археологик ва бошқа манбаларга асосланиб, тарихий ҳужжатлар, воқеалар, ҳодисалар, далилларнинг аниқ санасини белгилайди. Масалан, Ҳижрий тақвим, Григорян тақвимлари ўртасидаги фарқ, тарихий воқеаларни 1918 йил 1 февралгача санаси ва ундан кейинги ўзгаришлар.

7. **Метрология** – ўтмишдаги узунлик, майдонлар, оғирлик, ҳажмлар ўлчов бирликларини ўрганади. Ўлчов бирликларининг тарихий даврда, минтақалардаги ривож ва уларнинг ҳозирги ўлчов бирликлари билан солиштириш илмий тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга. Метрология тадқиқотчи учун маълум бир даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни, хусусан ер майдонлари кўрсаткичи, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши миқдори, маҳсулотлар нархи, савдо айланмасини аниқлашда ёрдам беради.

Тадқиқотда архив манбалари. Тарих фанида архив манбаларининг тутган ўрни катта аҳамиятга эга. Архив сўзи лотинча *archivum* яъни муассаса маъносини билдириб, у ерда қадимги ҳужжатлар, ёзма ёдгорликлар (кўлёзма, мактуб, в. б.) сақланган. Айни пайтда архив сўзи юнонча *archeion* мустаҳкам уй маъносини ҳам билдириб, қадимда давлатнинг муҳим ҳужжатлари сақланган жойга нисбатан қўлланган. Умуман олганда, архив – бу архив ҳужжатлари мажмуи, шунингдек, архив муассасаси ёки корхона, муассаса ёки ташкилотнинг архив ҳужжатларини қабул қилувчи, сақловчи ва фойдаланувчи таркибий бўлинмаси, идоралар, ташкилотлар, шунингдек, айрим шахслар иш фаолияти давомида тўпланган ҳужжатлар мажмуидир.

Ватанимиз тарихини ҳолисона ёритишда архив манбалари тарихни синчиклаб ўрганиш, бошқа манбалар билан солиштириш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, юртимиз тарихидаги “оқ доғлар”ни, унутилиб кетган тарихий воқеаларни, тарихий сана ва далилларни яна “тарих саҳнаси”га қайтишига ёрдам беради. Ана шундай шарафли вазифани, яъни архив

манбаларини “тилга киритиш”га ўз хиссасини қўшадиганларга, манбаларни асраб-авайлаб сақлаётган архивариуслар ва катта сабр-тоқат билан машаққатли меҳнат эвазига тарихий манбаларни топиб, уларни ўз изланишлари орқали илмий муомалага киритаётган тадқиқотчилар ҳисобланади.

Тарих фанида илмий тадқиқот билан шуғулланувчилар учун Ўзбекистондаги архивлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ҳужжатлар сақланадиган энг катта, энг бой манбалар хазинаси ҳисобланади.

Бу архивдаги ҳужжатлар XIII асрга оид вақфномалардан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олган. Ҳозирги кунда тарих фани тадқиқотчилари учун республикаміздаги 82 та давлат архиви мавжуд бўлиб, унда XIII-XX асрларга тааллуқли 6 миллиондан ортиқ фондларда қоғоз, кино, сурат ва овозли архив ҳужжатлари мавжуд. Бундан ташқари 10 мингга яқин идоровий архивларда 1,6 миллиондан ортиқ, 112 та шахсий таркиб архивларида эса 5 миллионга яқин архив ҳужжатлари сақланмоқда. Турган гапки, булар Ватанимиз тарихи, жаҳон тарихи йўналишларида қанчадан-қанча тадқиқот олиб бораётганлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ва Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архиви, 11 та вилоят архивлари ҳамда уларнинг 40 дан ортиқ филиаллари мавжуд.

Тарих фанида олиб бориладиган тадқиқот ишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви ва вилоятлар ҳокимликлари қошидаги архивлар (*собиқ коммунистик партия архиви – муаллифлар*) ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Ўзбекистон компартияси МҚ фондида 1924 йилдан 1991 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олган 70 мингдан ортиқ ҳужжатлар сақланмоқда.

Тадқиқотга қўл урган талабалар қачон ва қайси ҳолларда архив манбаларидан фойдаланишга киришиши керак? Бунинг учун илмий тадқиқот ёзишга киришган талаба танлаган мавзусига оид чоп этилган адабиётларни, ҳужжатлар тўпламини ўрганиб, йиғиб улгурган бўлиши керак. Зеро, талабага қадар бошқа тадқиқотчилар томонидан ўрганилган, илмий муомалага киритилган, хусусан бу чоп этилган китобларда, ҳужжатлар тўпламларида, мақолаларда, илмий тадқиқот ишларида (*диссертациялар назарда тутилмоқда – муаллифлар*) ўз аксини топган бўлса, унда яна қайтадан ўша ҳужжатларни, тарихий далил ва мисолларни архивдан олишнинг ҳожати йўқ. Бундай ҳолатларда талаба-тадқиқотчи учун зарур маълумот ва ҳужжатларни ўша китоб, ҳужжатлар тўплами, мақолалар, илмий тадқиқотлардан олиб, белгиланган тартибда иктибос келтириб, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатида акс эттириш керак бўлади. Архив материалларига тадқиқотчи ҳали илмий муомалага киритилмаган ҳужжатларни олиш мақсадида мурожаат қилиш мумкин.

Умуман олганда, тарих соҳасида тадқиқот олиб боришни мақсад қилган талаба учун архив манбалари билан ишлаш, маълум даражада илмий изланиш олиб боришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки тарихнинг қўплаб соҳаларига оид воқеалар ва ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш ҳамда таҳлил

килиш архив ҳужжатлари орқали амалга оширилади. Илмий тадқиқот ишларида архив ҳужжатлари билан ишлаш, яъни ҳали шу пайтга қадар илмий муомалага киритилмаган қимматли манбаларни топиш, тарихий воқеалар, ходисалар, саналар, тарихий шахслар фаолиятига аниқлик киритиш ва уларни ҳужжатлар асосида тасдиқлаш ёки инкор этиш билан боғлиқ жараёнлар муҳим аҳамиятга эга. Албатта, талаба учун архив манбалари билан ишлаш, ўз қийинчиликларига ҳам эга. Чунки архив ҳужжатлари миқдори жуда катта ва уларнинг ичидан (*албатта мавзудан келиб чиқиб – муаллифлар*) тадқиқотга оид ҳужжатларни топиш, солиштириш ва уни матнга тушириш жараёнида қайта ишлаш керак бўлади.

Тадқиқот устида иш олиб бораётган талаба учун архив манбаларидан фойдаланиш жараёни қуйидагича амалга оширилади:

1. Талаба тадқиқотига оид умумий, махсус адабиётлар, чоп этилган ҳужжатлар тўпламларини ўрганиб чиқканидан сўнг, илмий раҳбари тавсияси асосида архив манбаларини ўрганишга киришиши мумкин.

2. Олий таълим муассасаси ректори номидан тегишли архив раҳбари номига, тадқиқот олиб бораётган талабанинг исми-шарифи, курси, мавзуси қайд этилган расмий хат билан мурожаат қилиниб, мавзуга оид архив ҳужжатларидан фойдаланишга рухсат берилиши сўралади (*8- иловага қаранг*). Шундай мазмундаги хат олий таълим муассасаси ректори номидан алоҳида талаба номига ва айрим ҳолларда тадқиқотчилар мавзуси қайд этилган ҳолда бир неча талаба номига ҳам сўралиши мумкин (*9- иловага қаранг*).

3. Тадқиқотчи-талаба номига ёзилган расмий хат тегишли архив раҳбарига топширилгач, кейин қабул қилинган қоидалар асосида, талабага маълум бир муддат давомида (*одатда йил охирига қадар – муаллифлар*) мавзуси ва унинг хронологик даври билан боғлиқ архив материалларидан фойдаланишга рухсат берилади.

4. Архив манбаларидан фойдаланишга “Рухсатнома” олган тадқиқотчи ўқув залида ишлаши мумкин бўлади. Чунки қабул қилинган қоидага мувофиқ, архив ҳужжатларини олиб кетиб фойдаланиш мумкин эмас. Тадқиқотчи-талаба архивнинг ўқув залидаги маъсул ходимга “Рухсатнома” билан бирга илмий иши мавзуси ва режасини тақдим этади (*архивнинг маъсул ходими шу асосда маълум маслаҳатлар бериши мумкин – муаллифлар*).

5. Архив ходимлари талабанинг тадқиқот мавзуси ва режасидан келиб чиқиб, қайси фондлардан фойдаланиш мумкинлиги борасидаги хилма-хил маълумотнома ва “кўрсаткич” (путеводитель)ни беради.

Шундай қилиб, талаба олдида тадқиқот мавзусига оид манбаларни топиш масаласи туради. Бунинг учун архивдаги ишлаш тартиб-қоидалари бўйича маълум бир тушунчага эга бўлиш керак. Архивдаги материаллар фондлар бўйича сақланади. Бир ташкилот, муассаса, корхона ёки айрим шахсларнинг ҳужжатлари маълум бир фондда сақланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивининг Р.17- фонди: Туркистон АССР Марказий Ижроия қўмитаси, Р.31- фонди: Туркистон АССР Ер ишлари озиқ-овқат халқ комиссарлиги, Р.2252- фонди: Кобозев П. А. – Шахсий иш, деб номланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивининг 60- фонди:

Туркистон коммунистик партияси марказий қўмитаси, 361- фонди Хоразм коммунистик партияси марказий қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ИДА қошидаги Тошкент вилоят бўлими 1- фонди: Тошкент шаҳар партия қўмитаси деб номланади.

Тадқиқот учун манбалар ичида архив материаллари муҳим аҳамиятга эга талаба ўз тадқиқоти мавзусидан келиб чиқиб, нафақат илмий адабиётлар, ҳужжатлар тўплами, дала ёзувлари, этнографик экспедициялар, археологик казишмалар, қўлёзмалар, хотираларга, балки тарих фанида муҳим аҳамиятга молик архив манбаларига ҳам мурожаат қилиши мумкин. Айнан архивдаги ҳужжатли манбалар тарих фанини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда тарих йўналишида тадқиқотга жазм қилганлар учун архив ҳужжатларидан фойдаланиш илмий тадқиқот салмоғи ва аҳамиятини оширади.

Тадқиқот учун архивга мурожаат қилган талаба архив манбаларидан қандай фойдаланиш қоидаларини билиши керак. **Биринчидан**, архив ҳужжатларидан сизгача фойдаланилмаган, илмий муомалага киритилмаган манбаларни олиш керак. **Иккинчидан**, янги архив манбаларини бошқа тарихий далил, воқеа ва ҳодисалар билан солиштириш керак бўлади. **Учинчидан**, архив “денгизи”дан керакли, муҳим, аҳамиятли манбани ажрата билиш керак. Юқоридагиларнинг ҳаммаси тадқиқотчи-талабадан мавзусига яқин муаммолар бўйича маълум тарихий маълумотларни эгаллашни тақозо этади. Чунки ҳар бир архив фондида юзлаб, ҳатто айримларида минглаб катта-кичик ҳажмдаги “Иш”лар сақланади. Айнан уларнинг ичидан энг кераклисини, муҳимини, илмий муомалага киритилмаганини танлаб олишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун талаба ўз тадқиқот мавзуси ва унинг географик ҳудуди, хронологик давридан келиб чиқиб, тегишли фондларга мурожаат қилади. Бу масалада илмий раҳбари томонидан унга тадқиқот мавзуси ва режасидан келиб чиқиб, илмий маслаҳатлар беради. Архив ходимлари эса тегишли маълумотномалар, “Кўрсаткич” (“Путеводитель”)дан фойдаланиб, мавзуга оид фондларни топшига йўлланма берадилар. Шундан кейин тадқиқотчи-талаба тегишли фондлар ва рўйхатлар асосида аниқ номи кўрсатилган “Иш”нинг берилишини сўраб, белгиланган тартибда ёзма буюртма беради.

Тадқиқотчи томонидан буюртма беришдан аввал фонддаги “Иш”лар рўйхатидан қайсиларини биринчи навбатда олиш зарурлигини аниқлаб олиш керак. Чунки архивда тадқиқотчиларга буюртма асосида бериладиган “Иш”лар сони чекланган (*одатда бир кунга 10- 15 та “Иш” берилади – муаллифлар*). Шунинг учун тадқиқотчи дастлаб, мавжуд “Иш”лар рўйхати билан танишиб, уларнинг ичидан муҳим аҳамиятга молик “Иш”ларни ажратиб олиши керак. Хусусан, бунинг учун шартли равишда “энг зарур”, “зарур”, “кўриш керак” номлари билан “Иш”лар рўйхати ёзиб олинishi ва кейин буюртмани шу асосда бериб бориш керак. Бу биринчидан, “энг зарур” деб ҳисобланган “Иш”лар билан дастлаб танишиш имкониятини берса, иккинчидан, манбаларни танлаш, архив манбалари “денгизига чўкиб кетмаслик”ка шароит яратади. Бу яна ҳар гал буюртма учун “Кўрсаткич”га мурожаат қилавермасликни, аксинча тадқиқотчига “Иш”лар салмоғи камайган сари буюртмани давом эттириш имконини беради. Тадқиқотчи-талабанинг бундай тартибда ишлашининг яна

бир яхши томони шундаки, агар тадқиқотчи архив манбалари билан танишиши жараёнида танаффус қилишига тўғри келса, унда маълум бир вақтдан кейин, яна қайси “Иш”лар “зарур” деб топилганидан келиб чиқиб, буюртмани давом эттираверади.

Буюртма асосида олинган “Иш”дан қандай фойдаланиш керак? Бунинг учун “Иш”да сизгача қайси тадқиқотчилар қачон, қайси мавзу бўйича, қайси варақлардан кўчирма олганлари (*ёзма, ксеронусха – муаллифлар*) тўғрисидаги варақлар билан танишиб чиқиш керак. Бу тадқиқотчига маълум даражада “Иш”даги материаллар бўйича тушунча беради. Хусусан, бу “Иш” ҳали ҳеч бир тадқиқотчи томонидан ўрганилмаган ҳам бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида тадқиқотчини янада қизиқтириши керак. Чунки шу “Иш”дан топилган ҳужжатларни илмий муомалага киритиш билан тарих фанига маълум бир янги ҳисса қўшиш ҳам мумкин бўлар... Шунингдек, тадқиқотчи ўзидан аввалги тадқиқотчилар ўрганган ҳужжатларни ҳам кўриб чиқиши керак. Аммо бу тадқиқотчи ўзидан аввалги тадқиқотчилар фойдаланган варақларгагина мурожаат қилиши керак дегани эмас. Аксинча, “Иш”даги варақларни бирма-бир, синчковлик билан ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ ва бу ўзидан аввалги тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган материалларни ҳам ўрганишда катта аҳамиятга эга. Бундай ҳолларда тадқиқотчи ўз мавзусини ёритишда **“илк бор муомалага киритилди”**, деб қайд эта олади. Архивдаги ҳужжатларни ёзиб олиш керакми ёки ксеронусха ҳолатида олиш мақсадга мувофиқми? **Биринчидан**, ҳужжат аҳамияти ва ҳажмидан келиб чиқиши керак. Агар ҳужжат жуда аҳамиятли ва кейинчалик айнан нусхаси керак бўлса, унда ксеронусха олиш маъқул. **Иккинчидан**, архив ҳужжатларидан олинган манбалар кўп бўлса, вақтни тежаш мақсадида ҳам ксеронусха олиш мақсадга мувофиқ. Яна шунини қайд этиш лозимки, архив манбаларини ёзиб олишга тўғри келса, унда манбаларни қисқача, мазмунига путур етказмаган ҳолда, сўзма-сўз каби турларда ёзиб олиш мумкин. Архив манбаларидан ёзиб олинган кўчирмалар “Умумий дафтар”га ёки алоҳида-алоҳида варақларга қайд этилиши мумкин. “Умумий дафтар”га ёзиб олишнинг афзаллиги архив манбалари ҳар жойда эмас, бир тўпламда акс этади. Архив манбаларини алоҳида-алоҳида варақларга кўчириб ёзилиши материалларни боб ва параграфларга ажратишда, маълум бир тизим асосида йиғишда, уларни қайта ишлаб ёзишда, аҳамият қасб этади.

Тадқиқот мавзусини ёритишда бир неча фондларни ва турли архивлар фонди материалларини йиғишга, уларни қайта ишлашга тўғри келиши мумкин. Бир неча фонд ва архив материаллари билан танишиш, у ёки бу тарихий далил, воқеа ва ҳодисаларни тасдиқлаши ва ёки аксинча, инкор этиши, маълум бир аниқликлар киритилиши ҳамда воқеалар ривожини кузатиш ҳолати билан эътиборга лойик. Умуман олганда, одатда битта фонд ва рўйхатнинг ўзидангина тадқиқот учун ҳужжатлар тўла-тўқис топилмайди. Шунинг учун фондлар, рўйхатлар, архивлардан кўчирма олаётганда тадқиқотчи томонидан “Умумий дафтар”га ёки вараққа архивнинг тўла кенгайтирилган номи, фонд, рўйхат, иш номери ва варақлар орқа-олди билан қайд этилиши керак. Тадқиқотчи у ёки бу архив манбаларидан ёзма ёки ксеронусха олишдан аввал, шу “Иш”да қайси мавзуларни ўз ичига қамраб олинганини (*телеграмма*,

байнома, ёзишма каби – муаллифлар), қайси даврни қамраб олгани қайд этиб олса, бу кейинчалик тадқиқотни ёритишда керак бўлиб қолиши мумкин.

Архив манбаларидан фойдаланишда қандай тартиб ва қоидаларга риоя қилиш керак? **Биринчидан**, бошқа тадқиқотчилар томонидан илмий муомалага киритилган архив манбаларини “ўзлаштириш” мумкин эмас. Агар ўша архив манбаларидан сизнинг тадқиқотингизда фойдаланилган тақдирда, сиз архив манбаларига эмас, балки ўша тадқиқотчининг китоби, илмий иши, мақоласига иктибос бериш керак. **Иккинчидан**, архив манбаларидан кўчирмалар аслига тўла мос тушиши керак.

Архив манбаларидан ёзма кўчирмалар қайси шаклларда амалга оширилиши мумкин? Юқорида қайд этилганидек, архив манбаларидан кўчирмалар тури яъни ксероносуха, сўзма-сўз, қисқача, маъно-моҳияти йўқолмаган ҳолдаги асосда амалга оширилади. Ёзма кўчирмалар тадқиқотчидан маълум бир қоидаларга риоя қилишини такозо этади. Агар архив ҳужжатидан кўчирма тўла эмас, балки қисқа маъноси асосида бўлса, унда тадқиқотчи ҳужжат мазмунига путур етказмаган ҳолда масаланинг моҳиятини матнда ўз сўзи, талқинига биноан келтириши мумкин бўлади ва буни архив манбаларига иктибос билан асослайди. Ҳужжатдан кўчирма “сўзма-сўз” кўчирилса кўштирноқ ичида берилди ва охирида архив манбаларига иктибос берилди. Манбаларнинг бир қисмини ўз сўзи, маълум ибора, сўзлар ва гапларини эса “сўзма-сўз” кўштирноқ ичида ҳам келтириш мумкин бўлади. Ўз навбатида, бундай ҳолатларда ҳам, архив манбасига иктибос берилди. Архив манбаларидаги ҳужжатдан бир қисми, бирор жумла, сўз тушириб қолдирилса, унда уч нукта қўйилади. Аксинча, кўчирма келтириляётганда бирор сўз, жумла қўшиладиган бўлса, қисқартмаларни кенгайтириш зарурияти туғилса, унда булар квадрат кавс [] ичига олиб ёзилади. Масалан, куйидаги мисолда сўзма-сўз кўчирманинг юқорида қайд этилган шакли ўз аксини топган...

Россиянинг саноати арзон Туркистон пахтасини олишдан манфаатдор эди. Туркистон пахтаси бўлмаса, Россиянинг марказий ҳудудларида ҳам совет ҳокимияти сиёсатига ишонч йўқолиши мумкин эди. Шунинг учун Туркистон АССР МИҚ раиси В. Д. Вотинцев ва Туркистон АССР озиқ-овқат халқ комиссари А. А. Казаков 1918 йил 5 декабрида Бутунроссия МИҚига, Россия озиқ-овқат халқ комиссарлигига радиogramма юбориб, “ўлкада пахта етиштириш тугади ҳисоби... Бунга ўтган йилдан ҳозиргача давом этаётган очарчилик сабаб бўла олади. Совет ҳокимияти берк кўчага кириб қолди... Баҳорда пахта экиш амримаҳол. Бирдан-бир нажот йўли шуки, “Оренбург тиқини” очилиши билан бугдой етиштирадиган губерния ва вилоятлардан дастлаб, энг камида, 1 млн. пуд [1919 йил], апрел ойига эса 10 млн. пуддан кам бўлмаган бугдой Туркистонга юборилиши керак. Бундай заҳира бўлмаса [Туркистонда] пахта экиш бўлмайди. Чора кўришингизни сўраймиз. Акс ҳолда, шундай халқаро аҳволда Совет Россияси аҳолиси ва армияси кийим-кечаксиз қолади”², деб қайд этган.

² ЎЗР МДА, Р- 17 фонд, 1-руйхат, 192- иш, 34- варақ ва оркаси.

Шуни эътиборда саклаш керакки, талаба архив манбаларини ёзма кўчиришдан аввал, фонд, “Иш”нинг номини, рўйхат санасини, хужжатнинг сарлавҳаси (*баённома, мурожаатнома, ёзишма, телеграмма, қарор, кўрсатма хат, фармон – муаллифлар*), санасини ёзиб кўяди. Шунингдек, хужжатдаги тамга, резолюция, белги, муҳр. имзо мумкин қадар ўз жойига, рангли ручка (*қизил, яшил, қора – муаллифлар*) орқали ёзиб кўйилади. Бундай ҳолатдаги кўчирмада манбадаги резолюция, имзо, сана кабилар кўзга ташланиб, муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Архив манбасини “сўзма-сўз” кўчирган талаба юқорида келтирилгани каби (3- *мавзуга қаранг*) рангли ручка – қаламда ушбу кўчирмадаги матнга, сўзга, фикрга. санага ўз муносабатини шартли равишда “муҳим” (!), “жуда муҳим” (!!), “жуда тўғри” (!!!), “муаммоли” (?), текшириш керак” (??), “кўшилмайман” (?!). “мунозарали” (!?!), “жуда долзарб, керак” (NB) каби белги ёзувларини кўйиш орқали билдириши мумкин. Албатта, келтирилган белгилардан ташқари ҳар бир тадқиқотчининг ўз шартли белгилари ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, кўчирмага тадқиқотчи ўз белгиларидан ташқари муносабатини, фикр-мулоҳазасини, шарҳларини билдириши мумкин. Кўчирилган хужжатнинг охирида архив шифри кўрсатилади.

Архив манбаларидан фойдаланаётган тадқиқотчи-талаба мавжуд хужжат қандай аҳамиятга молик эканлигини ажрата билиши керак. Чунки архивда сакланаётган ҳамма хужжатларга ҳам бир хил муносабатда бўлиш мумкин эмас. Масалан, тегишли фондлардаги “Иш”лардан топилган қарор, шартнома билан уларнинг лойиҳа варианты ўртасида фарқ бўлиши мумкин. Яна баённома хужжати қисман мавжудми ёки бу баённома тўла-тўқис ўз аксини топганми? Мавжуд статистик маълумотлар, жадваллар тарихий ҳақиқатга қанчалик яқин? Телеграммалар, кўрсатма хатлар, тарихий воқеалар, саналар, мавжуд далиллар орқали ўз тасдиғини топиши мумкинми? Расмий мактублар ва мурожаатлар, норасмий хатлар, шикоятлар, мурожаатлар тарихий воқеалар тизимида ўз тасдиғини топганми? Буларнинг ҳаммасини тадқиқотчи-талаба тарих тарозисига сола олиши, қиёсий таҳлил қила билиши керак ва шулардан келиб чиқиб хужжатлар ўзининг тарихий талқинига эга бўлмоғи лозим. Архив манбалари қаторида фойдаланаётган хужжатлар ишончлилиги, ҳақиқат эканлигини текшириш ва шу асосда хулоса чиқариш тарихчи-тадқиқотчининг бурчи ҳисобланади. Демак, манбалар билан ишлашда энг асосий вазифалардан бири хужжатларнинг ҳақиқийлигига ва уларнинг ҳолисона талқинига эътибор қаратиш керак бўлади. Архивдаги фондлар қаторида “Хотиралар”ни ўз ичига олган “Иш”лар ҳам мавжуд. Албатта, маълум тарихий жараённи, хусусан “инқилобий воқеа”ларни, истиқлолчилик ҳаракати (“босмачилик”)ни, “маданий инқилоб” даврини, коллективлаштириш ва кулоқлаштиришни, иккинчи жаҳон уруши йилларини, “социалистик мусобақага” асосланган “жасорат”ларни, турғунлик йилларидаги “қахрамонлик”ларни ўз ичига олган хотиралар ҳам тарих саҳнасида “ўз жойини” топишга ҳақли... Бу “Хотиралар” одатда, турли иштирокчи, таниқли одамлардан воқеалар бўлаётганда эмас, балки кўп йиллар ўтгандан кейин ёзилганлиги билан ажралиб туради. Табиийки, воқеаларга баҳо беришда ўша шахснинг ўз муносабати, талқини ва маълум бир даврдаги

мафкуравий ҳолатларнинг таъсири ҳам бўлади. Боз устига “Хотиралар” айрим ноаниқликлардан ҳам холи бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам “Хотиралар”га тарихий манба сифатида ёндашилаётганда эҳтиёткорлик билан караш фойдадан холи бўлмайди. Лекин шунга қарамадан, “Хотиралар” ҳам ижобий ва салбий талқинларни ўзида акс эттирган манба сифатида аҳамиятга эга.

Архив манбаларидан фойдаланаётганда ҳужжатларда овуллар, кишлоклар, туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, республикалар номи қандай бўлса шундайлигича, яъни тадқиқотчи яшаётган даврдаги номга мослаштирмай кўрсатилиши керак. Тарихий ҳужжатларда атамалар қисқартма ҳолида берилган бўлса, изоҳ орқали ёки квадрат қавс ичида кенгайтириб берилиши керак. Шунингдек, ҳужжатлар эски ўзбек тилида ёки ўша давр, минтақа шеvasида берилган бўлса, ҳужжат асли бўйича келтирилиб, кейин тадқиқотчининг тегишли изоҳи орқали тушунтириш берилиши мумкин. Масалан, архив ҳужжатида ўз даврига оид воқеалар баёнида Скобелев шахри эслаб ўтилса, унда қавс ичида ҳозирги Фарғона дейиш билан чекланиш мумкин. Худди шундай ҳолат Полторацк шахрига тегишли бўлса, қавс ичида ҳозирги Ашхабод деб изоҳ бериш етарли бўлади. Агар ҳужжатда ТуркМИҚ деб келтирилган бўлса, Турк[истон] МИҚ деб келтирилиши мумкин.

Тарихчи-тадқиқотчи архив манбаларидан фойдаланиш жараёнида маълум бир қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Хусусан, эски манбалар узук-юлук бўлиши, ёзувларни ўқиш қийинлиги ва бошқалар. Бунинг учун талаба, қайси давр архив манбаларига мурожаат қилаётганидан келиб чиқиб, ёзувларни қатталаштириб кўрсатадиган махсус асбоб (лупа)лардан ҳам фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, талаба архив манбаларини ўрганиш жараёнида “гайёр” материални топа олиши қийин. Шундай ҳоллар бўладики, тадқиқотчи-талаба ихтиёридаги архив манбаларини “ўрганиш-титкилаш” кунларни, ойларни ва ҳатто йилларни ўз ичига олади. Бундай илмий “азоб”дан афсусланмасдан, ҳузур қила билиш ҳиссиётини шакллантириш ҳар бир тадқиқотчи учун муҳим аҳамиятга эга. Илмни игна билан қудук қазишга қийинчиликлари бежиз эмас. Тарихчи-тадқиқотчи сабр-тоқатли бўлиши, доимо изланишда давом этиши лозим.

Умуман олганда, тадқиқотчи томонидан мавзунини ёритишда архив манбаларидан фойдаланиш ҳам шарафли ва шу билан бирга масъулиятли, машаққатли иш ҳисобланади. Архив манбаларига мурожаат қилган тадқиқотчи-талабадан илмий мушоҳада, мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, чет тилини (*ҳеч бўлмаса рус тилини – муаллифлар*) билиш, эски ўзбек ёзувини ўқий ва тушуна олиш, қатта сабр-тоқатга эга бўлиш каби ҳислатлар кутиб қолинади.

Даврий матбуот материалларидан фойдаланиш. Тадқиқот олиб боришда даврий матбуот яъни газета ва журналлар муҳим аҳамият касб этади. Даврий матбуот материалларидан илмий адабиётлар, эълон қилинган манбалар қатори тарих бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда ҳам кўп фойдаланилади. Даврий матбуот материаллари ўз хусусиятига кўра тарих соҳасидаги тадқиқотчилар учун ишончли, бой ва айна пайтда машаққатли меҳнат талаб қиладиган манбалардан бири ҳисобланади. Чунки даврий матбуотда ёритилган

материалларнинг ўз вақтида газета ва журналларда босилиб чиқиши жуда киска вақтни ўз ичига олган бўлади. Бу эса ўша тарихий материални “силлиқлаш”га, таҳрир қилишга улгуриб-улгурмасдан, образли қилиб айтганда, тарихий материал “тандирдан узилган нондек, совиб-совимасдан” ўқувчи ихтиёрига ҳавола этилган. Бу материаллар даврий матбуотда муҳим давлат ҳужжатлари, фармон ва қарорлар, давлат арбоблари нутқлари, турли анжуман, қурултойдаги нутқлар, қўрилган асосий масалалар, мамлакат ва жаҳондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол, фан, маориф, хотин-қизлар, маданият соҳасидаги ютуқ ва камчиликларни ўз ичига олган мақолалар ҳамда ахборотларни ўз ичига олган бўлади.

Тарих соҳасидаги илмий ишларда даврий матбуот материаллардан фойдаланиш учун талаба танлаган мавзу, даврий чегара, географик ҳудуд катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Агар тадқиқот мавзуси ўлканинг XIX аср ўрталаригача бўлган даврини қамраб олган бўлса, унда даврий матбуотга мурожаат қилиш деган масала кун тартибига қўйилмайди. Чунки Туркистонда дастлабки газета 1867 йили дунё юзини кўрган бўлса, илк журналлар (*рус ва ўзбек тилларида - муаллифлар*) XIX аср охири – XX аср бошларидан чоп этила бошланган. Демак, мавзу ва давр тадқиқотда даврий матбуотдан фойдаланишга имкон бермайди. Агар мавзу Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги муносабатларнинг XX аср 80-90 йилларини ўз ичига олган бўлса, унда географик ҳудуд даврий матбуотнинг Ўзбекистонда чоп этиладиган қисмини ўрганишга имкон яратган ҳолда, Хитойда чоп этилган даврий матбуот материалларини ўрганишда маълум бир қийинчиликлар туғдиради.

Тадқиқотда даврий матбуот материалларидан фойдаланиш самарадорлиги мавзу ва унинг даврий чегарасига кўпроқ боғлиқ ҳисобланади. Даврий матбуот материаллари, айниқса XIX аср охири – XX аср биринчи чорагига оид Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида чиққан матбуот манбалари хилма-хиллиги, у ёки бу воқеаларга ҳар хил, баъзан зиддиятли қарашлари билан ажралиб туради. Бундай ҳолат сабабларидан бири даврий матбуотни турли тилларда, ёзувда (*эски ўзбек ёзуви – араб имлосида – муаллифлар*) ва шунингдек, рус тилида чоп этилган бўлса, иккинчиси воқеа-ҳодисаларга большевиклар ҳамда маҳаллий зиёлилар нуқтаи назарларидан баҳо берилишида деб ҳисоблаш мумкин. Айни пайтда Ўрта Осиёдаги воқеа-ҳодисаларга “марказий” газета –журналлардаги муносабат ҳам ўлкада чоп этилаётган маҳаллий тиллар ва рус тилидаги газета-журналлар материалларидан фарқ қилиши мумкин.

Тадқиқотчи-талаба тегишли тадқиқот мавзусини ёритишга киришар экан, илмий иши учун олаётган даврий матбуот материаллари қайси руҳда, қандай гоёвий қурашлар кетаётган пайтда ёзилганини аниқ тасаввур қила олиши ва мавжуд маълумотларга шундан келиб чиқиб танқидий ёндаша билиши керак.

Совет ҳокимияти йилларида Ўрта Осиё республикаларида, собиқ СССРдаги каби, жуда кўплаб газета ва журналлар, журнал типидagi нашрлар чиқарилган. Аммо совет ҳокимияти йилларида чоп этилган даврий матбуот материалларига қайси йилларга оидлигига қараб ёндашиш, газета ва журналлар асосан қайси йўналиш бўйича масалани ёритишни ўз олдига мақсад қилиб

кўйганини аниқлаб олиш керак. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин чоп этилаётган газета-журналлардаги материаллар ҳам тадқиқотчи томонидан синчковлик билан ўрганилиши, таҳлил қилиниши керак. Чунки истиклол йилларида Ўзбекистонда чиқаётган газета ва журналлар тури жуда кўп. Аммо ана шу кўп сонли даврий матбуот материалларининг ҳаммасидан ҳам тарих бўйича тадқиқотда “охирги хақиқий манба” тариқасида фойдаланиш мумкин эмас. Тарих бўйича тадқиқот учун зарур ҳолларда, хусусан мавзу ёритилишидан келиб чиқиб, маҳаллий, яъни туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги газета-журналлардаги манбаларга мурожаат қилиш мумкин. Аммо мумкин қадар, тарих бўйича тадқиқот учун марказий газета-журналлар материалларига асос сифатида ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: “Туркистонда таълим тизими: муаммо ва ечимлар (XIX аср охири – XX аср биринчи чораги)” мавзусидаги тадқиқотни битирув малакавий иши, магистрик диссертацияси в. б. тарзида ёритиш учун архив манбаларидан ташқари даврий матбуот материалларига ҳам мурожаат қилишга тўғри келади. Хусусан, “Туркистон вилоятининг газети”, “Туркестанские ведомости”, “Тараққий”, “Улуг Туркистон”, “Иштирокиюн”, “Ойна”, “Известия ТуркЦИК” в.б. газета-журналлар.

Агар мавзу “Ўзбекистон ва Россия муносабатлари (1991- 2000 йй.)” бўлса, унда “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози” (“Совет Ўзбекистони”), “Қишлоқ хақиқати”, “Туркистон” (“Ёш ленинчи”), “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Голос Узбекистана” (“Правда Востока”), “Известия”, “Комсомольская правда”, “Ижтимоий фан”, “Огонёк” каби газета-журналлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Эътибор берилса, айрим юқорида қайд этилган газеталарнинг мустақиллик йилларидаги янги номи ҳамда совет ҳокимияти йилларида “марказ”дан чиққан газеталар эски номи келтирилган. Демак, тадқиқотда даврий матбуот материалларини қиёсий таҳлил қилиш, воқеаларни зиддиятли ва муваффақиятли ривожини ўрганиш имконияти бўлади.

Даврий матбуот материалларидан тадқиқотда фойдаланиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Тадқиқотчи даврий матбуот материалларидан фойдаланишда нималарга эътибор қаратмоғи керак? Газета нашри, қайси йилдан нашр этилаётгани, қайси органга тегишли эканлиги эътибордан четда қолмаслиги керак. Тадқиқотчи–талаба яна газета материаллари мавзуси, уларни жойлаштирилиши, даврий рукнлар остидаги материаллар, махсус бўлимларга эътибор бериши лозим. Шунда кўп сонли газеталар ва уларнинг хилма-хиллигига қарамадан, тадқиқотга оид материални топиш маълум даражада тезлашади. Журналлардаги материаллар мундарижаларда ҳамда одатда журналнинг сўнгги сонидан мақолалар рўйхатида эълон қилинади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот учун керакли материалларни топиб олиш анчагина осонлашади.

Даврий матбуот материалларидан тадқиқотга қўчирма олаётганда нималарга эътибор бериш керак? **Биринчидан**, материал бош мақолами ёки кичкина бир мақола, ахборот сифатида эълон қилинганми? **Иккинчидан**, мақолада кўтарилган масалалар муаммоли характерга эгами? Мавзунини ёритишда қандай аҳамият касб этади? **Учинчидан**, мақола муаллифи ким ва бу материал илмий аҳамиятга эгами? Шуни алоҳида қайд этиш керакки, айрим ҳолларда, даврий

матбуотдаги мақолаларда муаллифлар номи ёзилмаган ёки мақола муаллифлари исми шарифининг бош ҳарфлари ёхуд тахаллуслари қайд этилган ҳолос. Юқорида қайд этилган омилларга эътибор бериш илмий тадқиқот мазмунини ёритишда аскотиб қолиши мумкин. Шунингдек, даврий матбуотдаги расмий ҳужжатлар, яъни Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси материаллари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари, қарорлари, стенографик ҳисоботлар, анжуман, қурултой материаллари, баённомалар ва бошқа ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Даврий матбуот материаллари яна шуниси билан аҳамиятга эгаки, матбуотда эълон қилинган материалларни архив манбаларидан топиш имконияти йўқ бўлиши мумкин ёки мавжуд материаллар ҳали архивда ўз “жойини эгаллашга” улгурмаганлигидадир. Бу эса ўз навбатида даврий матбуот материалларининг тадқиқотлар учун муҳим манбага айланишига асос бўлади.

Тадқиқотда музей манбалари. Илмий тадқиқотларда ёзма манбалар, архив ҳужжатлари, кутубхоналардаги қўлёзмалар, қимматли адабиётлар қатори музей материаллари – ўлкашунослик манбалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки музейларда, айниқса ўлка тарихини акс эттирувчи кўргазма ва фондларда, юртимиз тарихи билан боғлиқ, илмий тадқиқотга асос бўлиб хизмат қиладиган моддий-маданий ёдгорликлар, этнографик материаллар, топономика материаллари, тарихий-жанговар (“инкилобий”) ёдгорликлар, тарихий шахслар тўғрисидаги маълумотлар, даврий матбуот материаллари мавжуд. Музей материалларини нафақат республика, вилоят миқёсида, балки айрим йўналишларда, хусусан маҳаллий ёки тарих, адабиёт, таълим, ҳарбий–қуруллой кучлар, медицина, фан–техника, маданият, қишлоқ хўжалиги, мемориал, мактаб-музей каби турлари ҳам бўлади.

Мавзудан келиб чиқиб, тадқиқотчи музей материалларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Музейларда сақланадиган моддий-маданий ёдгорликлар, ёзма манбалар, фотоҳужжатлар тегишли бўлимларда, уларнинг жамғармаларида, кўргазмаларида ўз аксини топган. Тарихчи-тадқиқотчи учун нафақат марказий музейлардаги манбалар, балки жойлардаги, маҳаллий миқёсдаги музей материаллари ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, кўпинча марказий музейлардаги тарихий манбалар тадқиқотчилар томонидан илмий муомалага киритилган, тегишли тарзда ҳужжатли тўплам ва тарихий тадқиқотларда ўз аксини топишга улгурган бўлади. Аксинча, баъзи ҳолларда, маҳаллий миқёсдаги музей материалларини илмий муомалага киритишга тадқиқотчилар “қўли” етиб бормаган бўлади. Илмий тадқиқотчилар учун манбалардан фойдаланиш қиммати, одатда уларни марказий ёки маҳаллий миқёсдаги музей материалларининг қайси биридан фойдаланганлигига қараб баҳоланмайди. Фойдаланаётган манбалар қиймати унинг асосли ва тарихий аҳамиятидан келиб чиқиб белгиланади.

Музейдаги моддий-маданий ёдгорликлар, хусусан одам ва ҳайвонларни қоятошга ўйиб солинган суратлари, қадимги қабрларга қўйилган ёдгорлик тошлари ва улардаги ёзувлар, қўлёзма манбалари, тошбосма манбалари, қалъа, қишлоқ, девор, қаср, шаҳар ва манзилгоҳларнинг қолдиқлари, ёзма ҳужжатлар,

паракалар, мурожаатномалар, хунармандчилик асбоблари, кийим-кечаклар, уй-рўзгор буюмлари, курул-яроғлар, зеб-зийнат ашёлари, қадимги ирригация иншоот (*ариқ, канал, сув омбори, сув айирғич – муаллифлар*)ларнинг қолдиқлари, қадимий меъморчилик ёдгорликлари (*масжид, мадраса, хонақоҳ – муаллифлар*). нумизматикага оид материаллар, топонимикага тааллуқли материаллар, турли даврларга оид фотохужжатлар, тарихий мавзуга доир даврий матбуот материаллари ва чоп этилган китоблар асосий манба ҳисобланади.

Библиография тузиш. Тадқиқотчи учун библиография устида ишлаш жараёни мавзу танланаётган даврдаёқ бошланади. Талаба танлаган тадқиқот мавзуси қай даражада адабиёт ва манбалар билан таъминланганлигини аниқлашга киришади. Бу жараён узок давом этади. Чунки тадқиқот ёритишдан аввал бошланган бу иш кейинчалик, яъни мавзуни ёритиш жараёнида ҳам давом этаверади. Ҳеч бир тадқиқотчи танлаган мавзусини ёритишга киришмасдан аввал ҳамма адабиёт ва манбаларни йиғиб бўлдим дея олмайди. Мавзуни ёритишга киришган тадқиқотчи – талаба ўз илмий ишининг ҳар бир бўғини, параграфида яна қўшимча адабиётлар, манбалар устида ишлаш зарурлигига ишончи қомил бўлиб боради. Агар тадқиқотчи ўз мавзусини тўла ёритгунга қадар ҳам манба ва адабиётлар устида иш олиб бораверади, дейилса муболаға бўлмайди.

Ўзбекистонда собиқ иттифок даврида ва мустақиллик йилларида жуда кўп миқдорда адабиёт, шу жумладан тарихга оид адабиётлар нашр этилган ҳамда бу жараён ҳозиргача қадар давом этмоқда. Бу жараён айниқса мустақиллик йилларида янада ривожланиб, юртимиз тарихини ва ундаги “оқ доғлар”ни халққа етказиш иштиёқи билан кучайиб бормоқда. Миллий қадриятларимизни тиклаш, юртимиз тарихини янада чуқурроқ ўрганиш, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган, халқимиз шаъни, химоясида тура олган, фан, адабиёт, санъат соҳасидаги ўз истеъдоди билан юртимиз обрўсини дунёга кўз-кўз қила олган алломаларимиз фаолиятини чуқурроқ ўрганиш ва бундан керакли сабоқлар чиқариш учун тарихга бўлган кизиқиш ортиб бормоқда. Тарихни тилга киритишга интилувчилар нафақат тарихчилар, балки ёзувчилар, файласуфлар ва бошқа зиёлилар томонидан ҳам баҳоли қудрат амалга оширилмоқда. Мана шундай чоп этилган кўплаб китоблар ичидан энг кераклигини, яъни ўз илмий асосига, манбаларга суянган ҳолда ёзилганларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки тарихий воқеа ва ҳодисаларни, далилларни манбавий асоссиз, илмийликдан йироқ, эхтиросга ботиб талқин қилиш орқали ёзилган “асарлар” ўқилиши осон, аммо умри қисқа бўлади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи – талаба тарихга оид ҳар бир адабиёт билан танишар экан, шу асар қандай манбаларга, адабиётларга асосланиб ёзилгани, тарихни талқин қилаётган муаллифнинг ўзи қанчалик тарихга “яқинлигини” ҳисобга олиш керак.

Мавзу бўйича тадқиқотга қўл урган талаба учун энг муҳим ёрдамчи кутубхона (ахборот ресурс марказлари) ҳисобланади. Албатта, ҳар қандай тарихга оид тадқиқотда талаба кутубхонадан, музей, архив, манбаларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши керак. Кутубхоналарда адабиётларнинг (систематик) ва алифбо каталоглари мавжуд. Каталоглар билан ишлашда қийинчиликлар бўлса кутубхона ходимидан маслаҳат сўраш мумкин. Библиография тузиш узок

ва оғир жараён ҳисобланади. Қандай манбалар библиография тузишда ёрдам бериши мумкин? Бунинг учун тадқиқотчи қайси давр билан боғлиқ мавзунини ёритиши кераклиги, мавзуга оид адабиётлар собиқ иттифок даврида кўп чоп этилганми ёки истиклол замонидами ва шунингдек, мавзуга оид адабиётлар қайси тилларда кўпроқ чоп этилган бўлиши мумкин, деган саволларга тахминий жавоб топа олиши керак. Чунки собиқ иттифок даврига оид адабиётларнинг аксарияти рус тилида нашр этилган. Ҳатто Ўзбек тарихчиларининг аксарияти илмий ишлари ҳам рус тилида чоп этилган. Бундай ҳолда совет даврида ҳар ҳафта чиққан “Книжная летопись”га мурожаат қилиш керак. Ундан нашр этилган сиёсий адабиётлар, илмий оммабоп китоблар, рисоалар, илмий тадқиқотлар, дарслик ва услубий қўлланмалар, энциклопедиялар, маълумотномалар ва бадиий адабиётлар тўғрисида маълумот олиш мумкин. Шунингдек, ҳар ҳафта чиқадиган “Летопись журнальных статей”да қайси журналларда қандай мақолалар рус тилида чоп этилгани тўғрисида, “Летопись газетных статей”да ҳам ҳар ҳафта давомида марказий (*иттифок миқёсидаги – муаллифлар*) ҳамда иттифокдош республикаларда рус тилидаги чиқадиган газеталарда чоп этилган мақолалар, ҳужжатли материалларни, ҳар ойда рус тилида чоп этиладиган “Летопись рецензий”дан эса тақризлар, танқидий мақолалар ўрин олиб, унда собиқ иттифокда рус тилида чоп этилган асарлар таҳлили бўйича материаллар берилди. Юқорида қайд этилган “Летопись...”лар тадқиқотчи- талаба учун маълум бир қийинчиликлар тугдиради, чунки бунда маълум бир вақтда чоп этилган адабиётларгина ҳисобга олинган ҳолос. Аммо ҳар ҳафта чоп этиладиган “Книжное обозрение” газетасидан “Янги: ҳафтанинг дастлабки (сигнальный) нусхалари” рукни остида марказий ва маҳаллий нашриётларда ҳафта давомида чоп этилган китоблар рўйхати ўрин олган. “Книжная летопись” материаллари асосида “Ежегодник СССР” тўплами тузилган.

Мавзуга оид библиография тузишда чоп этилган китоблардаги фойдаланган адабиётлар рўйхати, илмий тадқиқотларда келтирилган иқтибослар, мақолалар, илмий тўпламлардаги адабиётлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Библиография тузишда Ўзбекистон Республикаси давлат Китоб палатаси томонидан чиқарилган қўлланмалар ҳам роль ўйнайди. Ушбу қўлланмаларда республикада чиққан адабиётлар ва мақолалар кўрсатилган. Шунингдек, “Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси” кўрсаткичининг кўплаб жилдларида совет ҳокимияти йилларида чоп этилган китоблар номи қайд этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон тарихига оид махсус библиографик қўлланмалар ҳам мавжуд. Хусусан, тарихнинг барча асосий муаммолари юзасидан тавсия этиладиган тарихий адабиётларнинг библиографик рўйхатлари эълон қилинган. Буларни кутубхоналарнинг библиография бўлимларига мурожаат қилиб топиш мумкин.

Тадқиқотчилар учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистоннинг қадимги замондан бошлаб, XX аср 60-йиллари охиригача бўлган тарихи бўйича “История Узбекистана. Ч. I, II. Указатель Советской литературы” (*тегишли қисмлари 1967, 1969 йй. Тошкентда нашр этилган – муаллифлар*) китоби муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, 1953 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда чоп этилган адабиётларнинг йиллик

библиографик кўрсаткичлари эълон қилина бошлаган. Шунингдек, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналида Ўзбекистон тарихи бўйича чиққан адабиётларнинг йиллик рўйхати эълон қилиб борилади.

Библиография тузаётган тадқиқотчи-талаба Ўзбекистонда чиқаётган “Ўзбекистон тарихи”, “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” каби журналларни ҳам кўриб чиқса фойдалан холи бўлмайди. Чунки юқорида номи қайд этилган журналлардаги ҳам илмий мақолалар Ватанимиз, жаҳон тарихига оид тегишли мавзуларни ёритишда ёрдам бериши мумкин. Бундан ташқари тадқиқотчи-талаба, ўз мавзусига оид библиография тузишда нашриётларнинг йиллик режалари бўйича чоп этилган рисодалар рўйхати билан китоб дўконлари орқали ҳам танишиши мумкин.

Умуман олганда, юқорида қайд этиб ўтилган асосий библиография тадқиқотчи-талабага танлаган мавзуси бўйича адабиётлар рўйхатини тузиб, уларни тадқиқот режасига мослаб, маълум тизимга ажратиб ўрганиб чиқишда катта ёрдам беради. Айни пайтда, адабиётлар ва манбаларни ўрганишни мустақиллик даврида эълон қилинган тарихий асарлар ва манбалардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Чунки мустақиллик йилларида чоп этилган илмий адабиётлар ўзининг мафкуравий тазйиклардан холи ёзилгани, тарихни ёритишга ҳолисона ёндашилгани билан ажралиб туради ва шундан келиб чиққан ҳолда тарихий юкеа ва ҳодисаларни, далилларни тўғри баҳолашга ундайди. Ўз навбатида бошқа даврларда чоп этилган илмий адабиётлар ҳам ўз кадр-қимматиغا эга. Аммо бу адабиётларга маълум даражада танқидий ёндашиш фойдалан холи бўлмайди.

Библиографияни тузиш кутубхоналардаги каталоглар шаклида бўлгани мақсадга мувофиқ. Бу шакл шуниси билан аҳамиятга молиқки, карточкадан амалий ва назарий йўналишини классификация қилиш, турли бўғинларда фойдаланиш ва ҳатто илмий ишнинг кириш, боблари, хулосасида ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Тадқиқотларда кутубхона фондидан фойдаланиш. Ҳар бир тадқиқотчи учун кутубхона катта аҳамиятга эга. Ҳар бир зиёли учун китобни севиш ва ундан унумли фойдаланиш, озуқа олиш – ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолиши керак. Илмий тадқиқот билан шуғулланувчилар учун кутубхона материалларидан фойдаланиш олиб борилаётган илмий ишнинг муваффақияти учун муҳим аҳамият касб этади.

Илмий тадқиқот билан шуғулланувчи тарихчилар ихтиёрида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонаси ва унинг филиаллари, вилоят, шаҳар, туманлардаги кутубхоналар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидаги ахборот ресурс марказлари мавжуд бўлиб, улардан белгиланган тартиб-қоидалар асосида фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида кутубхоналарнинг оммавий, илмий ва махсус турлари мавжуд. Илмий ва махсус кутубхоналар фан, иктисодиёт ва маданиятнинг турли тармоқларидаги тадқиқотчиларга, мутахассис олимларга хизмат кўрсатади. Тарихчи-тадқиқотчилар учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондидаги китоблар, диссертациялар, авторефератлар ва

шу кутубхона қошидаги “Нодир китоблар ва қўлёзмалар”, “Хорижий адабиётлар” бўлимларида сақланаётган тарихий материаллар муҳим аҳамиятга эга. Албатта, дастлабки тадқиқотлар асосан олий ўқув юрти АРМлари билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Илмий тадқиқотларда кутубхонадаги китоблар фондини тўғри ташкил қилинганлиги, хусусан китобларни рўйхатга олиш, жойлаштириш, сақлаш ва китобхон-тадқиқотчига, мумкин қадар тезроқ, етказишдаги ҳолатлар аҳамиятга моликдир. Тадқиқотчига кутубхонада хизмат кўрсатишнинг бугунги кунда икки шакли мавжуд: абонемент ва қироатхона. Айрим кутубхоналарда адабиётлар танлаш ва буюртма бериш жараёнида махсус маслаҳатчи (консультант)лар ҳам ёрдам бериши мумкин. Аммо ҳар бир тадқиқотчи кутубхонада илмий тадқиқотига зарур бўлган адабиётлар, диссертациялар, авторефератлар, даврий матбуот материалларини ўзи излаб топиши ва энг зарур деб ҳисоблаганларига буюртма бериши керак. Бунинг учун тадқиқотчилар кутубхона тизими билан яхши таниш бўлишлари лозим.

Кутубхона каталоги фонддаги мавжуд китоблар, ҳужжатларнинг таркиби ва мазмунини очиқ берувчи библиографик ёзувлар рўйхатини ташкил этади. Каталоглар кутубхона фондидаги адабиётлар тўғрисида ҳамда уни танлашда ёрдам кўрсатишга қаратилган бўлади. Кутубхона каталоги тадқиқотчилар учун карточкали, компьютер ёзувлари шаклларида ва электрон дисклар ёки китоб холида сақланади. Кутубхона каталогининг **карточкали** шаклида адабиётлар муаллифининг фамилияси, исми-шарифи, китобнинг номи, китоб ҳақида тушунча, нашриёт номи, чиққан йили, қаерда нашр этилгани, неча бетни ўз ичига олиши қайд этилади. Тадқиқотчи китоб номи ва бу китоб ҳақида тушунча, орқали маълум даражада, илмий изланиш мавзусини ёритишда фойдаланиши мумкин ёки мумкин эмаслигидан келиб чиқиб буюртма беради. **Компьютер ёзуви ва электрон дисклар** шаклидан ҳам шу аснода фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотчилар учун кутубхонадаги материалларни ўз илмий тадқиқотида фойдаланиш тартиби қуйидаги йўналишлар орқали амалга оширилиши мумкин:

1. Алфавитли каталог. Қачонки, карточкалар муаллифлар фамилияси (исми-шарифи), китоблар сарлавҳаси (*китоб муаллифи кўрсатилмаган бўлса - муаллифлар*), муаллифлар жамоаси қайд этилмаган, аммо китоб сарлавҳаси бўлса, унда алфавит бўйича кетма-кетликда келтирилади. Тадқиқотчи алфавит каталоги орқали ўзи истаётган китоб борлиги ёки йўқлигини, у ёки бу муаллифга тааллуқли қайси китоблар кутубхонада мавжудлиги, айрим китоблар (тўпламлар)нинг қайси жилдлари, нашрлари кутубхона фондида сақланаётганини аниқлайдилар. Ўз навбатида алфавит каталоги қуйидаги турларга бўлинади:

- а) Ўзбек тили (қрилл алифбоси)даги адабиётлар;
- б) Ўзбек тили (лотин алифбоси)даги адабиётлар;
- в) рус тилидаги адабиётлар;
- г) хорижий адабиётлар (алоҳида тарзда инглиз, немис, француз, араб, турк, хитой в. б.).

2. Тизим (система)ли каталог бўйича тадқиқотчи учун муаллиф номаълум бўлиб, унинг мавзуси аниқ бўлса, қидириш оsonлашади. Тизимли каталогда асарлар мазмунига қараб фан тармоқлари бўйича гуруҳланади: унда китоб-

лар мантиқий бўлиниш тартибида яъни илмий фанлар, бўлимлар, бўлинмалар ва ҳ. к. бўйича жойлаштирилади. Бу тизим орқали тадқиқотчи ўзини қизиқтирган адабиётларни мавзу бўйича тўплашга, саралашга муваффақ бўлади.

3. Предметли каталогда тадқиқотчи воқеа-ходисалар, тушунчаларни соҳалар бўйича эмас, балки алфавит тартибида жойлаштирилиши, материалларнинг алоҳида гуруҳланиши орқали излайди. Тадқиқотчи предметли каталогдан фойдаланиб, долзарб, тарихий муаммоларни тезда ёритишга ва улардан фойдаланишга имкон топади.

4. Даврий матбуот каталоги орқали тадқиқотчи мавзу хронологик даврига оид газета-журналлар, уларнинг номи, чиққан йиллари, қайси орган нашри эканлиги, қайси йил, ой, кунлардаги сонлари мавжудлиги бўйича, айрим мақолалар тўғрисида маълумотларга эга бўлади.

Илмий тадқиқот юзасидан кутубхонадаги илмий адабиётлар, автореферат, диссертация, даврий матбуот материалларига мурожаат қилиш тадқиқотчи дунёқароши, илмий мушоҳадасини кенгайтиради. Мавжуд адабиётларга, тарихий тадқиқотларга синчковлик билан ёндашишга ундайди. Кутубхона материалларидан фойдаланаётган тадқиқотчи мавжуд китоблар, қўлёзмалар, диссертациялар, газета-журналлар нафақат ўзига, бундан кейин ҳам илмий тадқиқотчи-лар учун зарур эканлигини унутмасликлари, йиртмасликлари, уларга чизмасликлари даркор. Зарур ҳолларда кутубхона фондига тегишли манбалардан, белгиланган тартибда, ксеронусха, фотонусха ёки кўчирма олиш мумкин.

Таянч сўзлар

Тарихий манба, ёзма манбалар, моддий ёдгорликлар, этнографик материаллар, лингвистик ёдгорликлар, кинофотоҳужжатлар, палеография, археография, тарихий география, генеология, нумизматика, хронология, метрология, архив, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, “Кўрсаткич” (“Путеводитель”), архив фондлари, шартли белгилар.

Назорат саволлари

1. Тадқиқотда тарихий манбаларнинг шартли нечта гуруҳи мавжуд?
2. Манбаларни қиссий-тарихий таҳлил қилиш деганда нимани тушунасиш?
3. Тадқиқотда ёрдамчи тарих фанлари қандай ўринга эга?
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Тадқиқотда архив материалларининг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапириб беринг?
6. Архив манбаларини “тилга киритиш” жараёни ва усуллари ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
7. Даврий матбуот материаллари тадқиқотда қандай аҳамият касб этади?
8. Кутубхона фондидан фойдаланиш ҳақида қандай тушунчага эгасиз?

Мавзу юзасидан тестлар

1. Тарихий манбалар шартли равишда нечта гуруҳга бўлинади?
а) 4 та в) 5 та с) 6 та д) 7 та

2. Лотинчадан таржима қилинганда архив сўзи қандай маънони англатади?
- а) ҳужжатларни сақлаш
 - в) эски қўлёзмалар
 - с) муассаса
 - д) мустаҳкам уй
3. Ҳозирги кунда республикамизда неча давлат архивлари мавжуд?
- а) 82 та
 - в) 85 та
 - с) 90 та
 - д) 92 та
4. Тадқиқотда келтириладиган қўчирмада квадрат қавс [] қандай аҳамият касб этади?
- а) гапни гапга улайди
 - в) келтириладиган қўчирмани маъно жиҳатидан тўлдиради
 - с) тадқиқотчининг фикри шу ерда акс этади
 - д) ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас
5. Тадқиқотчилар учун кутубхонадаги материалларни ўз илмий тадқиқотида фойдаланиш қандай йўналишлар орқали амалга оширилиши мумкин?
- а) алфавитли ва тизимли каталог
 - в) предметли ва даврий матбуот каталоги
 - с) бадиий, илмий, техникавий, астрономик, кимёвий
 - д) а, в

9- МАВЗУ: ТАДҚИҚОТЛАРДА ИЛМИЙ АППАРАТНИНГ РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ

РЕЖА

1. Манба ва материаллардан иктибос келтириш тартиблари.
2. Тадқиқотни илмий расмийлаштириш (жадвал, иллюстрация ва илова).
3. Фойдаланган манба ва адабиётлар рўяхатини тўғри тузиш тартиби.

Манба ва материаллардан иктибос келтириш тартиблари. Илмий тадқиқотларда келтириладиган иктибосларда *Қаранг*: *Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг* каби изоҳлардан ҳам фойдаланилади. Тадқиқотчи томонидан қайси ҳолларда *Қаранг*: деб, кейин асар муаллифи исми шарифининг бош ҳарфлари (*китобнинг номи – муаллифлар*) келтирилади? Агар тадқиқотчи томонидан у ёки бу адабиётдан келтириляётган цитата архив манбаларига таянган ҳолда ёки ўша адабиёт муаллифининг ҳеч қандай иктибосга асосланмаган китоб матнидаги мулоҳазаси бўлса, унда тўғридан-тўғри ўша муаллифга ёки тегишли адабиётга иктибос бериш мумкин. Аммо у ёки бу адабиёт, муаллиф асаридан келтириляётган цитата қандай шаклда (“*сўзма-сўз*”, “*қисқартма сўзма-сўз*”, “*мазмун*” – *муаллифлар*) бўлишидан қатъий назар, бошқа бир адабиётдан, муаллиф асаридан келтирилган тақдирда *Қаранг* деб, кейин адабиёт ёки муаллиф фамилияси, исми-шарифи бош ҳарфи орқали асарни келтирилади³. Таъкидлаш жоизки, *Қаранг* орқали келтириладиган иктибос изоҳи нафақат китобларга, балки газета-журналларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Нега шундай? Чунки тадқиқотингизда келтириляётган цитата сиз фойдаланаётган адабиёт, муаллиф асарида ўз иктибосига эга. Бошқачароқ айтганда, сиз цитатадан яна цитата келтиряпсиз. Аниқроғи ўша адабиётдан бевосита эмас, балки билвосита фойдаланяпсиз. Масалан, *Туркистонда йирик ва майда шохли ҳайвонлар сони қисқариб кетиб, 1920 йилда 6880 минг бошни ташкил қиларди, ҳолос. Бу 1913 йилга нисбатан 3/2 қисмга қисқариб кетганидан далолат берарди. Агар Еттисув вилоятида 1917 йили 7568511 бош ҳайвон бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1920 йилга келганда 2850187 бошга тушиб қолган эди. Бундай қисқариш Каспийорти вилоятида умумий соннинг ярмидан кўпрогини ташкил қиларди*⁴ деб келтирилган иктибосда *Қаранг* деб ёзилади. Негаки, Х. Ш. Иноятовнинг ўзи келтирган китобда юкоридаги фикр-мулоҳаза, тарихий далилларни бошқа бир муаллифнинг асаридан олган. Айни пайтда ўша асарни кўрмаган тадқиқотчи *Қаранг* деб, Х. Ш. Иноятов китобига иктибос бериши керак бўлади. Иктибосда *Қаранг* деб архив манбаларига ҳам таяниш мумкин. Масалан, Туркистон аҳолисига қилинган мурожаатда “Очарчилик кулфати шунчалик чуқур илдиз отганки, давлат томонидан кўрсатиляётган очларга ёрдам чоралари фақат қисмангина муаммо ечимини юмшатиши мумкин. Шунинг учун ҳам давлат ... очарчилик худуди аҳолисини вақтинча ... озик-овкат масаласи бўйича

³ Қаранг: *Летопись борбы и свершений. Книга 1, 1883-1937.* – Казань: Таткиногиздат, 1985. – С. 188-189.

⁴ Қаранг: Иноятов Х. Ш. *Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции.* – М. Мысль, 1984. – С. 297.

анча-мунча имкониятга эга бўлган Украина, Сибирь ва Туркистонга кўчириш лозим деб ҳисоблайди. ... Туркистонга келаётганларни қардошларча очик чехра билан кутиб олиш бурчимиз ... уларга ўз уйимиз, жамоат ва давлат ҳўжаликлари ҳамда ташкилотлари томонидан озиқ-овқат, кийим-кечак, яшашга жой ажратиш керак. Туркистон МИҚ ва ХКК келаётган очларга ёрдам масаласида ... ҳамма имконият ва маблағларни ишга солишни талаб қилади. Туркистон халқлари бу буюк фалокатни бартараф этишда ҳамдардлик билдирибгина қолмасдан, балки ... ёрдам учун моддий ва пул маблағларини ҳам аямайдилар ...”⁵ дейлади, деб тугатилган цитата архив маълумотига тегишли ҳисобланади. Цитата сўзма-сўз келтирилганлиги учун дастлаб бевосита олинган манбага иқтибос берилади. Айнан шу мурожаат Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг Р- 17 фонди, 1- рўйхатидаги бошқа иш-жамғармаларда ва Р- 25 фондда ҳам мавжудлиги сабабли *Қаранг* тегишли тарзда, асосланган ҳолда келтирилади (*архивларга иқтибослар қондасига қаранг – муаллифлар*).

Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг ибораси қайси ҳолларда қўлланилади? Масалан, тадқиқотда: “Мустамлакачилар асосий эътиборни ўлка бойликларини тўла-тўқис Россия манфаатлари учун ишлатишга қаратдилар. Туркистонда Россиянинг бошқарув тузилмалари жорий этилиб⁶, бу ҳам тўла-тўқис метрополия манфаатларига хизмат қилган” деган фикрни матн ичида баён этилиши жараёнида, келтирилган иқтибос орқали тегишли изоҳга эга бўлади. Шунга ўхшаш ҳоллардаги иқтибос, яъни *Кенгроқ маълумот учун қаранг* архив манбаларига, алоҳида китобларга, ҳужжатлар тўпламига нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин⁷.

Тадқиқотларда келтириладиган иқтибосларда дастлаб муаллиф, сўнгра тегишли китоб ёки асар номи, агар китоб бошқа тилдан таржима қилинган бўлса, асарнинг кириш қисми, изоҳлари таржимон томонидан амалга оширилган бўлса, унда бу тўғрида маълумот келтирилади. Шунингдек, асарнинг чоп этилган шахри, нашриёт номи, чоп этилган йили ва бет(лар)и қайд этилади⁸.

Тадқиқотчи томонидан у ёки бу муаллиф асарига, алоҳида чоп этилган китобга ўз илмий ишида уч мартадан ортиқ мурожаат қилса ёки иқтибос келтирса, унда муаллиф фамилияси ва исми шарифининг бош ҳарфлари келтирилиб, кейин *Кўрсатилган китоб* ёки китобнинг қисқартма номини келтириш билан чекланиб, яъни китоб-асарнинг номи, қачон, қайси шахар ва нашриётда чоп этилганини кўрсатмай, фақат қайси бет(лар)га тааллуқли экани қайд этилса етарли бўлади. Бундай тартиб, нафақат муаллифи аниқ

⁵ ЎзР МДА, Р- 17 фонд, 1- рўйхат, 287- иш, 63- 65- варақлар; Қаранг: 926- иш, 57- 58- варақлар; 1074- иш, 250- 251- варақлар; Р- 25 фонд, 1- рўйхат, 418- иш, 15- варақ ва орқаси.

⁶ Кенгроқ маълумот учун қаранг: Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Т.: Академия, 2002.

⁷ Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: ЦГИА РБ, ф.Р- 99, оп.1, д.7, л.л.159, 169- 170; ЎзР МДА, Р- 25 фонд, 1- рўйхат, 48- иш, 404- варақ; 665-иш, 78- 80- варақлар; Р- 31 фонд, 1- рўйхат, 525- иш, 6, 9- 11, 16- 17, 39- варақлар.

⁸ Олимий С. М. Бухоро – Туркистон бешиги (форс-тожик тилидан Х. Х. Тўраев таржимаси). – Бухоро, 2004. – Б. 17.

адабиётларга, балки бошқа адабиётларга, хусусан бир неча киши томонидан ёзилган асарларга, ҳужжатлар тўпламига нисбатан ҳам қўлланиши мумкин⁹. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, тадқиқотда у ёки бу муаллифнинг битта китобига эмас, балки икки ва ундан ортиқ китобидан фойдаланилса, унда муаллиф фамилияси ва исми шарифи бош ҳарфидан кейин **Курсатилган китоб** лган вариантдан фойдаланиш мумкин бўлмайди. Бундай ҳолларда муаллиф фамилияси ва исми шарифи бош ҳарфини келтириб, китобнинг номини келтиришда қисқартма вариантдан фойдаланиш мумкин¹⁰. Яна шуни қайд этиш лозимки, тадқиқотчи ўз илмий ишида *Курсатилган китоб* ва шунингдек, *Қисқартма вариантларга* мурожаат қилмай, иктибосларда китобларни тўла-тўқис келтиравериши ҳам мумкин.

Тадқиқотчи томонидан кўп жилдлик китобларга, тўпلام, газета, журналлардаги мақолаларга келтириладиган иктибослар тартиб-қондасига риоя қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Агар кўп жилдлик китобдан иктибос келтирилса, аниқ қайси жилдга тааллуқли эканлиги иктибосда ўз аксини топиши керак¹¹. Айрим ҳолларда тадқиқотчи томонидан илмий ишда у ёки бу кўп жилдли китоблар мавжудлиги, яъни маълум бир даврда чоп этилганлиги эълатиб ўтилади. Бундай ҳолларда, агар бошқа жилдлар сарлавҳаси ҳам биринчи жилддагидек бир хил номда бўлса, унда биринчи жилд номини келтириб, кейинги жилд қачон ва қаерда чоп этилганини қайд этилса етарли ҳисобланади¹². Ўз навбатида жилдлар номланиши бир-биридан фарқ қилган ҳақирда, тегишли жилдлар алоҳида номи билан келтирилади.

Ҳар хил илмий тўпلامлардан келтириладиган иктибослар шакли келтириладиган намуна шаклида бўлади. Иктибосдаги - // белгиси тўпلامга тааллуқли эканлигини билдиради¹³.

Газета ва журналлардан келтириладиган иктибослар ҳам ўзига хос шаклда амалга оширилади. Айрим ҳолларда, агар тадқиқот мавзусини ёритишда зарур ҳисоб топилса, газетадаги мақола муаллифи ва шу мақола сарлавҳаси ҳам иктибосда келтирилиши мумкин. Бундай шаклдаги иктибос одатда, XIX аср охири – XX аср биринчи чорағида чоп этилган газета- журналлардаги мақола ва хабарлар, маълумотларга нисбатан кўпроқ қўлланилади. Шунингдек,

⁹ *Ансал тариқасида келтиришимиз мумкин*: 1) Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Т.: Маънавият, 2002. – Б. 54. *Уч мартадан ортиқ эслаш – иктибос беришга тўғри келса, унда*: Ражабов Қ. *Курсатилган китоб*. – Б. 93. *дея қайд этиши мумкин. Айрим ҳолларда* Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва қўлатиладиган *Қисқартма вариантдан ҳам келтириши мумкин*. 2) Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Том I (май 1918 г. – сентябрь 1919 г.). – Алма-ата: АН Казахской ССР, 1963. – С. 53. *Кейинги эслаш иктибосларида*: Иностранная военная интервенция и гражданской война в Средней Азии ... – С. 37.

¹⁰ *Ансал тариқасида*: 1) Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов). Часть I, 1917-1918., *Кейинги эслаш – иктибосда*: Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана ... – С.43. *Айнан шу муаллифнинг бошқа китобидан фойдаланилганда*: 2) Рыскулов Т. Р. Собрания сочинений в трех томах. Том I. Алматы: Казахстан, 1997. – С. 127- 128. *Кейинги эслаш иктибосда*: Рыскулов Т.Р. Собрания сочинений ... Т.1. – С. 132.

¹¹ Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Сборник документов. Том II. - Алма-Ата: Наука, 1964. – С. 514.

¹² Тоған З. В. Воспоминания (борьба народов Туркестана и других восточных мусульман-тюрок за национальное бытие и сохранение культуры). Книга I, II. – Уфа: Китап, 1998.

¹³ Абдуллаев Р. Туркестан в 1917 году: национальное движение и военный вопрос // Марказий Осиё XX аср ботида: ислохотлар, янгиликлар, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 86– 87.

тадқиқотчи мавзуни ёритишда хорижий тиллардаги газета-журналлар қайси тил ва имлода нашр этилган бўлса, айнан ўша ҳолда келтириш мақсадга мувофиқ бўлади¹⁴. Аммо аксарият ҳолларда газетанинг номи, чоп этилган санаси (кун, ой, йил) келтирилади¹⁵.

Тарихий нуқтан назардан келтириладиган иқтибос янги тарихга боғлиқ газета-журналларга, хусусан, “Халқ сўзи”, “Правда Востока”, “Народное слово”, “Хуррият”, “Миллий тикланиш”, “Жамият ва бошқарув”, “Фан ва турмуш”, “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” каби ва шунингдек, газета-журналлар номи маълум бир ҳудудга тааллуқлилиги номидан билиниб турадиган газета-журналлар: “Туркестанские ведомости”, “Туркестанская правда”, “Народное хозяйство Туркестана”, “Восток”, “Туркестанская кооперация” каби матбуот нашрлари ҳеч қандай изоҳсиз келтирилавериши мумкин. Аммо тадқиқот жараёнида мавзуни ёритиш билан боғлиқ, бошқа ҳудудларда чоп этилган газета-журналлар иқтибосда келтирилганда, қавс ичида қайси ҳудудга тааллуқли эканлиги қайд этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай тартиб ўз пайтида ўлкамизда чоп этилган, аммо узоқ йиллар ўтиши билан номи ўзгарган ёки бугунги кунда чоп этилмаётган нашрларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, тадқиқотчининг илмий иши қайси тилда ёзиладиган бўлса, газета ва журналларга қавс ичидаги тушунча бериш ҳам шу тилда берилди. Шунингдек, келтириладиган иқтибосда, ўша пайтда мазкур газета-журнал қайси шаҳар (туман, республика)да чоп этилган бўлса, ўша маъмурий ҳудуд ўз пайтида қандай номланган бўлса, ўзгартирмасдан келтирилади. Албатта, тадқиқотчи ўзи томонидан берилган изоҳга мазкур маъмурий ҳудуд ҳозирги қайси маъмурий бирликка кириши эслатиб ўтиши ҳам мумкин¹⁶.

Газета ва журналларга иқтибос беришда чоп этилган ҳудудни қавс ичида кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади, чунки айрим газеталар, айниқса совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, бир хил номда чоп этилган. Масалан, “Известия” ва “Правда” номи билан турли ҳудудларда газета-журналлар чоп этилган¹⁷. Ушбу газета-журналлар бир хил номда чоп этилган бўлсада, аслида турли ҳудудларда ва мазмун жиҳатидан ҳам ҳар хил ҳисобланади. Агар тадқиқотчи инглиз, немис, француз, араб, форс в. б. тиллардаги газета-журналлардан фойдаланиб, иқтибосда келтирадиган бўлса ва улар қайси тил ва имло асосида чоп этилган бўлса, айнан шу ҳолда келтириш керак бўлади. Газета ва журналлардаги мақола - // белгиси орқали қайд этилади.

¹⁴ Федорова Г. “Всё на борьбу с голодом!” // Южный Урал (Оренбург), 16 июня 1989 г.; Идиятуллин Д. «Мама не пускала нас на улицу – боялись что съедят» // Гасырлар авазы – Эхо веков (татар ва рус тилларида). – Казань, №5, 1995. – С. 228- 229.

¹⁵ Туркестанские ведомости, 17 октября 1917 г.

¹⁶ Пролетарий (Самарканд), Наша газета (Тошкент), Набат революции (Полторацк), Новый путь (Тошкент), Вечерняя газета (Самара), Коммуна (Самара), Заря (Симбирск), Красная Фергана (Скобелев).

¹⁷ Известия (ВЦИК), Известия (ТуркЦИК), Известия (ТатЦИК), Известия (БашЦИК), Известия (Тошкент), Известия (Бухоро), Известия (Наманган), Известия (Самара), Известия (журнал Самгубсоюза), Правда (Москва), Правда (Верный), в. б.

Тадқиқотчи томонидан келтириладиган иқтибослар орасида мунтазам – шифрий тўпламлар ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда тўпламларнинг китоб ва серия рақамлари ҳам қайд этилади¹⁸.

Тадқиқотчи ўз илмий ишида автореферат ва диссертацияларга иқтибос келтириш тартиб қодаларини билиб, тегишли тарзда расмийлаштириши керак. Иқтибосда тадқиқотчи, албатта, автореферат ёки диссертация эканлигини қайд этиши керак. Агар тадқиқотчи автореферат ёки диссертациядан қитата келтирсин, унда қайси бетлардан эканлиги қайд этилади. Тадқиқотчи ўз илмий ишида қитата келтирмай, у ёки бу автореферат, диссертация тегишли мавзуда бориқлигини қайд этса, унда тегишли тарзда автореферат ёки диссертациянинг умумий ҳажми қанча эканлигини кўрсатиш билан чекланади¹⁹.

Тадқиқот матнида келтирилган қитата қайси бетда тугаса, айнан ўша бетда иқтибос 1, 2, 3 ҳолатидаги кетма-кетлик асосида қайд этилади. Иқтибосдаги 1, 2, 3 кетма-кетлик кейинги бетдаги иқтибосларда 4, 5, 6, 7 тарзида давом эттирилиши ёки ҳар бир бет учун алоҳида қайд этилиши ҳам мумкин.

Қайд этганимиздек, илмий тадқиқот жараёнида тарихчилар учун архив манбалари муҳим аҳамиятга эга Архив манбаларига келтириладиган иқтибос ҳам ўзининг маълум бир тартиб – қодаларга риоя қилишни тақозо этади. Илмий ишда бир марта ёки илк бор у ёки бу архивдан маълумот келтирилса, унда тегишли архив номланиши тўла-тўқис ёзилади²⁰. Агар архив манбалари иқтибосда уч мартадан ортиқ келтирилса, унда архив номларини қискартириб ҳам бериш мумкин бўлади²¹.

Тадқиқотчи илмий ишида иқтибослар ёки изоҳлар орқали айнан матн ишида, ўша бетда ва айрим ҳолларда: тарихий атамалар, ўлчов бирликлари, географик ҳудудлар, шахслар номи, луғатлар, тарихий қисқартмаларни алоҳида гурларга бўлиб, тадқиқот охиридаги иловада ёки китобнинг сўнггида келтириши мумкин. Масалан, географик ҳудудларга оид кўрсаткичлар:

А

Андижон – 119, 131, 192

Ахсиқент – 62, 78, 139, 144

Б

Балх – 12, 37, 148

Бухоро – 17, 24

Демак, тадқиқот-китобнинг 119, 131, 192 бетларида Андижон билан боғлиқ материаллар мавжуд. Албатта, буларнинг барчаси алифбо шаклида келтирилади.

¹⁸ Исоқбоев А. А. Татарларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига доир // Тарих тилга кирганда... (Даврий тўплам). №1. – Наманган, 2007. – Б. 51- 54.

¹⁹ Абдуллаев У. С. Традиционные и современные межэтнические связи в сельских местностях Ферганской долины: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1991. – 25 с; Насриддинов К. Н. XIX аср охири – XX аср 80-йилларида ўзбекларнинг анъанавий дафн маросимлари (Қашқадарё вилоятининг маълумотлари асосида): Тарих фан. номз. ... дисс. – Т., 1995. – 179 б.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎЗР МДА), Р-фонд, 1- рўйхат, 108- иш, 93- варақ: Государственный архив Российской Федерации (ГАРФ), ф. 1318, оп. 1, д. 185, л. 44; Центр документаций новейшей истории Оренбургской области (ЦДНИ ОО), ф. Р- 1, оп. 1, д. 219, л.л. 25-27.

²¹ ЎЗР МДА, РГАСПИ, ИПДРТ, НВДА в. 6.

Тадқиқотни илмий расмийлаштириш (жадвал, иллюстрация ва илова). Илмий тадқиқот жараёнида жадваллардан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тарихий тадқиқотларда маълум бир жадваллардан жойида ва унумли фойдаланиш олиб борилган илмий иш қимматига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, тарихий тадқиқотларда маълум бир йиллар оралигидаги турли далиллар ва уларнинг ривожига ёки таназзулини кўз олдига келтиришда, қиёсий таҳлилда катта аҳамият касб этади. Аммо айтилган пайтда илмий тадқиқот матнини тушунарли баён этиш имконияти бўлса, кўргазма тарикасида кўрсатиш шарт бўлмаса, унда жадвалдан фойдаланиш шарт эмас. Ҳар ҳолда тарихга оид илмий тадқиқотларда жадваллардан фойдаланиш, аниқ бир заруриятдан келиб чиқиши керак. Тарихга оид илмий тадқиқотларда жадваллар тузиш қоидалари қандай бўлади?

Тадқиқотларда жадваллар горизонтал ва вертикал тартибда бўлиши мумкин. Ҳар бир жадвал, мумкин қадар, қисқа сарлавҳага ва кетма-кетлик номерига эга бўлиши керак. Жадвал сарлавҳаси графалардаги сарлавҳачаларда қайтарилмаслиги керак. Шунингдек, жадвал ва унинг сарлавҳаси катта ҳарфлар билан ёзилгани ҳолда, графалардаги сарлавҳачалар кичкина ҳарфларда қайд этилиши керак. Жадвалдаги бош сарлавҳа ва графалардаги (жадвалларда тик чизиклар орасидаги турли маълумотлар ёзиладиган устун, оралик) сарлавҳачалар мумкин қадар аниқ ва оддий-тушунарли бўлиши керак. Айтилган пайтда жадвалларда қисқартмалардан фойдаланмаслик тавсия этилади.

Ҳар бир жадвал ўз номери ва номига эга бўлади. Ҳамма жадваллар араб рақамида белгиланади ва жадвалнинг тепасида, ўнг бурчакка, сарлавҳадан тепага, катта ҳарфда ёзилади. Жадвал номери (сон, рақам), боб номери ва жадвал рақамини акс эттириши керак. Масалан, **1.3. Жадвал.** Бу биринчи боб, учинчи жадвал деган маънони билдиради.

Агар илмий тадқиқотда атиги битта жадвал келтириладиган бўлса, унда **жадвал** сўзи ёзилмайди ва номери ҳам қайд этилмайди. Аммо айтилган пайтда сарлавҳа ёзилади. Агар жадвал бошқа варақ (бет)да давом этса, у ҳолда жадвал сўзи ва номери кўрсатилиб, “давоми” ёки “охир”, дея қайд этиб, сўнгра далиллар келтирилади. Масалан, **1.2. Жадвал давом (охир).** Айтилган пайтда тадқиқотда келтириладиган жадвал манбаси, хусусан, қайси мақола, тўплам, монография ёки архивдан эканлиги тегишли тарзда иктибосда келтирилиши шарт. Графа жадвалларида бўш жой қолдириш мумкин эмас. Агар маълумот йўқ бўлса, унда – белгиси ёки “йўқ” сўзи қўлланади.


Илмий тадқиқотларда иллюстрация яъни чизма, схема, фотографиялар ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Агар ҳарбий юришлар, кўзголонлар, шартномалар, илмий тадқиқот матни баёнида фикр-мулоҳазалар, илмий мушоҳадалар, тарихий талқинлар, назариялар, гоёлар маълум бир чизма, схема, фотографиялар орқали ўз аксини, исботини топса, унда иллюстрацияларни ҳам жадвалдаги номер каби, араб рақами кетма-кетлигида тегишли изоҳ билан келтириш мумкин. Айниқса, илмий тадқиқотларда келтириладиган ўтмишга оид ва ҳозирги замон билан боғлиқ суратлар нафақат иллюстрация, балки илмий ҳужжат тарикасида ҳам келтирилиши мумкин. Бу билан илмий тадқиқот қиммати янада ошади.

Жадвал ва иллюстрациялар беришга тўғри келса, матндан кейин қавс ичида тегишли изоҳ, масалан **1.2. Жадвал** деб ёзиб, ўша бетнинг ўзида эмас, жойлаштириш кулай бўлган кейинги бетларда ҳам келтириш мумкин.

Тарихга оид илмий тадқиқотларда **Илованинг** ҳам ўзига хос ўрни бор. Маълумки, ҳар қандай ҳолатда илмий тадқиқот (*битирув малакавий иши, диссертация – муаллифлар*) ўзининг белгиланган ҳажмига эга. Тадқиқотчи белгиланган ҳажм доирасида илмий тадқиқотини тугатиши керак. Агар илмий тадқиқот мавзуси ва материаллар ҳажми жуда кўп бўлса, белгиланган тартиб-қоидадан чиқиб кетмаслик, маълум даражада қулайлик бўлиши учун айрим жадвал, иллюстрацияларни иловага ўтказиш мумкин. **Биринчидан**, илова илмий тадқиқот ҳажмига (*фойдаланган манба ва адабиётлар ҳам – муаллифлар*) кирмайди. **Иккинчидан**, тадқиқотчи иловаларни тўлақонли келтириш асосида илмий иши қийматини туширмай тақдим этиш имкониятига эга бўлади. Илова ҳам маълум бир тартиб қоидалар асосида келтирилади:

- илова (*ҳажми-сони чекланмаган – муаллифлар*) илмий тадқиқот охирида фойдаланган манба ва адабиётлардан кейин ёки алоҳида, китоб шаклида, жилдда келтирилади;
- ҳар бир илова тартиб рақами бўйича, алоҳида варақда берилди;
- илмий тадқиқотда келтирилган иловалар араб рақамида қайд этилиб, варақнинг ўнг бурчагида **илова** деб кўрсатилади;
- илова алоҳида китоб шаклида, жилдда келтирилса, илмий тадқиқот (*битирув малакавий иши, диссертация номи - муаллифлар*) мавзуси келтирилади ва алоҳида “Илова” сўзи қайд этилади.

1.1. Жадвал



Илмий тадқиқотларда Илова келтириш заруриятдан келиб чиқади. Илова тадқиқот учун ёрдамчи материалларни, яъни матн ичида тўла-тўқис келтириш имконияти йўқ, аммо айни пайтда мавзунини ёритишда катта аҳамиятга молик далилий ҳужжатлар нусхалари, гувоҳномалар, статистик маълумотлар, жадваллар, расмлар, чизмалар, хариталар, диаграммалар, турли хил тасдиқланган маълумотномаларни, археологик ва этнографик объектлар номини келтиришда

муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Иловадан яна тадқиқотда қайд этилган тарихий шахслар таржиман ҳоли, фаолияти билан боғлиқ қўшимча материаллар, географик кўрсаткичлар ҳам ўрин олиши мумкин. Умуман олганда, Ило-вада келтирилган материаллар тадқиқотнинг янада мазмунли, илмий моҳиятини тўлақонли ёритилишига хизмат қилиши керак бўлади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатини тўғри тузиш тарти-би. Тадқиқот охирида, аниқроғи хулосадан кейин фойдаланган манба ва адаби-ётлар рўйхати алоҳида бетдан бошлаб келтирилади. Илмий изланиш охирида келтириладиган “Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати”ни келтиришда амал қилинадиган тартиб-қоидаларга риоя қилиш ҳар қандай тадқиқотчи учун муҳим аҳамиятга эга. Бу аслида библиографик қўлланма тартибда бўлиб, келтириладиган манба ва адабиётлар рўйхатини маълум бир тизим асосида расмийлаштиришни тақазо этади. Бу қандай тартибда амалга оширилиши ке-рак? Ушбу рўйхатга қайси манбалар ва адабиётлар қандай йўсинда киритилиши керак, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқотчи томонидан тузиладиган рўйхатга илмий тадқиқотда у ёки бу даражада фойдаланилган манбалар, илмий ва бошқа адабиётлар, автореферат ва диссертациялар, мақола ва тезислар, хотиралар – қайсики илмий ишнинг ки-риш, асосий қисм, изох, хулоса ва иловаларда келтирилган адабиёт ва манбалар киритилади. Рўйхатда келтирилиш тартибига келсак, бу маълум бир гуруҳларга бўлиш – классификация белгилари асосида амалга оширилади.

Асосий вазифалардан бири шундан иборатки, манбага нимани қўшиш лозим ва адабиётлар деганда нимани тушуниш керак? Бу саволга жавоб жуда оддий туюлсада, аслида бир-бирини алиштириб қўйиш ҳоллари ҳам учраб тура-ди. Чунки манба ва адабиётларни шунчаки ажратиб қўйиш ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермайди. Тадқиқот мавзуси ва унинг мақсад, вазифаларидан келиб чикқан ҳолда манба ва адабиётлар тури, хусусиятига аниқлик киритилади. Шундай ҳолатлар бўлиши мумкинки, бир хил манба ва адабиётлар йиғиндиси икки хил тадқиқот мавзусида турлича келтирилиши мумкин. Масалан, биринчи мавзуда адабиёт сифатида белгилангани, иккинчи мавзуда манба тарикасида келтирилиши мумкин. Жумладан, Аскарлов А. Ўзбек халқи этник тарихи (Ўқув қўлланма). –Т.: Университет, 2007. – 608 б. Бу китоб академик А. Аскарлов илмий ижоди бўйича тарихшуносликка оид илмий тадқиқот учун **манба** бўлиб хизмат қилса, ўзбек халқининг шаклланиши ва бошқа мавзулардаги тадқи-қотлар учун **адабиёт** вазифасини ўтайди.

Архив материаллари (*ҳали илмий муомалага киритилмаганлари* – *муаллифлар*)нинг ҳаммасини ҳам тўла-тўқис манбалар қаторига қўшиб бўлмайди. Ҳатто архив манбалари ҳам тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб айрим ҳолларда адабиётлар қаторига киритилиши мумкин. Масалан, архивда сақлана-ётган Б. Аҳмедовнинг Ўзбекистон тарихи ва тарихшунослигига оид тайёргар-лик материаллари, хусусан чоп этилмаган таҳлилий материаллар, тарихий

адабиётларга тавсифлар, берилган баҳолар, талкинлар, изоҳларидан ҳам тадқиқотда фойдаланиш мумкин. Аммо бу материалларни манбалар қаторига қўшиб бўлмайди. Агар юқоридаги тарихшуносликка оид материаллар аниқ бир мавзунга ўз ичига олган бўлса, унда тарихшуносликка оид манба тарикасида фойдаланиш мумкин.

Тарихга оид илмий тадқиқотларда фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхатини тузиш қуйидаги тартибга риоя қилиш асосида бўлади:

Расмий манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, фармон ва қарорлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари.

Ҳужжатлар тўплами (алифбо асосида)

2. Тарихий манба ва материаллар асосида чоп этилган ҳужжатлар тўплами, статистик маълумотномалар.

Архив ҳужжатлари

3. Архивлар (дастлаб марказий, кейин маҳаллий) ва фондлар номланиши кўрсатилади, аммо рўйхат ва иш номери қайд этилмайди. Архив номлари кенгайтирилган ҳолда ва қавс ичида қисқартма варианты берилди.

Даврий матбуот (алифбо асосида)

4. Газета ва журналлар, бюллетенлар (тадқиқот даврига оидлари)нинг ниллари қайд этилади. Дастлаб марказий, кейин эса маҳаллий газета ва журналлар келтирилади. Агар тадқиқот тилидан фарқ қилувчи газета-журналлар бўлса, албатта буни кўрсатиб, таъкидлаб ўтилади.

- а) газеталар
- б) журналлар
- в) бюллетенлар

Адабиётлар (алифбо асосида)

5. Тадқиқотда фойдаланган адабиётлар, мақолалар қайд этилади. Агар адабиёт ва мақолалар ичида бошқа тиллардагиси кўп бўлса, алоҳида қайд этилади.

- а) бошқирд тилида
- б) татар тилида
- в) хорижий тилларда

Диссертация ва авторефератлар (алифбо асосида)

6. Фойдаланилган диссертация ва авторефератлар қайд этилади.

Коллектив муаллифларнинг асарлари, тўпламлар (алифбо асосида)

7. Бир неча муаллифлар томонидан ёзилган асарлар, тўпламлардаги илмий мақолалар.

Хотиралар (алифбо асосида)

8. Хотиралар тўплами, хотираларнинг муаллифлари алфавит тарзида.

Илмий тадқиқот охирида келтириладиган фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхатида қуйидагича расмийлаштириш зарур ҳисобланади:

1. Расмий манбаларда Президент фамилияси тўла, исми-шарифининг бош ҳарфлари билан асар номи (кўп жилддидан ўрин олган бўлса, тегишли жилд сони, сарлавҳаси ва кейин нутки, мақоласи, маърузаси) кайд этилади. Қабул қилинган фармон, қарор, фармойиш, қонунлар номи, санаси, қаерда нашр этилганлиги – манбаси.

2. Хужжатлар тўплами; 3. Адабиётлар; 4. Диссертация ва авторефератлар; 5. Коллектив муаллифлар асарлари, тўпламлар; 6. Хотиралар алфавит асосида ёритилиб, яъни китоб ва монографияларда:

- муаллиф(лар)нинг фамилияси, исми-шарифининг бош ҳарф(лар)и;
- китобнинг номланиши;
- нашр этилган жой (шаҳар);
- нашриёт номи;
- нашр этилган йил;
- бет(лар)и.

Агар муаллиф икки нафар бўлса, уларнинг фамилияси тўла ва исми-шарифининг бош ҳарфлари келтирилади, уч ва ундан ортиқ бўлган тақдирда, биринчи муаллиф фамилияси ва исми-шарифининг бош ҳарфи келтирилиб “ва бошқалар” жумласини келтириш кифоя қилади. Китоб-монографияни номи кўштирноқ ичида келтирилмайди. Китоб икки тилда (битта китобнинг ўзида) берилган бўлса, қавс ичида буни қайси тилларда эканлиги кайд этилади.

Тўплам, газета ва журналлардаги мақола ва тезисларда:

- муаллиф(лар)нинг фамилияси, исми-шарифининг бош ҳарф(лар)и;
- мақола (тезис)нинг номи;
- тўплам (газета, журнал)нинг номи;
- нашр жойи (шаҳар);
- чоп этилган йили (ойи, сони);
- мақола (тезис) қайси бетларни ўз ичига олгани;
- тўплам, газета, журналдаги мақола, тезис номидан кейин // белгиси билан ажратилади.

Даврий матбуотни фақат тадқиқот даврида чоп этилганларини хронологик тарзда келтирилади.

Тадқиқотчи ўз илмий ишида интернет маълумотларидан ҳам фойдаланган бўлса, муаллиф ва ишнинг номидан кейин web-сайти кўрсатилади.

Тадқиқотчи ўз илмий ишининг охирида келтираётган фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхатида аслида фойдаланмаганларини қўшиб қўйиши мумкин эмас. Айни пайтда тадқиқотни тайёрлаш жараёнида ўқиб чиққан, лекин амалда фойдаланмаган адабиётлар ҳам рўйхатга киритилмайди. Ушбу қоида архив манбаларига ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Барча фойдаланилган адабиётлар алфавит бўйича киритилади.

Таянч сўзлар

Цитата, “сўзма-сўз”, “қисқартма сўзма-сўз”, Қаранг, Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг, Кўрсатилган китоб, иктибос, географик кўрсаткичлар, жадваллар, графалар, манба, адабиёт, расмий манбалар, ҳужжатлар тўплами, архив ҳужжатлари, даврий матбуот, диссертация, автореферат, хотиралар, алифбо, иктибос белгилари.

Назорат саволлари

1. Тадқиқотда “Қаранг”, “Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг” иборалари қайси ўринларда ишлатилади?
2. “Сўзма-сўз”, “қисқартма сўзма-сўз”, “мазмун” жиҳатидан цитата келтириш тартиблари ҳақида гапиринг.
3. Тадқиқотда “Ўша жойда”, “Кўрсатилган китоб” каби атамаларнинг қўлланиши ҳақида маълумот беринг.
4. Архив, адабиёт ва даврий матбуотдан иктибос келтириш тартиблари ҳақида сўзлаб беринг.
5. Тадқиқотда жадвал, иллюстрация ва иловаларнинг келтириш тартибларини тўшунтириб беринг.

Мавзу юзасидан тестлар

1. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати қандай тартиб бўйича расмийлаштирилади?
 - а) йиллар кетма-кетлиги бўйича
 - в) муаллифларнинг илмий даражаси бўйича
 - с) муаллифларнинг жамиятдаги ўрни бўйича
 - д) алифбо тартибида
2. Тўплам, газета, журналлардаги мақола ва тезислардан иктибос келтирилганда дастлаб қайси маълумот ўз аксини топади?
 - а) муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи бош ҳарфи
 - в) мақола ёки тезис номи
 - с) тўплам, газета, журнал номи
 - д) нашр жойи
3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтириш жараёнида дастлаб қайси манба ёки адабиётлар биринчи бўлиб келтирилади?
 - а) архив манбалари
 - в) даврий матбуот нашрлари
 - с) расмий нашрлар
 - д) диссертация ва авторефератлар
4. Қайси ҳолларда газета ва журналлардан иктибос келтирилганда чоп этилган шаҳар номи ҳам қайд этилади?

- а) газета ёки журналлар сони кўп бўлса
- в) газета ёки журналлар бир хил номда, турли шаҳарда чоп этилган бўлса
- с) аниқлик учун доимо чоп этилган шаҳар номи киритилади
- д) а, с

5. Илмий тадқиқотда ёрдамчи материалларни тўла-тўқис матн ичида келтириш имконияти бўлмаган тақдирда нимадан фойдаланилади?

- а) жадвалдан
- в) иловадан
- с) иллюстрациядан
- д) чизмалардан

10- МАВЗУ: ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАРИХИЙ, ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК АТАМАЛАР, ТУШУНЧАЛАР, ҚИСҚАРТМА ВА ИБОРАЛАР

РЕЖА

1. Тарихий, тарихий-географик атамалар ва иборалар.
2. Тарихий тушунча ва изоҳлар.
3. Тарихий қисқартмалар.
4. Илмий-тадқиқот якунига оид нашрлар.

Тарихий, тарихий-географик атама ва иборалар. Тарихчи-тадқиқотчи илмий изланиш жараёнида, хусусан адабиётларни ўрганиш, архив манбалари билан танишиш босқичида, ўзи томондан тадқиқот ишларини баён қилишда, тегишли тарзда, тарихий, тарихий-географик атамаларга дуч келиши ва керакли жойда фойдаланиши мумкин. Тадқиқотчи учун тарихий, тарихий-географик атамаларни билиши ва унинг моҳиятини тушуниши илмий тадқиқотни муваффақиятли яқунлашда аҳамиятга молик ҳисобланади.

Тарихий атамалар, тарихий-географик атамалар келиб чиқиш тарихига, у ёки бу давр, воқеа-ҳодисаларга боғлиқлиги билан тарихдан ўрин олган. Демак, ҳар бир даврнинг ўзига хос атамалари мавжуд бўлган.

Тадқиқотчи тарихий атамалардан фойдаланишда тегишли атамани керакли жойга ва маълум бир даврга мос равишда қўллаши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки айрим тарихий атамалар икки ва ундан ортик маънони англатиши ҳам мумкин. Ўз навбатида атамадан келиб чиқадиган маънолар бир-биридан давр нуқтаи назаридан ҳам, моҳият юзасидан ҳам тубдан фарқ қилиши мумкин. Масалан, **доруға** тарихий атамаси икки хил маънони англатади: Биринчиси – ҳоким. Мўғуллар, теурийлар ва шайбонийлар ҳукмронлиги даврида доруғалар вилоят, шаҳар ҳокими бўлишган. Улар зиммасига вилоят ва шаҳарни бошқариш, аҳолини рўйхатга олиш ва ҳисоб-китоб қилиш, аҳолидан солиқ ундириш вазифалар юклатилган. Иккинчиси – миршаблар бошлиги деган маънони билдиради. Сўнгги феодализм даврида Ўрта Осиё хонликларида миршаблар бошлиги доруға деб юритилган²². Албатта, тадқиқотчи илмий иши мавзуси, даврига оид ҳолатдан келиб чиққан ҳолда атамалардан изоҳига мос равишда, уларнинг бирига тўхталади. Баъзан тарихий атамалар даврий жиҳатдан яқин бўлса-да, бошқа-бошқа маъноларда ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, **уйруқ** атамаси дастлаб амир ёки хоннинг фарзандлари, хизматкорлари яшаган чодирларга нисбатан қўлланган бўлса, кейинчалик уйруқ атамаси ҳарбий ҳаракатлар вақтида қўшин ортидан борувчи карвонни англатган. Унда ҳукмдорнинг хизматкорлари, ҳарам аҳли қурол-яроғ, озиқ-овқат ва бошқалар олиб борилган²³. Тарихий атамаларни қўллаш тадқиқотчидан маълум бир синчков-

²² Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати (қадимги ва ўрта асрлар). – Т.: Шарк, 1999. – Б. 37.

²³ Уша жойда, – Б. 109.

ликни, хусусан у ёки бу атаманинг икки-уч хил маъноси бор ёки йўқлигини, қайси даврда қандай маъно касб этганлигини билишни ҳам тақозо этади. Шундай тарихий атамалар қаторида **граф** сўзи ҳам бор. Ушбу атама илк ўрта асрларда Ғарбий Европада қиролнинг амалдори, феодал тарқоқлик даврида эса катта ер-мулкка эга бўлган феодал, сўнгра дворянлик унвони ҳисобланган. Франклар давлатида граф ўз вилоятига (графликка) эга бўлган суд, маъмурий ва харбий ҳокимият унинг қўлида бўлган. Дастлаб граф унвони қирол мулозимларига берилган бўлса, VII асрдан бошлаб вилоятнинг катта ер-мулк эгаларидан айримларига берилган. Граф мансаби авлоддан-авлодга ўтадиган бўлган. Францияда X асрга келиб граф мустақил магнатга айланган. Феодаллашиш жараёни секинроқ борган Германияда эса граф унвони фақат XI асрдагина мансабдан феодал ер эгасига айланган. Англияда қудратли марказлашган давлат тузумининг мавжуд бўлганлиги графнинг мустақил мулк эгаси бўлиб олишига имкон бермаган. Россияда граф унвони Пётр I томонидан жорий этилган ва авлоддан-авлодга ўтувчи хусусан, князь билан барон орасидаги унвон бўлган. 1917 йилдан граф унвони тугатилган. Яна бир бошқа маъноси граф унвонига эга бўлган киши ҳисобланади²⁴.

Тарихий атамалар баъзи ҳолларда даври ва моҳиятига кўрагина эмас, қўлланish географиясига нисбатан ҳам бир неча маъно касб этиши мумкин. Мисол тариқасида **дивон** (дивон) тарихий атамасини оладиган бўлсак, бу ўрта асрлардаги мусулмон мамлакатларида: 1) VII аср биринчи ярмида Араб халифалигида ҳукмрон феодаллар синфининг турли гуруҳлари ўртасида давлат даромадларининг тақсимланишини қайд этиладиган рўйхат ва ҳужжат сақланадиган жой; 2) VII асрнинг иккинчи ярми ва VIII асрда солиқларни йиғувчи молия идораси; 3) Молдавия ва Валахия князликларида кенгаш берадиган ҳамда ижро этувчи олий давлат кенгаши; 4) давлат маҳкамасида турли унвон ва лавозимларнинг номи; 5) давлатнинг қирим-чикимларини ёзиладиган дафтар; 6) Сомонийлар давлатида амир ҳузурдаги марказий бошқармалар; 7) энг муҳим ички ва ташқи сиёсий масалалар муҳокама қилинган; 8) олий суд; 9) Усмонийлар империясида – буюк вазир раислиги остидаги муфтий ва бир неча аъён-арқондан ташкил топган махфий кенгаш; 10) давлат маҳкамаси маъноларида қўлланган ва тушуниланган²⁵.

Тарихий атамалар қаторида баъзан қисқартирма ҳоллардагилари ҳам учраб туради (*тарихдаги қисқартирма сўзлар, тарихий бирикмалар алоҳида келтириляпти, 10- иловага қаранг – муаллифлар*). Масалан, атамаларда **кадетлар** деган сўз ҳам учрайди. Тадқиқотчи илмий ишида бу атамани ишлатганда маълум бир изоҳ бериб ўтиши фойдадан холи бўлмасди:

Кадетлар (конституцион-демократик партия) – Россияда 1905 йил октябрида ташкил топган либерал-монархистик сиёсий партия. Ушбу партия

²⁴ Бекмухамедов Х. Ю. Тарих терминлари изоҳли лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – Б. 43.

²⁵ Бекмухамедов Х. Ю. Тарих терминлари изоҳли лугати... – Б. 55-56.

раҳбари Милуков Россияда подшо ҳокимиятини конституцияли монархия шаклида сақлаб қолиш тарафдори эди²⁶.

Яна эсерлар атамасини ҳам келтириш мумкин: *Эсерлар (социалист - революционерлар) Россияда 1901–1902 йилларда тузилган. Турли народниклик тўғрисида ва гуруҳларнинг бирлашиши натижасида вужудга келган партия*²⁷.

Юқорида қайд этилганлар катори, хорижий тиллардан қабул қилинган тарихий атамалар орасида ўзбек тилида ишлатиладиган, аммо зарур ҳолларда ўзининг изоҳини талаб қиладиган атамалар ҳам учраб туради. Масалан, **чоризм** сўзи аслида **царизм**нинг «ўзбекчалаштирилгани» бўлса, **кулок** сўзи аслида русчадаги **кулак** атамасининг бузиб айтилиши ва айни пайтда бой-бадавлат лексонларга нисбатан «муштумзўр» сифатида қўлланиши ҳам ҳисобланади. Айни пайтда тарихий атамаларда нафақат хорижий тиллардан ўзбек тилига қабул қилингани, аксинча ўзбек тилидан хорижий тилларга атама сифатида қабул қилингани ҳам учраб туради. Бунга совет ҳокимияти йилларда рус тилида ёзилган тарихга оид тадқиқотларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бунга «бой», «деҳқон», «душман» каби сўзларни рус тилидаги тадқиқотларда таржимасиз ишлатилишини ҳам келтириш мумкин. Олайлик, **варвар** атамаси юнонча *barbaros* сўзидан олинган бўлиб, ўзбек ва рус тилларида ҳам шундай келтирилади, бу: юнон ва римликларда ҳар қандай эллин, мусофир, юнон-римликлар маданиятига алоқадор бўлмаган халқлар вакилига, маданиятсиз жохил одамларга, нодон, қўпол, ёввойилашаган одамга нисбатан қўлланган²⁸.

Тарихий илмий тадқиқотларда географик атамаларга ҳам изоҳ бериб келиш максадга мувофиқ. Зеро, тадқиқотчи томонидан у ёки бу давлат, тарихий-географик ҳудуд эслатиб ўтилаётганда изоҳ бериш, тадқиқотчининг илмий бurchи ҳисобланади. Масалан, тарихий тадқиқотларда Жамбул шаҳри номи эслатиб ўтилса, бу номга зарур ҳолларда қуйидагича изоҳ бериш мумкин: Жамбул – Қозоғистон республикасидаги шаҳар. Қозок шоири Жамбул Жабаев (1846-1945) номига қўйилган. Шаҳар ҳудуди V асрдан Тароз ёки Талас номи билан машҳур бўлган²⁹. Баъзан айрим тарихий ҳудудлар эслатиб ўтилганда, ушбу тарихий географик атамага бериладиган изоҳ жуда кенг бўлса, унда Илова орқали изоҳлаш мумкин. Масалан, **Дашти Қипчоқ** тўғрисида маълумотни Иловага қаранг деб, қуйидагича баён этиш мумкин: *Дашти Қипчоқ – бу Сирдарёнинг қуйи оқими ҳамда Балхаш кўлидан Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларнинг XI–XVI асрлардаги номи. XI асрдан бошлаб бу ерларга кўчиб келиб ўрнашган қипчоқ халқи номи билан Дашти Қипчоқ деб аталган. Дашти Қипчоқ атамасини дастлаб Носир Хисрав (1003–*

²⁶ Бекмухамедов Х. Ю. Кўрсатилган китоб. – Б. 81.

²⁷ Бекмухамедов Х. Ю. Кўрсатилган китоб. – Б. 174–175; Қискача сўйсий лугат. – Т.: Ўзбекистон, 1983. – Б. 396–397.

²⁸ Словарь иностранных слов. – М.: Русский язык, 1987. – С. 96.

²⁹ Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қискача изоҳли лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 60.

1088) қўллаган. Шу даврдан бошлаб бу атама араб ва форс тилларидаги асарларда учрайди. В. В. Бартольднинг аниқлашига кўра, Дашти Қипчоқ аҳолиси шарқ манбаларида қипчоқлар, рус солномаларида половецлар, Византия хроникаларида куманлар, венгер манбаларида кунлар деб юритилган. Дашти Қипчоқ икки қисмдан: 1) Шарқий қисм – Ёйиқ дарёсидан то Сирдарёнинг қуйи оқими ва Балхашгача бўлган ерлар; 2) Ғарбий қисм – яъни Ёйиқ ва Волгадан то Днепргача бўлган ерлардан иборат. Дашти Қипчоқнинг бир қисмини XIII аср 20- йилларида Жаба Нўён ва Субутой баҳодир бошчилигидаги мўғуллар босиб олган. 1236 йили Дашти Қипчоқни Чингизхоннинг набираси Ботухон эгаллади ва бу улкун ҳудудда Жўжи улуси номи билан машҳур бўлган Олтин Ўрда давлати ташкил топган. XIV аср бошларида Жўжи улуси икки қисмга бўлиниб кетган. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида Оқ Ўрда давлати ташкил топди. XIV асрнинг 60- йилларидан бошлаб Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмидаги бу Оқ Ўрда давлати тарихий манбаларда «Ўзбеклар мамлакати» деб, унинг аҳолиси эса «ўзбеклар», аниқ-роғи «Дашти Қипчоқ ўзбеклари» деб атала бошланган. Унғача, бу жойларда кўчиб юрган турк-мўғул қабилалари (арлот, бахрин, бурқут, дўрман, ийжан, қтой, қарлуқ, можор, қипчоқ, қиёт, қўнғирот, қурловут, манғит, найман, нукус, тангут, уйгур, маркит, қўшчи, ўтарчи, жот, чимбой, кенагас, уйшун, тубойи, тоймас, эчки, туман, минг, шодбахтли, шунқорли в. б.) орасидан етишиб чиққан саҳройи суворий ҳарбий гуруҳлар жанговор ўзбеклар номи остида XIII аср охириларидан тарих майдонинда пайдо бўлган. XV асрнинг 20- йилларидан бошлаб, Шарқий Дашти Қипчоқни аста-секин Абулхайрхон эгаллади ва бу ҳудудда кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солди. Абулхайрхон вафотидан кейин (1468) Шарқий Дашти Қипчоқда унинг авлодлари ва қариндошлари ҳукмронлик қилдилар. Дашти Қипчоқнинг асосий аҳолиси кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлиб, чорвачилик ва овчилик, дарё ва кўл бўйларидаги аҳоли эса деҳқончилик, шаҳарлардаги аҳоли хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шугулланган. Венгрияда «Улуғ Кумания» ва «Кичик Кумания» вилоятларида татар-мўғул истилоси даврида қочиб келиб, туриб қолган қипчоқлар яшайдилар.

Албатта, бундай кенгайтирилган изоҳ илмий иш мавзусида қўлланаётган тарихий-географик атамага тааллуқли бўлгандагина баён этиш тавсия этилади. Агар тадқиқотчи илмий иши мавзусига бевосита тааллуқли бўлмаса, тарихий-географик атамадан қисқартирилган вариантда фойдаланиш мумкин. Масалан, тадқиқот матнида илк бор Мароқанда деб эслатилгандан кейин (кейинги эслатмаларда изоҳ бериш шарт эмас – муаллифлар) кавс ичида Самарқанднинг юнонча номи деб ёзишнинг ўзи етарли деб ҳисобланади.

Тадқиқот матнидаги қисқа изоҳ иқтибосда ҳам келтирилиши мумкин. Мисол тариқасида «Волгабўйи ва Уралолди ҳудудлари» деб, иқтибосда: *Волгабўйи ва Уралолди ҳудудлари – Россиянинг ҳозирги Татаристон, Бошқирдистон, Чувашия, Удмуртия, Марий республикалари ҳамда Ульяновск (Симбирск)*

Самара, Оренбург, Пенза, Саратов, Ташкент, Астрахан, Свердловск (Екатеринбург), Пермь каби субъектларни ўз ичига олади. Қаранг: Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. –Т.: Университет, 2005. – Б. 20.

Тадқиқотларда атамалардан ташқари тарихий иборалар, «канотли сўзлар» ва тарихий тушунчалардан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мавзудан келиб чиқиб, фойдаланиладиган тарихий иборалар, «канотли сўзлар», тарихий тушунчаларга нисбатан матн остида-иктибосда изоҳ бериш катта аҳамият касб этади. Мавзуга, ўрганилаётган муаммага, боб ва параграфларга бевосита тааллуқли тушунча ва иборалар, мумкин қадар, тадқиқотчи томонидан бериладиган изоҳларни тақозо этади. Масалан, тадқиқотда «Оқ уй митъмурияти ўзаро муносабатларидаги ишончга «Совуқ уруш» сиёсати барҳам топганлиги сабаб бўлганлигини эътироф этди» дейилса, унда «Оқ уй» дан кейин иқтибосда: «Оқ уй» – бу АҚШ президентининг Вашингтондаги қароргоҳи. «Оқ уй» деганда кўпинча АҚШ ҳукумати тушунилади, деб изоҳ бериб, «Совуқ уруш» дан кейин ҳам куйидаги изоҳ иқтибосда келтирилади:

«Совуқ уруш» – бу тарихий атама иккинчи жаҳон урушидан кейин, аниқроғи У. Черчиллнинг 1946 йил 5 мартда Фултонда сўзлаган нутқи билан боғлиқ ҳисобланади. Капиталистик ва социалистик мамлакатлар ўртасидаги қуролликниш пойгаси, ҳарбий-сиёсий ишончсизлик «Совуқ уруш»нинг асосий белгиси ҳисобланади. Бу сиёсат 1991 йилгача давом этган.

Албатта, тадқиқотчи томонидан илмий ишда қўлланилаётган тарихий тушунча-иборалар ўз жойида, аниқроғи неча марта қўлланишидан ташқари, дастлабки қўлланишидагина изоҳ берилди. Масалан, тадқиқотчи ўз илмий ишида 18 марта «Карт бланш» иборасини қўллаган бўлса, фақат шу иборани дастлаб ишлатгандагина куйидаги изоҳ бериш мумкин: **Карт бланш** – бу бирор шахс имзо чекиб, бошқа шахсга уни ўзи истаган мазмунда тўлдирishi ҳуқуқи берилган тоза бланк. **Кўчма маънода** – бу чекланмаган ваколат.

Зарур ҳолларда тарихий тушунча ва иборалар тадқиқот охирида, алфавитга асосан, боб, параграфларга оид тегишли тарзда кенгайтирилган изоҳи билан келтирилиши мумкин. Масалан, **Амвросий республикаси (1447-1450) – Миландаги республика**³⁰.

«Бошмоқ» кўзғолони³¹ **фош этилганди.**

Черковни ажратилиш «Буюк ажралиш» (1378-1417)³² **деган ном олди.**

³⁰ Милан руҳонийси Амвросий номи билан шундай аталган. Қаранг: Ўрта асрлар тарихидан изоҳли лугат. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 16.

³¹ 1493 йилда феодалларга қарши кўзғолон ташкил этиш мақсадида Эльзасда вужудга келган деҳқонларнинг яширин иттифоқи. Номини байроқда акс эттирилган деҳқон чориги – «Бошмоқ» дан олинган. Қаранг: Ўрта асрлар тарихидан изоҳли лугат. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 28-29.

³² Католиклар жамоасининг бир-бири билан рақобат қилувчи папалар бошлик аввал иккита, сўнгра эса учта черковга энг узок вақт давомида ажралиб туриши. Авиньонда папаларнинг тутқунликда сақланишидан кейин «Буюк ажралиш» бошланган. 1377 йилда Папа Григорий XI французларга қарамликдан қутилиш учун Римга қайтиб келган. Унинг вафотидан кейин (1378) бир йўла иккита папа (Римда италян ва Авиньонда француз)

«**Бешинчи колонна**» - у ёки бу мамлакатнинг орқа томонини издан чиқариш учун фойдаланиладиган душман яширин агентурасининг турдош оти. «Бешинча колонна» атамаси Испаниядаги миллий инқилоб уруши (1936–1939) даврида вужудга келган 1936 йил кузида Мадридга тўрт колонна бўлиб бостириб кирган испан фашистлари шаҳар ичида ваҳима тугдирган, саботаж билан шугулланган, диверсия уюштирган хоинлар ва сотқинлардан иборат ўз яширин агентурасини «Бешинчи колонна» деб атаган эдилар.

«**Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил**» қадимги Римда ҳукмронлар ва лашкарбошилар ўзлари босиб олган ва бўйсундирган халқларни тобеликда сақлаб туриш учун амал қилган қоида.

«**Варфоломей кечаси**» – Парижда 1572 йил 24 августда муқаддас Варфоломей байрамига ўтар кечаси католиклар томонидан гугенотлар (протестантлар)нинг оммавий қиргин қилиниши. Кучма маънода: муайян сиёсий, ирқий, диний, ва бошқа сабаблар билан ташкилий равишда оммавий қиргин қилиши.

Казус белли – айнан урушга баҳона. Уруш ҳолати вужудга келиши учун бевосита расмий сабаб. Казус беллини урушга сабаб сифатида урушни келтириб чиқарган ҳақиқий сабаблардан фарқ қилиш керак. Масалан: Сараевода Австрия эрцгерцоги Фердинанднинг ўлдирилиши 1914–1918 йиллардаги биринчи жаҳон уруши учун Казус белли бўлган эди. Аслида урушга давлатлар ўртасида дунёни қайта тақсимлаш муаммоси билан боғлиқ зиддиятлар ҳақиқий сабаб бўлган эди.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, тадқиқотчи томонидан қўлланаётган тарихий ибора ҳозирги даврдаги ҳам мослаб ишлатилиши мумкин. Масалан, тадқиқотчи мавзуни ёритиш жараёнида, «Унинг савъ-ҳаракати, “Шамол тегирмонлари билан курашиш”дек гап деб, матн иктибосида: «Шамол тегирмонлари билан курашиш» – бу ибора эндиликда «тасаввурдаги душман билан олишиш» деган маънони англатади, дея изоҳ бериши керак бўлади. Тарихий тушунча ва ибораларда, хорижий адабиётларда қўлланадиган «Буюк мўғуллар империяси» аслида Чингизхонга эмас, балки Захириддин Мухаммад Бобур сулоласига нисбатан қўлланиши, «Оренбург тўсиғи» деганда Туркистон ва Россия ўртасидаги темир йўл алоқаларининг узилиб қолиш даври назарда тутилиши, «Туркистон ташкилотчиси» – бу фон Кауфманга нисбатан ишлатилгани, «қайта қуриш» даври деганда 1985–1990 йиллар оралиғини тушунилиши тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмаслиги керак.

Тарихий тушунчаларда яна археологик атамалар, иборалар ҳам ўзига хос изоҳни талаб қилади. Масалан, 1938 йили Тешиктошдан топилган болага нисбатан «Неандерталь» типидagi деб эътироф этилади. Бунга сабаб шуки, дастлаб

сайланди. Иккита папа курияси тузилди. Баъзи давлатларда папа Клемент VII (француз)ни, баъзилари эса Урбан VI (итальян)ни тан олдилар. Шундан кейин католик черковида “Буюк ажралиш” рўй берди. Қаранг: Ўрта асрлар тарихий изоҳли лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 41.

шу типдаги одам 1856 йили Германиянинг Неандерталь номли вохасидан топилган. Шунинг учун ҳам қаердан ва қачон топилишидан қатъий назар, шу типдаги одамларга Неандертал атамаси қўлланади. Археологияда қўлланадиган «Чуст маданияти», «Намозгоҳ маданияти» иборалари ҳам дастлабки топилмалар худуди номига боғлаб ишлатилаверади.

Умуман олганда, тарихий ибора, тушунчалардан ташқари, тадқиқотларда узунлик ва оғирлик ўлчовларига ҳам изоҳ бериш ҳоллари учраб туради. Масалан, Фитратнинг «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» асарида: «*Амлоқдор деҳқоннинг ерига бориб, ҳосилни йигирма ман тахмин қилар эди ва саккиз манини олар эди*» дейилганда, ман сўздан кейин иктибос белгиси орқали куйингича изоҳ берилган: «Ман – оғирлик бирлиги бўлиб, географик жойланиши жиҳатидан турлича оғирликда белгиланган. Масалан, Самарқандда бир ман – 128 кг., Табризда қарийб 3 кг. бўлган. Шарият қонуни бўйича бир «шарият мани» 180 мисқол (846 гр) дир. Юқоридаги ўлчовда ҳам Бухоронинг Самарқандга яқин бўлганлиги сабабли, Самарқанднинг «ман» ўлчов бирлиги назарда тутилган бўлиши мумкин³³.

Бундай атама, тушунчалар узунлик ўлчовларига нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, А. А. Исоқбоев тадқиқотида «*Туркистон шахридан 22 верст воқоқликдаги Қарноқ қишлоғида 5 та мадраса бўлиб, Сирдарё, Оқмола ва Тўрғай вилоятларидан келган 5 мингга яқин талаба таҳсил олар эди*», дея маълумот берилган. Мазкур гапдаги верст узунлик ўлчовига иктибосда «*Верст қадимги рус ўлчов бирликларидан бири бўлиб, 500 саженга, яъни 1,0668 км га тенг бўлган. Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 435.*» шаклида изоҳ берилган³⁴.

Умуман олганда, тарихий ибора, тушунчалардаги изоҳлар орқали тадқиқотчи илмий ишни ўқиётганлар учун маълум бир енгилликлар туғдиради. Зеро, ҳар бир тарихий ибора, тушунчалар ҳам ўз тарихига, даврига ва қўлланиш шароитига эга.

Тадқиқотда тушунча ва изоҳлар. Тадқиқот тури қандай бўлишидан қатъий назар матнда ёки иктибосда ўқувчи учун маълум бир тушунча, изоҳ бериб ўтиш ҳоллари учраб туради. Тарихий изоҳ ва тушунчалар географик ҳудудларга, саналарга, атамаларга, ўлчов бирликларига, тарихий шахслар ва уларнинг биографияси (таржимаи ҳоли) ва фаолиятига, тарихий воқеаларга берилади. Тарихий изоҳ тугган ўрнига кўра, тушунчага нисбатан қисқароқ бўлади.

Тарихий изоҳ илмий тадқиқот матни таркибида – қавс ичида ва шунингдек, иктибосда, тадқиқот охирида ҳам берилиши мумкин. Масалан, илмий тадқиқотда совет даврига оид воқеалар баёнида «Куйбишев шахридан

³³ Қаранг: Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. – Т.: Минҳож, 1992. – Б. 33.

³⁴ Исоқбоев А. А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварларининг фиолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари): Тарих фан. номз. ... дисс. – Наманган, 2008. – Б. 61.

Туркистон рахбариятига юбордилар” гапи қўлланиладиган бўлса, унда Куйбишев номини ёзгандан кейин ҳозирги номи Самара эканлиги қавс ичида берилиши керак яъни “Куйбишев (ҳозирги Самара) шахри ...” деб қайд этилади. Тадқиқотчи томонидан географик ҳудудларга, тарихий сана ва атамаларга ҳушёрлик билан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Масалан, бир ўқув қўлланмада³⁵ “Туркистон халқлари ҳаётида Бутунроссия мусулмонларининг 1917 йил 21–31 июлда Қозон шахрида ўз ишини олиб борган 2- курултойи ... қарорида Туркистон, Қирғизистон, Кавказ ва Қримда бошқарув шаклини ўлка аҳолисининг ўзи ҳал қилсин” деб ёзилади. Юқорида келтирилган матн тўғри келтирилган, аммо шу матнда эслатилган Қирғизистон атоқли атамасидан кейин қавс ичида ёки иқтибосда бу ҳудуд мисолида ҳозирги Қозогистон тушунилиши тўғрисида изоҳ бериб ўтилса тарихий ҳақиқатга аниқлик киритилган бўларди.

Тадқиқотда тарихий шахслар ва саналарга аниқлик киритиш эса шундай тартибда бўлади. Масалан, “1919 йил 8 октябрда Бутунроссия МИҚ ва РСФСР ХКС қошидаги Туркистон ишлари бўйича комиссия (Турккомиссия)ни ташкил топиши ҳам “кадрлар муаммоси” ечимида катта роль ўйнаган. Турккомиссиянинг Ш. З. Элиава³⁶ бошчилигидаги аъзолари Туркистонга келишидан аввал ҳамма ташкилий масалаларни Самара губерниясида туриб ҳал қилдилар”. Айнан Ш. З. Элиава исми-шарифидан кейин келтирилган иқтибос Турккомиссияга ким раислик қилгани бўйича шахслар исми шарифига оид муносабатни билдиради³⁷.

Тадқиқот жараёнида келтириладиган тарихий тушунчаларда муаллиф айрим тарихий воқеа, далиллар, атамаларга нисбатан маълум бир изоҳларни ҳам бериб бориши мумкин. Масалан, китобда “Туркистондаги большевиклар сиёсатига нисбатан қуроли қаршилик ҳаракатини синдириш учун қуроли кураш билан бирга ғоявий-сиёсий, психологик тарғиботни ҳам амалга ошириш зарур деб топилди. Шу сабабдан 1919 йил охири ва 1920 йил бошларида РКП(б) МҚ ва Шарқ халқлари коммунистик ташкилоти марказий бюроси (ШХКТ МБ) ташаббуси билан “Қизил Шарқ” поездини Туркистонга юборишдан мақсад “инкилоб ғояларини тарғибот-ташвиқот орқали ерли аҳолига синдириш деб билади.”³⁸ деб уқтирилади ҳамда иқтибосда маълум бир тушунча берилди. Бу

³⁵ Шамсуддинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб). – Андижон: “Andijon pashriyot-matbaa” очик акциядорлик жамияти, 2004. – Б. 28.

³⁶ Айрим хорижий адабиётларда Турккомиссияга М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишевлар рахбарлик қилган ҳамда ушбу комиссия Туркистонга 1920 йил бошларида келган деб эслатилган деб, шахслар ва санага оид тарихий ноаниқликка йўл қўйдилар. Қаранг: Roy O. The new Central Asia. New York University press, 2000. – P.59. Ҳолбуки, Турккомиссияга Ш. З. Элиава рахбарлик қилиб, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишевлар аъзо бўлганлар ҳамда ушбу Комиссия Тошкентга 1919 йил 4 ноябрда келган. Қаранг: РГАСПИ, ф. 17, оп. 65, д. 72, л. 88.

³⁷ Қаранг: Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Т.: Университет, 2005. – Б. 55.

³⁸ Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида “Красный казак”, “Советский казак”, “Октябрьская революция”, “В. И. Ленин”, “Красный Север”, “Красная Звезда”, “Михаил Калинин”, “Памяти Я.М.Свердлова”, “Володарский”, “Красная знамя” ва бошқа тарғибот поездлари, пароходлари “инкилоб ғоялари”ни оммага ёйиш

билан тадқиқотчи бошқа тарғиботчи поезд, пароходлар фаолиятдан хабардор жанлигини ифодалаш билан бирга, ўқувчига қўшимча маълумот беради. Натижада, китоб муаллифи ўқувчини қўшимча маълумотлар билан бойитади ва китобхон совет ҳокимияти йилларида ташкил этилган “Қизил Шарк” тарғибот-йўриқчи поезде ягона эмаслиги тўғрисида маълумотга эга бўлади. Тадқиқотчи томонидан бериладиган изоҳ ва тушунчалар мумкин қадар шунча ва асосли бўлиши керак.

Айрим ҳолларда тадқиқотчилар матн остида – иктибосда тушунча берадилар-у, ammo асос келтирмайдилар. Масалан, “Туркистон мухторияти” деб, иктибосда уни яна “Қўқон мухторияти” ёки “Туркистоннинг биринчи миллий ҳукумати” деб ҳам юритилишини эътироф этган ҳолда асос келтирилмайди. Яна бир мисол олайлик. А. Набиев китобида³⁹ “Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори, генерал Скобелев “Олой маликаси” - Қурмонжон Додхоҳ⁴⁰ билан сулҳ тузишга мажбур бўлади” деб ёзган ва ammo иктибос орқали келтирган тушунча – изоҳига асос келтирмайди. Бу тўғрими ёки нотўғрими? Аслида ҳар қандай ҳолатда асос келтириш мақсадга мувофиқ, ammo келтирилмаган тақдирда ҳамма масъулият тадқиқотчининг, муаллифнинг зиммасига тушади. Китоб муаллифи юқорида келтирилган иктибосида нега Қурмонжон Додхоҳни “Олой маликаси” дейилгани тўғрисида ҳам изоҳ бериб кетганида янада мақсадга мувофиқроқ бўларди.

Илмий иш билан шугулланиш жараёнида бошқа тадқиқотчи, тарихий асарлар муаллифлари ёзган илмий ишлар, китоблар билан танишишга, уларни таҳлил қилишга ва зарур ҳолларда, уларга маълум бир ўз муносабатини билдиришга тўғри келади. Шундай ҳолларда тадқиқотчи у ёки бу масала, тарихий воқеа, сана ва бошқа ҳолатлар бўйича муносабатини жуда эҳтиёткорлик билан, ҳусусан қўпол, ноўрин иборалар, сўзларни қўлламадан баён этиши керак. Бунга сабаб қилиб, биринчидан, танқид остига олинаётган тадқиқот - китоб нашр этилган пайтда сиздаги манбалар ҳали илмий муомалага киритилмаган ва ҳатто буни иложи ҳам бўлмаган бўлиши мумкин. Иккинчидан, сиз келтираётган далиллар ҳам “охирги ҳақиқат” бўлмадлиги, аниқлик киритилишга муҳтожлиги, мунозарали бўлиши мумкин. Учинчидан, тарихий илмий тадқиқот билан шугулланаётганлар эҳтиросли сўз ва ибораларга эмас, далилларга суяниши керак ва илмий одоб қондаси шунини талаб қилади.

Тарихий илмий тадқиқотлар матнида ҳар бир сўз, гапга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш, сўзлар ва атамаларни ўз жойига авайлаб қўллаш

ишлари билан шугулланган. Қаранг: Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. – Т.: Университет, 2005. – Б. 185.

³⁹ Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. – Т.: Ёзувчи, 1998. – Б. 69.

⁴⁰ Баъзи бир адабиётларда Қурмонжон додхоҳ деб унинг исмини нотўғри берилган. Қурмонжон додхоҳ 1811 йилда қирғизларнинг Мунгуш уругининг Жапалок қабиласида оддий чорвадор оиласида тутилган. У араб ва туркий тилларни ёшлигидаёқ ўрганган. Бухорои Шарифда унга шайхулислом томонидан додхоҳ унвони берилган. У 1874 йилдан бошлаб, Олой ўлкасидаги элга бошчилик қилган. Унинг ақл-заковатига қойил қолган генерал М. Д. Скобелев унга Россия империясининг генерали унвонини топиришга мажбур бўлган.

лозим. Масалан, оддий тарихий сиёсий агамада эҳтиётсизлик билан қўйилган хатога қуйидаги мисолни келтириш мумкин: "... Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг ярим мустақиллигини тугатиб, уларни Россияга батамом "қўшиб" олишни таклиф этди. Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Бухоро амирлиги қошида Муваққат ҳукумат президенти ва Хивада Россия харбий комиссари лавозимлари ташкил қилинди"⁴¹ дейилади. Ҳолбуки президенти атамаси ўрнида резиденти бўлиши керак эди. Бундан кўриниб турибдики, битта ортикча қўйилган ҳарф масала моҳиятини бузиб юборяпти.

Тарихий тадқиқот жараёнида эски ўзбек тилидаги ҳужжатлар, манбаларни матнда келтиришда муаллиф айрим атама, сўз, тарихий воқеа, сана ва далилларга, географик номларга қуйидагича изоҳ бериб кетиши мақсадга мувофиқ: "Дўстниёз маҳрам Туркистонган еткондин сўнг Губернатор ани маҳбус ва маҳсур колдурди. Икки кундин сўнг Ҳазраги салтанатпаноҳ (Мухаммад Раҳимхон II – Қ. М.) даргоҳининг бандаси ва Хоразм диёрининг элчиси эрканин билиб, қайдин (озод этиб – Қ. М.) ... таъзим ва такрим (этиб-Қ. М.) ... , бир неча кун эъзоз ва иқром билан меҳмондорлиг қилгондин сўнг Хоразм диёрининг азмага ижозат берди"⁴².

Азамат Зиё китобида⁴³ Жалололдин Мангубердининг грузинларга қилган муружаатини З. М. Буниятов келтириб, ўз изоҳини қавс ичида билдиради: "*Мен сизларни мамлакатингиз қудрати ва грузинлар шижоати ҳақида эшитганман. Эндликда эса мен биргалашиб душманга (яъни мўғулларга – А.З.) қарши курашайлик дейман. Эшитишимча ҳукмдорларинг аёл экан (бу ерда малика Русидана (1222 - 1245) назарда тутилмоқда – А.З.). У менга турмушга чиқсин ва мен сизларнинг ҳам ҳукмдорларинг бўлай ва биз биргаликда улум душманни мағлуб қилгаймиз*"⁴⁴. Юқорида келтирилган изоҳдан кейин асар-китоб муаллифи фамилияси ва исми бош ҳарфи ўрнига қавс ичида, тегишли тадқиқотдан келиб чиқиб, муаллиф ёки диссертант деб келтирса ҳам бўлади.

Тадқиқот жараёнида архив материаллари у ёки бу асар, китобдан сўзма-сўз, кўчирма шаклида келтириляётганда ҳам маълум бир изоҳ турини қўллаш мумкин. Масалан, С. Шодмонованинг китобидан⁴⁵ қуйидаги фикрни ўз тадқиқотингизда келтирасиз: "Бу митингда туркистонликлар синф ва даража айирмаларига қарамасдан Туркистон Мухториятини *олқишлашларини* (курсив бизники – муаллиф) билдирадилар ва ўлкадаги ҳамма мусулмонларни Туркистон Мухторияти атрофида жипслашишга чақирадилар"⁴⁶.

⁴¹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар... – Б. 22.

⁴² Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик (XVII – XIX ва XX аср бошлари). – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 139.

⁴³ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2000.

⁴⁴ Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. – М., 1986. – С. 169.

⁴⁵ Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамалакчилигига қарши кураш масалалари. – Т.: "ABU MATBUOT – KONSALT", 2008.

⁴⁶ Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида... – Б. 64– 65.

Ушбу матндаги *олқишлашларини* сўзи сиз томондан курсивда берилди ва курсив бизники деб изоҳланди. Чунки айнан мана шу сўз орқали тадқиқотчинингизда у ёки бу фикрни олга сурасиз ёки ўқувчи эътиборини жалб этасиз. Демак, С. Шодмонова келтирган фикр аслида ҳеч қандай курсив ёзувига эга эмас, аммо сиз фойдаланганда у ёки бу сўзни курсивда ёзиб, қавс ичида яна беришингиз мумкин. Тадқиқотчи томонидан яна бошқа турдаги изоҳлар, таътиборга тортишлар бўлиши мумкин. Дейлик, айнан юқоридаги С. Шодмоновадан келтирилган матн ҳамда ўша сўз *олқишлашларини* (*биз томондан ажратилган – муаллиф*) турида ёки **олқишлашларини** (*таъкид бизники – муаллиф*) шаклида ҳам келтириш ва тегишли изоҳни бериш ҳам мумкин.

Тарихий қисқартмалар. Тарихга оид илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, жамият тараққиёти, инсоният, мамлакатлар тарихи, тарихий воқеалар, тарихий шахслар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни ёритишда умум қабул қилинган қисқартмалар ёхуд аниқ бир тадқиқотчи томонидан киритилган қисқартмалар кўзга ташланади.

Тарих бўйича тадқиқотга қўл урган тадқиқотчи томонидан умум қабул қилинган қисқартмаларни билиш ва илмий ишида белгиланган тартибда ишлата олиш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, тарих бўйича тадқиқотга қўл урган тадқиқотчининг бу борада йиллар давомида олган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий йўналишлардаги назарий билимлари муҳим аҳамиятга касб этади.

Тадқиқотчи илмий адабиётлар, архив манбалари, даврий матбуот материалларини ўрганиш жараёнида тарихга оид қисқартмаларни тўлақонли тушуна олиши ва ўзи ёзаётган илмий ишида ўринли тарзда қўллай билиши керак.

Тарихга оид қисқартмалар мамлакатлар номланишига, турли халқаро ташкилотлар, ҳарбий-сиёсий блоklar, тарихий даврлар ва бошқаларга нисбатан ҳам қўлланади. Умуман олганда, тарихга оид қисқартмалар ўзининг келиб чиқишига кўра ўзбек тилидаги сўзларнинг қисқартмаси ёки бош ҳарфларини ўзида акс эттириши мумкин. Бундай қисқартмалар хорижий тиллардаги сўзларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Айрим ҳолларда хорижий тиллар асосида вужудга келган қисқартмалардан ўз ҳолича, яъни ўзбек тилида ҳам фойдаланаверилади. Албатта, тарихдаги қисқартмаларнинг юзага келиши ҳам маълум бир тарихий давр билан узвий боғлиқ бўлади.

Тарихдаги қисқартмалар бўйича бир неча мисоллар келтириш мумкин. Тадқиқотчи янги ва энг янги давр тарихини ўрганиш ва шу давр бўйича тадқиқот ишини олиб боришда бир неча қисқартмаларни учратиши мумкин. Масалан, ТАССР, БХСР, ХХСР, БМИҚ, Туркбюро, ЎИЁК, НАТО, ЮНЕСКО, ЫМТ (*бу ҳақда 10- иловага қаранг – муаллифлар*) ва бошқалар. Илмий ишланувчилар ўз тадқиқотларида умумқабул қилинган тарихий-сиёсий қисқартмаларни қўллаши мумкин. Аммо тарихий тадқиқотларда қўп маротаба

қўлланадиган ҳамда тадқиқот мавзусига бевосита алоқадор қисқартмаларни илк бор ишлатганда, мумкин қадар, тўла маъноси ҳамда шу қисқартмадаги давлат, халқаро ташкилот, иқтисодий-сиёсий, ҳарбий термин, маъноси ва унинг қискача моҳияти тўғрисида изоҳ бериб кетилса мақсадга мувофиқ бўлади. Тарихга оид тадқиқотлар, хусусан мақола, қўлланма, монографияларда қисқартмалар маъноси, қиска моҳияти тадқиқотчи – муаллифлар томонидан, одатда, матн ичида, матн баён этилаётган бетда, иқтибосда изоҳ шаклида, китоб бошида ёки охирида берилади. Масалан, тадқиқот мавзуси “Туркистон АССРда миллий масала: муаммо ва ечимлар (1918-1924 йй.)” бўлса, матнда илк бор ТАССР қисқартмаси қўлланилаётганда қуйидаги тарзда изоҳ келтириш мақсадга мувофиқ бўлади⁴⁷. Агар тадқиқот матнида бир неча марта Туркистоннинг марказий ижроия қўмитаси ёки халқ комиссарлар кенгашига оид тарихий бирикмалар қўлланадиган бўлса, унда Туркистон марказий ижроия қўмитаси (кейинги эшлашларда ТуркМИК – тадқиқотчи) ёки Туркистон халқ комиссарлиги кенгаши (келгуси эшлашларда Туркистон ХХК – тадқиқотчи) шаклида келтириш мумкин бўлади. Қисқартмалар тўғрисидаги изоҳлар тадқиқотчи томонидан матн изҳор қилинаётган бетда – иқтибосда ҳам берилиши мумкин. Масалан, тадқиқот мавзусида Турккомиссия қисқартмасига изоҳ қуйидаги тарзда амалга оширилади⁴⁸.

Тадқиқотларда қисқартмалар хорижий тиллардан қандай бўлса, шундайлигича келтирилиши ҳам мумкин. Масалан, ЮНЕСКО – бу БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти. Инглиз тилидаги сўзлар қисқартмасидан олинган, аммо ўзбек тилидаги матнда ҳам таржимасиз келтиравериш мумкин. Худди шунга ўхшаш рус тилидаги атамалардан ҳам ўзбек тилидаги матнда таржимасиз келтириш ҳолатлари кўзга ташланади. Масалан, РКП(б), ВКП(б), КПСС, ТКП, НКВД, ГПУ, ВЧК, СредазЭКОСО, НЭП, Турккомстарис в. б. (*10 - иловага қаранг*).

Умумқабул қилинган тарихий қисқартма атамалардан ташқари тадқиқотчи томонидан ҳам шундай тартибдаги қисқартма тарихий атамаларни илмий ишида қўллаши мумкин. Агар тадқиқотчи мавзунини ёритиш жараёнида жуда кўп маротаба у ёки бу сўзлар бирикмасини қўллашига тўғри келса, унда маълум бир изоҳ орқали, хусусан бош ҳарфларга асосланган ҳолда ёки тушунарли маълум бир атамага суяниб тадқиқот матнида фойдалана бериши мумкин. Масалан,

⁴⁷ ТАССР – Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси, 1918 йил 30 апрелдан 1924 йил 27 октябргача мавжуд бўлган. Ўрта Осиёда миллий-худудий давлат чегараланиш ўтказилгандан кейин барҳам топган. Кейинги эшлашларда ТАССР деб юритамиз – тадқиқотчи (диссертант).

⁴⁸ Туркистон комиссияси (Турккомиссия) – РКП(б), Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси (БМИК) ва РСФСР халқ комиссарлар кенгаши (ХКК)нинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси. 1919 йил 8 октябрда ташкил топган. Турккомиссияга чексиз ҳуқуқ берилган эди. Аслида Туркистонда ТуркМИК ва ХКК эмас, балки Турккомиссия ҳукмрон эди. Бухоро ва Хоразмда советлар андозасидаги давлатлар (БХСР, ХХСР) ташкил этилиши ҳам Турккомиссия “сценарийси” асосида амалга оширилган. 1920 йил июлида РКП(б) МҚ Туркистон бюроси ташкил қилиниши билан Турккомиссиянинг партиявий ваколати тўхтатилди. 1923 йил РКП(б) МҚнинг қарори билан Турккомиссия бутунлай тугатилди.

тадқиқот мавзусини ёритишда жуда кўп маротаба Туркистон район муҳофаза бўлими номини қайд этишга тўғри келса, тегишли изох билан кейинги йилларда ГРМБ деб ёзиш мумкин. Агар мавзунини ёритишда кўп маротаба Туркистон МИҚ ҳузуридаги Очларга ёрдам марказий комиссияси деб эслашга зарурат бўлса, унда тегишли изох орқали ТуркМИҚ ОЁ МК деб ёзиш мумкин. Бундан ташқари, илмий ишда кўп маротаба қўлланадиган узун тарихий ҳужжатларни ҳам тегишли изох орқали қисқа вариантда келтиравериш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси Сенат деб, изохда кейинги эслашларда Сенат тарикасида қўлланишини алоҳида ёзиш ҳам мумкин. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, тадқиқот мақолада атиги уч-тўрт маротаба қўлланадиган сўз бирикмаларини тарихий қисқартма атама сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Демак, тарихий қисқартма атамалардан тадқиқотларда фойдаланиш ҳам ўзининг маълум бир тартиб қоидаларига эга ва тадқиқотчи ўз илмий изланишларида бунга риоя қилиши керак.

Илмий-тадқиқот якунига оид наشرлар. Тадқиқотчи томонидан илмий ишлар бўйича изланишлар натижасини тезис шаклида чоп этишга тайёрлаш зарурати туғилиши мумкин. Тезис бу юнонча **thesis** сўзидан олинган бўлиб, асосий маълумот, маърузанинг қисқа ифодаси демакдир. Тезиснинг энг муҳим талабларидан бири унинг қисқалиги ҳисобланади. Тадқиқот бўйича тайёрланган тезис одатда, А4 форматдаги қоғозга, 14 шрифтда, компьютерда 2-5 бетни ташкил қилиши керак. Тадқиқотнинг маълум бир йўналишини ўзида акс эттириши керак бўлган тезислар ўз таркибида чизмаларга, жадвалларга ҳам ўрин қолдириши ва айни пайтда илмий изланиш натижаларига тааллуқли асосий ҳолатлар аниқ ва лўнда, илмий ифодаланиши даркор.

Илмий тадқиқот натижаларининг кенгроғи бўлмиш **илмий мақола** усулидан ҳам фойдаланилади. Тарих йўналишидаги илмий мақолалар тезисга нисбатан анчагина кенг, илмий изланиш натижаларини асосли, далилларга, манбаларга, адабиётларга таянган ҳолда, киёсий таҳлиллар асосида ёритишга имкон яратади. Тадқиқотга оид илмий мақола қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- мақола сарлавҳаси мумкин қадар қисқа ва айни пайтда мазмундаги асосий ҳолатни ўзида акс эттириши зарур;
- мақола сарлавҳасидан кейин ўнг бурчакда муаллиф – тадқиқотчининг исми-шарифининг бош ҳарфи ва фамилияси ҳамда айрим ҳолларда қайси шаҳардаги олий ўқув юртида ишлаши, лавозими ёзилади (*худди шу тартиб мақола охирида, газеталар учун берилади – муаллифлар*);
- илмий мақола моҳиятига кўра, тадқиқотчи томонидан олиб борилган илмий изланишнинг маълум бир қисми якуни сифатида ифодалаб берувчи ёзма манба ҳисобланади;

- илмий мақолалар ўз мавзусини ёритишга қаратилган бўлиб, газета, журнал ва илмий тўпламларда чоп этилади;
- мақола ҳажми, одатда, 2- 10 бетни, айрим ҳолларда ундан ҳам кўпроқни ташкил қилиши мумкин;
- мақолада қайд этиладиган тарихий атамалар, иборалар. тарихий географик ҳудудлар, оғирлик ва узунлик ўлчовлари тегишли тарзда ўз изоҳига эга бўлиши лозим;
- мақолада келтириладиган тарихий далиллар, воқеа-ҳодисалар. илмий янгиликлар асосли, яъни ўз манбасига эга бўлиши ва бу тегишли тарзда иқтибосда акс этиши керак;
- мақола охирида тадқиқотчи томонидан аниқ ифодаланган хулоса бўлиши даркор.

Рисола – бу француз тилидаги **brochure** сўзидан олинган бўлиб, чоп этилган, аммо ҳажм жиҳатидан 48 бетдан ортмайдиган нодаврий нашрдир. Бошқачароқ айтганда, мантиқан ўз ниҳоясига етган, тадқиқотнинг кичикроқ бир қисмини ифода этувчи илмий изланишлар натижаси ҳисобланади.

Монография – бу юнон тилидан олинган бўлиб, **monos** – якка, ягона, **grapho** – ёзаман деган маънони англатади. Монография илмий иш бўлиб, чуқур бир мавзуга бағишланганлигини билдиради. Демак, тугалланган бир йирик тадқиқотнинг мантикий ниҳояси, илмий изланишни бутунлигича қамраб олган, маълум бир тизимли баёнга эга бўлган, ҳажми 5 босма табоқдан ошадиган йирик илмий асар монография дейилади.

Илмий рисола ва монография тузилишига кўра кириш, асосий қисм ва хулосаларни ўз ичига олиб, илмий иш натижаларини кенг, асосли, далиллар ва таҳлиллар билан ёритишга қаратилган бўлади. Монография тарих фанлари доктори илмий даражасини ҳимояси учун зарур бўлган талаблар қаторига қиради. Ўз навбатида чоп этиладиган илмий мақола ва рисолалар тадқиқот натижаси учун, хусусан диссертация ҳимоялари талабига жавоб берадиган бўлиши керак.

Тадқиқотлар натижасини **ўқув қўлланма (дарслик)**да ҳам кўрсатиш мумкин. Тезис, илмий мақола, рисола, монографиядан фарқли ўлароқ, ўқув қўлланма (дарслик) фақат илмий тадқиқот натижаси, мазмунини ёритишга қаратилган бўлмайди. Ўқув қўлланма олий таълим муассасаси ўқув режасида кўрсатилган вақт меъёрларига ҳажм жиҳатидан жавоб бериши керак. Ўқув қўлланмада баён этиш усули талабалар учун тушунарли, содда, илмий ибораларга камроқ бурканган ҳолда баён этилиши керак.

Юқорида зикр этилганлардан ташқари **ўқув кўрсатма, услубий тавсиялар** ҳам тадқиқот турларига қиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай илмий тадқиқот саводли, тушунарли, фикр-мулоҳазалар мантиқан бир-бири билан узвий боғланган ҳолда баён этилган бўлиши керак.

Бирок, ҳар бир соҳада бўлганидек, илмий тадқиқот билан шуғулланувчилар учун ҳам ёзилган ва ёзилмаган талаблар, тартиб-қоидалар мавжуд. Бу “тартиб-қоида”ни шартли равишда **“Тадқиқотчилар илмий одобномаси”** дейиш ҳам мумкин.

“Тадқиқотчилар илмий одобномаси” қуйидаги тартиб-қоидалар доирасида бўлиши даркор:

- тарихга оид тадқиқотларда келтирилган далиллар, саналар, воқеа-ҳодисалар ҳақиқий манбаларга асосланганига жавоб бериши керак;
- ўзидан аввал тадқиқотчилар томонидан илмий муомалага киритилган тарихий манбаларни “ўзлаштирмасдан”, илк бор илмий истеъмолга киритиляпти демаслик лозим;
- бошқалар тадқиқотида келтирилган илмий янгиликларни ўзиники қилиб кўрсатмаслик керак;
- ўзга тадқиқотчилар томонидан фойдаланилган адабиётлар, архив манбаларидан ўз илмий ишида иқтибос келтирганда, ўша адабиёт ва манбаларга эмас, балки муаллифнинг асари, тадқиқотига ишора қилмоқ даркор;
- илмий изланиш жараёнида ўзидан аввалги тадқиқотчилар томонидан тарихий воқеа-ҳодисалар, далиллар, саналар, шахслар фаолияти, исми-шарифи билан боғлиқ воқеалар бўйича йўл қўйилган хатолар, ноаниқликларга нисбатан муносабат ҳар қандай қўпол иборалардан йироқ, одоб доирасидан чиқмаган ҳолда баён этилиши мақсадга мувофиқ;
- тадқиқотда бошқаларнинг асарлари, илмий тадқиқотларидан иқтибосиз келтирилган фикрлар, назарий гоялар **кўчирмачилик** ҳисобланади;
- тадқиқотда ўзидан аввалги илмий изланувчилар томонидан амалга оширилган муваффақиятларни эътироф эта билиш, кўр-кўрона танқидга ўтмаслик керак;
- ўзгалар тадқиқотига, ҳеч қандай ҳисса қўшмай туриб, ҳаммуаллифликка интилмаслик лозим. Бундай уриниш ҳақиқий илмий одобсизлик ҳисобланади.

Таянч сўзлар

Тарихий-географик атамалар, тушунча, ибора, изоҳ, қисқартма, уйруқ, граф, девон, кадетлар, эсерлар, Жамбул, “Бешинчи колонна”, “Варфолемей кечаси”, Казус белли, “Оренбург тўсиғи”, ўлчов бирликлари, “Қизил Шарқ”, “Олой маликаси”, президент, резидент, тезис, илмий мақола, рисола, монография, ўқув қўлланма, дарслик, ўқув кўрсатма, услубий тавсия.

Назорат саволлари

1. Тарихий, тарихий-географик атамалар илмий тадқиқотларда қандай аҳамиятга эга?

2. Тарихий тушунча ва изоҳлар илмий ишда қандай ўрин тутади?
3. Тадқиқотда тарихий қисқартмалардан фойдаланиш усули ҳақида сўзлаб беринг?
4. Илмий-тадқиқот якунига оид нашрлар ҳақида нималарни биласиз?

Мавзу юзасидан тестлар

1. Ҳажмига кўра 48 бетдан ошмайдиган илмий изланишлар натижаси нима деб аталади?
 - а) рисола
 - в) монография
 - с) ўқув қўлланма
 - д) мақола
2. Илмий мақола ҳажми одатда неча бетни ташкил этиши мумкин?
 - а) 3-15 бетни
 - в) 2-10 бетни
 - с) 10-20 бетни
 - д) 20-25 бетни
3. Ҳажми 5 босма табокдан кўп бўлган йирик илмий асар нима деб аталади?
 - а) дарслик
 - в) рисола
 - с) монография
 - д) ўқув қўлланма
4. Тезиснинг муҳим хусусиятларидан бири қайси?
 - а) ҳажм жиҳатидан қисқалиги
 - в) ҳажм жиҳатидан кенглиги
 - с) батафсил баён этилганлиги
 - д) илмийлиги
5. Илмий тадқиқотлардаги кўчирмачилик нима?
 - а) бошқа илмий тадқиқотлардан иқтибоссиз келтирилган далиллар
 - в) тадқиқотлардаги назарий гоялар ва хулосаларни кўчириб олиш
 - с) адабиётлардан ҳеч бир иқтибоссиз ўзлаштириш
 - д) а, в, с

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., 1998.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т., 2008.
3. Алимов И. А. Архившунослик. – Андижон, 2005.
4. Алимов И. А., Эргашев Ф., Бўтаев А. Архившунослик. – Т., 1997.
5. Бекмухамедов Х. Ю. Тарих терминлари изохли луғати. – Т., 1978.
6. Библиография: термины и определения. ГОСТ. 70-77. – М., 1977.
7. Дипломная работа по специальности «История». – Казань, 1990.
8. Дербов Л. А. Введение в изучение истории. – М., 1981.
9. Дўсимов З. Эгамов Х. Жой номларининг изохли луғати. – Т., 1977.
10. Дьяков В. А. Методология истории в прошлом и настоящем. – М., 1974.
11. Ёрастов Н. П. Методика самостоятельной работы. – М., 1985.
12. Исоқов Б., Талапов Б. Тарих факультети битирувчиларига диплом иши тайёрлаш бўйича услубий тавсиялар. – Наманган, 1995.
13. Как самостоятельно изучать политическую книгу. – М., 1984.
14. Крайская З. В. Организация архивного дела в СССР. – М., 1980.
15. Курс ишларини ёзиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқнома. – Т., 2007.
16. Малакавий битирув иши ва магистрлик диссертацияларини ёзиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқнома. – Т., 2008.
17. Муратов Х. М., Дерпер М. Я. Введение в специальность. – Т., 1977.
18. Мухитдинов М., Потапов А. Подготовка и защита диссертации. – Т., 2005.
19. Нишонов М., Улухўжаев Н. Битирув малакавий ишларини бажариш ва химоя қилиш (услубий кўрсатмалар). – Наманган, 2004.
20. Основы организации обучения в вузе. – Т., 1986.
21. Правила оформления диссертации и автореферата. – Т., 2008.
22. Пронштейн А. П., Задёра А. Г. Методика работы над историческими источниками. – М., 1977.
23. Словарь иностранных слов (издание 14-е, исправленное). – М., 1987.
24. Ўлжаева Ш. М. Тарих фанининг илмий тадқиқот усуллари (ўқув кўлланма). – Т., 2003.
25. Ўрта асрлар тарихидан изохли луғат. – Т., 1979.
26. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изохли луғати (қадимги ва ўрта асрлар). – Т., 1999.

ИЛОВАЛАР

1- илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ВАТАН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

АШИРОВ МУЗАФФАР ЮЛЧИБЕКОВИЧ

**ТАРИХШУНОСЛИК ФАНИДАН
КУРС ИШИ**

**АТ-ТАБАРИЙНИНГ “ТАРИХИ АР-РУСУЛ ВАЛ МУЛУК” АСАРИДА
МОВАРОУННАХРДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АҲВОЛНИНГ
ЁРИТИЛИШИ**

**Илмий раҳбар: тарих фанлари номзоди,
Асқаров Қахрамон Қирғизович**

НАМАНГАН – 2008

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ кафедра мудирини,

(илмий даражасини, унвонини, Ф.И.Ш)

“ ” _____

(сана)

Битирув малакавий ишини ёзиш бўйича

ИШ РЕЖАСИ

№	Иш тартиби ва даври	Муддати		Ҳисобот усули
		бошланиши	Охири	
1	Мавзу танлаш			
2	Адабиёт ва манбалар билан танишиш, библиография тузиш			
3	Битирув малакавий иши режаси ва кенгайтирилган иш режаси			
4	Мавзунинг долзарблигини, мақсад ва вазифаларини аниқлаш			
5	Мавзуга оид материалларни классификация қилиш			
6	Боблар ва параграфларни ёзиш			
7	Бобларни таҳрир қилиш			
8	Битирув малакавий ишининг кириш ва хулосасини устида ишлаш			
9	Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатини тузиш			
10	Иловани расмийлаштириш			
11	Битирув малакавий ишини илмий раҳбарга топшириш			
12	Битирув малакавий ишини тақризчиларга бериш			
13	Битирув малакавий ишини ҳимоя учун кафедра мудирини тасдиғига бериш			

(талаба Ф.И.Ш)

(имзо)

(илмий раҳбар, илмий даражасини, унвонини Ф.И.Ш)

(имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

ЭРҚЎЗИЕВ АНВАРЖОН АШУРОВИЧ

XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН
ТАРАҚҚИЙ ПАРВАРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР
БЎЙИЧА ҚАРАШЛАРИ

5A220201 – Ватан тарихи

Магистр даражасини олиш учун такдим этилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я




**Илмий раҳбар: тарих фанлари доктори,
профессор Солиев Султонмурод Солиевич**

НАМАНГАН – 2008

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. XX аср бошларида Туркистон иқтисодий ҳаётининг Россия империя- си манфаатларига бўйсундирилиши.....	13
1.1. Туркистоннинг Россия енгил саноати учун хом-ашё етказиб берувчи ўлкага айлантирилиши.....	23
1.2. Туркистон пахтачилик саноатининг вужудга келишидаги асосий омиллар.....	34
II боб. Туркистон тараккийпарварларининг иқтисодий масалаларда мус- тамлака маъмуриятига муносабати.....	35
2.1. Туркистон тараккийпарварларида иқтисодий мустамлака сиёсатига қарши ғояларнинг вужудга келиши.....	45
2.2. Туркистон тараккийпарварлари ва мустамлака маъмурияти ўртасида иқтисодий масала юзасидан мунозаралар.....	56
III боб. Туркистон тараккийпарварларининг иқтисодий масалалар бўйича қарашларининг тарихий манбаларда акс этиши.....	57
3.1. Мустамлака маъмурияти матбуотида Туркистон тараккийпарварларининг иқтисодий қарашларига муносабат.....	67
3.2. Миллий матбуот нашрларида Туркистон тараккийпарварлари ғояларининг акс этиши.....	77
Хулоса.....	87
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	95
Илова.....	100

Тадқиқотда саҳифалар ўлчами



Хорижий адабиётлар ва архив ҳужжатларига иктибос бериш тартиби

I. Хорижий адабиётларга иктибос бериш

а) адабиёт биринчи бор келтирилганда:

Pierce R.A. Russian Central Asia 1867 – 1917: A study in colonial rule. – Los Angeles: University of California Press, 1960. – P. 204 – 210.

б) айнан шу адабиёт кейинги иктибосларда:

Pierce R.A. Russian Central Asia ... – P. 255 – 256.

в) хорижий журналлардан олинган мақолаларга:

Schamiloglu U. The Formation of Tatar Historical Consciousness: Şihabaddin Marçani and the Image of the Colden Horde // Central Asian survey, 1990. Volime 9, Number 2. – P. 39 – 47.

II. Архив манбаларига иктибос бериш

2.1. Ўзбекистон Республикасидаги архивлар

а) матнда биринчи бор келтирилганда:

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎЗР МДА), И.19- фонд, 1- рўйхат, 69- иш, 2- варақ ва орқаси.

б) матнда айнан шу архив манбалари:

ЎЗР МДА, И.1- фонд, 20- рўйхат, 1191- иш, 8- варақ.

в) матннинг бир бетида кетма-кет айнан бир архивдан:

Ўша жойда, И.1- фонд, 20- рўйхат, 1191- иш, 12- варақ.

Ҳки: Ўша жойда, 20- рўйхат, 1191- иш, 14- варақ.

Ҳки: Ўша жойда, 1191- иш, 18- варақ.

Ҳки: Ўша жойда, 20- варақ.

Ҳки: Ўша жойда.

2.2. Хорижий давлат архивлари

а) матнда биринчи бор келтирилганда:

Центральный государственный исторический архив Республики Башкортостана (ЦГИА РБ), ф. Р- 629, оп. 1, д. 472, л. 49.

б) матнда айнан шу архив манбалари:

ЦГИА РБ, ф. Р- 629, оп. 1, д. 472, л. 55.

в) матннинг бир бетида кетма-кет айнан бир архивдан:

Там же, ф. Р- 629, оп. 1, д. 472, л. 62.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

I. Китоблар**1.1. Бир жилдлик китоблар, монографиялар, даврий тўпламлардаги мақолалар:**

- а) *бир муаллиф*: Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии: (Туркистон Мухторияти). – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – 268 с.
- б) *икки муаллиф*: Алимова Д. А., Рашидова Д. А. Махмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. – Т.: Академия, 1999. – 53 б.
- в) *муаллифлар жамоаси*: Тарих шохидлиги ва сабоклари / Н. А. Абдурахимова ва бошқ. Мухаррир Д. А. Алимова. – Т.: Шарқ, 2001. – 463 б.
- г) *даврий тўпلام*: Болтабоев Ё. Давлат Думасида мусулмон депутатларининг иштироки // Тарих тилга кирганда... Даврий тўпلام. – №1. – Наманган, 2007. – Б. 40 – 43.

1.2. Кўп томли китоблар:

- а) Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида / Содиков Х. ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2000. – 463 б.

II. Диссертация ва авторефератлар

- 2.1. Абдуллаева Я. А. XIX аср охири ва XX асрда Қорақалпоғистонда хотин-қизлар масаласи (ижтимоий-сиёсий аспект): Тарих фан. докт. ... дисс. – Т., 2005. – 369 б.
- 2.2. Вохидова К. А. Исхакхан Жунайдуллаходжа Ибрат и его научно – историческое наследие: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 2002. – 25 с.

III. Газета ва журналлар

- 3.1. Акрамов Х. М. Наманганда гул байрами // Наманган ҳақиқати. 2008. 21 август.
- 3.2. Сувонов К. Х. Туркистон матбуоти жонкуяри // Тафаккур. – Т., 2004. – №4. – Б. 20 – 22.

IV. Конференция материаллари

- 4.1. Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимиға қарши қуролли ҳаракат тарихининг манбашунослиги (Архив ҳужжатлари ва эълон қилинган тўпламлар материаллари мисолида) // Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари (2008 йил 25 апрель). – Т., 2008. – Б. 323- 332.

Ўзбекистон Республикаси Марказий
давлат архиви директори
_____ га

Хурматли _____!

Наманган Давлат университети ректорати, Сиз раҳбарлик қилаётган архив фондидан Тарих факультети IV курс талабаси Алиев Темур Шамсиевичнинг “Туркистонда нефть саноатининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари)” мавзусидаги битирув малакавий иши учун манбалар тўплашига рухсат беришингизни сурайди.

Сизга ҳурмат билан

Ректор: _____

Ўзбекистон Республикаси Марказий
давлат архиви директори
_____ га

Хурматли _____!

Наманган Давлат университети ректорати, Сиз раҳбарлик қилаётган архив фондидан Тарих факультетининг қуйидаги IV курс талабаларига битирув малакавий иши учун манбалар тўплашига рухсат беришингизни сўрайди.

1. Турдиев А. – Наманган уезди тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари).
2. Азимов Н. – Туркистонда миллий озодлик ҳаракати тарихшунослиги.
3. Ҳақимова С. – Фарғона водийсида енгил саноатнинг вужудга келиш тарихи.

Сизга ҳурмат билан

Ректор:

Тарихий қисқартмалар

- ЁКП – Бухоро коммунистик партияси
 ЁМИҚ – Бутунроссия марказий ижроия қўмитаси
 ЁМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
 ЁХСР – Бухоро халқ совет республикаси
 ВКП(б) – Бутуниттифоқ коммунистик партияси (большевиклар)
 ВЧК – Бутунроссия фавкуллда комиссияси
 Г ОЭЛРО – Россияни электрлаштириш бўйича давлат комиссияси
 Г ПУ – Давлат сиёсий бошқармаси
 ЕХХТ – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти
 ИХТ – Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти
 КПСС – Совет иттифоқи коммунистик партияси
 МОПР – Пролетар инкилобчиларнинг халқаро ташкилоти
 НАТО – (North Atlantic Treaty Organization) Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти
 НКВД – Ички ишлар халқ комиссарлиги
 НЭП – Янги иқтисодий сиёсат
 ОПЕК – (Organization of Petroleum Exporting Countries) – Нефть экспорт қиладиган мамлакатлар ташкилоти
 ОЁМК – Очларга ёрдам марказий комиссияси
 РКП(б) – Россия коммунистик партияси (большевиклар)
 САГУ – Ўрта Осиё Давлат университети
 САКУ – Ўрта Осиё коммунистик университети
 Средазбюро – Ўрта Осиё сиёсий бюроси
 СредазЭКОСО – Ўрта Осиё Иқтисодий кенгаши
 ТКП – Туркистон коммунистик партияси
 ТРМБ – Туркистон район муҳофаза бўлими
 Турккомстарис – Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш бўйича Туркистон қўмитаси
 ТуркМИҚ – Туркистон марказий ижроия қўмитаси
 ТЭС – Туркистон Иқтисодий кенгаши
 ЎЗМУ – Ўзбекистон Миллий университети
 ЎОКМДН – Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати
 ЎИЁК – Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши
 ХКП – Хоразм коммунистик партияси
 ХХСР – Хоразм халқ совет республикаси
 ШХТ – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
 ЮНЕСКО – (United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization)
 ЁМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти.

Фойдаланилган адабиётлардан иктибос келтириш тартиби

I. Китоблар

1.1. Бир жилдлик китоблар, монографиялар, даврий тўпламлардаги мақолалар:

- а) *бир муаллиф*: Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Т.: Университет, 2007. – Б. 12.
- б) *икки муаллиф*: Алимова Д. А., Рашидова Д. А. Махмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. – Т.: Академия, 1999. – Б. 15.
- в) *муаллифлар жамоаси*: Тарих шохидлиги ва сабоклари / Н.А.Абдурахимова ва бошқ. Мухаррир Д. А. Алимова. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 46.
- г) *даврий тўплам*: Болтабоев Ё. Давлат Думасида мусулмон депутатларининг иштироки // Тарих тилга кирганда... Даврий тўплам. – №1. – Наманган, 2007. – Б. 40.

1.2. Кўп томли китоблар:

- а) Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида / тузувчилар Содиқов Ҳ. ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 63.
- б) *айнан шу адабиёт кейинги эслашларда*: Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида... – Б. 88.

II. Диссертация ва авторефератлар

- 2.1. Абдуллаева Я. А. XIX аср охири ва XX асрда Қорақалпоғистонда хотин-қизлар масаласи (ижтимоий-сиёсий аспект): Тарих фан. докт. ... дисс. – Т., 2005. – Б. 45.
- 2.2. Вохидова К. А. Исхакхан Жунайдуллаходжа Ибрат и его научно – историческое наследие: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 2002. – С. 7.

III. Газета ва журналлар

- 3.1. Акрамов Х. М. Наманганда гул байрами // Наманган ҳақиқати. 2008. 21 август.
- 3.2. Сувонов К. Х. Туркистон матбуоти жонкуяри // Тафаккур. – Т., 2004. – №4. – Б. 20.

IV. Конференция материаллари

- 4.1. Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихининг манбашунослиги (Архив ҳужжатлари ва эълон қилинган тўпламлар материаллари мисолида) // Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари (2008 йил 25 апрель). – Т., 2008. – Б. 328.

**Туркистонда пахта экиш майдонлари тўғрисида маълумот
(1907-1917 йй.)**

Йиллар	Фарғона Вилояти	Сирдарё вилояти	Самарқанд вилояти	Каспийорти вилояти	жами
	десятина	десятина	десятина	десятина	десятина
1907	199994	32125	15521	34000	288640
1908	190884	28007	21683	42000	282574
1909	208053	31463	31269	31000	301785
1910	235891	35675	25224	28000	324790
1911	268317	49268	28666	38000	383281
1912	255566	64450	29130	42319	319465
1913	274897	76726	31758	43000	426381
1914	283000	84399	30846	62260	460505
1915	333525	74050	55573	57466	523614
1916	348469	64535	60305	60362	533671
1917	286699	56134	42004	33953	418790

⁴⁹ Каранг: Зиёева Д. Х., Зиёев Х. З. Чор империясининг хазинасидаги Туркистон моддий бойликлари // Тарих шохидлиги ва сабоқлари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 125.

Даврий кўрсаткичлар изохи

- Милоддан аввалги II аср- IV асрлар: бу олти асрни ўз ичига олади.
- III аср ўрталари: 240- 260 йиллар оралиғи
- V аср бошлари: 400- 410 йиллар оралиғи
- VI- IX асрлар: 500- 799 йиллар оралиғи
- XII аср охири – XIII аср биринчи ярми: 1190- 1250 йиллар оралиғи
- XV аср биринчи ярми: 1400- 1450 йиллар оралиғи
- XV аср охирги чорағи – XVI аср: 1475- 1599 йиллар оралиғи
- XVII аср биринчи чорағи: 1600-1625 йиллар оралиғи
- XVIII аср ўрталари: 1740- 1760 йиллар оралиғи
- XIX аср охирги чорағи: 1876- 1900 йиллар оралиғи
- XIX аср охирлари: 1890- 1900 йиллар оралиғи
- XIX аср охири – XX аср бошлари: 1890- 1910 йиллар оралиғи
- XX аср биринчи чорағи: 1900- 1925 йиллар оралиғи
- XX аср 20- 30 йиллари: 1920- 1939 йиллар оралиғи
- Илк ўрта асрлар (Осиёда): V – IX асрлар оралиғи
- Илк ўрта асрлар (Европада): V – XI асрлар оралиғи
- Ўрта Осиёда Уйғонишда даври: IX – XII асрлар оралиғи
- Турғунлик йиллари: XX аср 70- 80 йиллари оралиғи
- Қайта қуриш йиллари: 1985- 1990 йиллар оралиғи
- Истиклол йиллари: Ўзбекистонда 1991 йил 1 сентябрдан кейинги йиллар

МУНДАРИЖА:

Сўз боши.....	3
1-мавзу: Илмий тадқиқот асослари фани предмети, мазмуни ва вазифалари.....	5
2-мавзу: Илмий тадқиқотни ташкил этиш ва олиб бориш асослари.....	9
3-мавзу: Илмий тадқиқот олиб бориш кўникмалари.....	15
4-мавзу: Курс иши ёзиш асослари.....	27
5-мавзу: Битирув малакавий ишини ёзиш ва расмийлаштириш.....	33
6-мавзу: Магистрлик диссертациясини ёзиш ва расмийлаштириш.....	42
7-мавзу: Илмий тадқиқот асосий тамойиллари: вазифалар, хусусиятлар, услубиёт.....	52
8-мавзу: Илмий тадқиқот материаллари устида ишлаш.....	61
9-мавзу: Тадқиқотларда илмий аппаратнинг расмийлаштирилиши.....	81
10-мавзу: Тадқиқотларда тарихий, тарихий-географик атамалар, тушунчалар, қисқартма ва иборалар.....	93
Адабиётлар.....	109
Иловалар.....	110

Тарих фанлари доктори А. Н. Расулов

Тарих фанлари номзоди А. А. Исоқбоев

Тарих фанининг илмий тадқиқот асослари ва услубиёти

(Ўқув-услубий қўлланма)

Муҳаррир: Б. Маллабаев

Мусаввир: И. Солиев

Тех. муҳаррир: Б. Ваҳобов

Мусаххих: Б. Қурбонов

Теришга берилди 15 сентябрда 2008 й. 2008 й. 01 октябрда
босишга рухсат берилди. Бичими 64x80 1/16 Ҳажми 7,75 б.т.
Адади 200. Буюртма № 118, Баҳоси келишилган нарҳда.

“Фаҳризода” кичик корхонаси (Наманган шаҳар,
Дўстлик шоҳкўчаси, 2-А уй) да чоп этилди.

